



R 496  
1985/5





# МЕҲНАТ НАШИДАСИ

Иброҳим ҚУЧҚОРОВ,

Сирдарё область ижроия комитетининг раиси

Илк баҳор кунларида, дехқонларимизнинг куч-ғайрати жўш урган бир пайтда, Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини ва жонажон партиямизнинг XXVII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун жасоратли меҳнат давом этаётган кезларда республика кишлоқ хўжалик ходимларининг бўлиб ўтган қурултойи ўзгача аҳамият, ўзгача маъно ва мазмун касб этди.

Сирдарё области меҳнаткашлари беш йилликнинг ўтган йилларини таҳлил қилар эканлар, кўп жиҳатдан қалблари қувончга тўлади. Бунинг боиси бор. Дехқонларимиз, чорвадорларимиз, борбонларимиз самарали меҳнат натижасида шу йиллар ичида катта

муваффақиятларга эришдилар. Гўшт, сут, тухум, жун, пилла, дон, картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари харид қилиш тўрт йиллик планлари бажарилди.

Аммо биз 1984 йили бирмунча камчиликларга ҳам йўл қўйдик. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонўжаев бу борадаги қолоқлик боисини тўғри кўрсатиб ўтди. Биз бу танқиддан тегишли хулосалар чиқариб оламиз.

1984 йилда пахта тайёрлаш планини ўринлаган бўлсак ҳам, лекин тўрт йиллик бўйича план бажарилмади, давлатдан анча миқдорда пахта қарздор бўлиб қолдик. Шунингдек, ўтган йили сут, ғалла, сабзавот, полиз, мewa, узум тайёрлаш планларини ҳам бажаролмадик. Бу биздан 1985 йилда ҳар қачонгидан ҳам жасорат кўрсатиб ишлашни талаб қилади.

Қиш фаслининг қаттиқ келганлиги ва ҳаддан ташқари чўзилиб кетганлиги туфайли кишлоқ хўжалигида мисли кўрилмаган оғир вазият вужудга келди. Оқибатда кузда аксарият майдонлар шудгорланмай, ернинг шўри ювилмай қолди. Мирзаҷўл ерлари шароитида ернинг шўри ювилмас, мўл ҳосил ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам область партия комитети, область ижроия комитети ҳаво очилиши ва ернинг етилиши биланоқ мавжуд имкониятларни шудгор қилишга ва яхоб беришга сафарбар этдилар.

Йил бошида областимизнинг дондор кишилари қолхозчиларга, совхоз ишчиларига, ирригаторларга, мелиораторларга, областнинг барча меҳнаткашларига «Очиқ хат» билан мурожаат этиб, умумий сафарбарлик эълон қилдилар. Барча техника, жумладан бошқа ташкилотларнинг техникаси ҳам бу ишга жалб этилди. Ариқ-зовурларни тозалаш, кўчат ўтказиш, техникани шай ҳолатга келтириш ишлари тезкорлик билан амалга оширилди. Чорва маҳсулдорлигини ошириш учун озука базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилди.

Маълумки, барча экинлардан мўл ҳосил етиштиришнинг энг муҳим агротадбирларидан бири — мелиорация ишларини яхши йўлга қўйишдан иборат. Мирзаҷўлнинг Сирдарё области зонасида ўзлаштириладиган ерлар анча машаққатли, шароити оғир ерлар ҳисобланади. Фан ютуқларига қаттиқ суянмасдан туриб узоқни мўлжаллаш амри маҳол. Фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишда заҳматкаш олимларимизнинг кўпчилиги бизга ёрдам қўлларини чўзмоқдалар. Шу ўринда мен бир олима, Ташкент Қишлоқ хўжалик институтининг доценти Ҳукумат Мирзаалиева ҳақида илк сўзларни айтиб, сирдарёликларнинг қалб ташаккурла-

рини изҳор этмоқчиман. Бу олиманинг жонқуярлиги, заҳматкашлиги, қатъияти туфайли областимиз бултур гўза зараркундаларига қарши курашда юз фойиз биологик методга ўтишга муяссар бўлди. Бу тadbирнинг қанчалар олижаноб иш эканлигини ифодалаш мушқул. Инсон саломатлигига зарар етказмасликда, табиатни муҳофаза этишда бу метод жуда қўл келди. Яъни, биз бундан 5 миллион 800 минг сўмдан иборат иқтисодий фойда кўрдик. Ҳар йили 40—45 самолёт билан заҳар сочиш каби методдан воз кечдик.

Олима биз билан, дехқонлар билан ёнма-ён бўлди, этик кийиб, дала кезди. Аммо кези келганда, шуни айтмоқчиманки, илмий-текишириш муассасаларида лабораториялардан чиқмайдиган, дехқонларнинг фикри, ташвишларини билмайдиган олимларимиз ҳам йўқ эмас. Бир мисол. Бизда янги кўриқ — Меҳнатобод районида ҳар бир гектар ердан 7—9 центердан пахта, 6—7 центердан маккажўхори олинади. Ери ниҳоятда шўрлангандир. Демакки, шу районда ҳосилдорликни қандай қилиб кўтариш борасида биз олимларимизнинг амалий маслаҳатига муҳтожмиз. Олимларимиз алмашлаб экишдан кейин ҳам чиқадиغان бегона ўтларни тамомила йўқотадиган, машина теримидан сўнг тўкилган пахталарни қолдирмай териб оладиган ёки пахтани йиғиб-териб олишда пахтани тўкмайдиган машиналар ва гербицидлар яратиб берсалар, бегона ўтга қарши кураш ва тўкилган пахталарни теришга сафарбар қилинаётган минглаб студент ва ўқувчилар, шаҳарликлар ёрдамига эҳтиёж қолмасди. Юқоридаги ихтиролар самараси қанчалик маънавий ва иқтисодий аҳамиятга эга эканлигини яхши биламиз. Аммо айрим олимларимиз ҳамон далага, дехқонлар ҳузурига бориб, улар билан фан ютуқларини амалда татбиқ этишга журъат этмаётирлар. Бундай эътиборсизликка чек қўйиш лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг давлатига биноан олиҳиммат фарғоналик дехқонларнинг областимизга келиши бизга жуда катта мадад бўлди. Биз ташаббускор фарғоналиклардан миннатдормиз.

Областимиз дехқонлари бу йил она-Ватанга 410 минг тонна пахта, 167 минг тонна ғалла, 60 минг тонна сабзавот, 14,3 минг тонна мewa, 17 минг тонна узум, 12 минг 600 тонна гўшт, 49 минг тонна сут, 40 миллион дона тухум етказиб бериш учун шижоат кўрсатиб, мардонавор меҳнат қилаётирлар. Уларнинг нишонланажак улуг тантаналарни муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиб, халқимизнинг фаровонлигини ошириш йўлида фидокорона ишлашларига шубҳа йўқ.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг  
ойлик ижтимоий - сиёсий,  
адабий - бадий журнали

№5 (423)

Май  
1985



Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг нашриёти

# ЖАНГОВАР СОЛНОМА

ЛЕНИНЧА «ПРОЛЕТАРИЙ» ГАЗЕТАСИННИНГ 80 ЙИЛЛИГИ

И. И. Ленин бошчилигида большевиклар партияси ва унинг қудратли мафкуравий курули бўлмиш большевик матбуот халқ озодлик курашининг олдинги сафларида борди. Владимир Ильич Ленин муҳаррирлигида нашр этилган ана шундай матбуот органларидан бири «Пролетарий» газетаси биринчи рус революциясининг янграқ овози ва жанговар солномаси бўлди. Газета ярим йиллик фаолияти давомида Россиядаги 1905 йил революцион ҳаракатнинг ривожланиши ва кенгайишига улкан ҳисса қўшди, пролетариатни мустақид чоризм билан бўладиган ҳал қилувчи курашга тайёрлади. «Пролетарий» газетаси Женевада нашр этилди. У эски, ленинча «Искра»нинг йўналишига содиқ қолди, большевикча «Вперёд» газетаси тутган йўлни ҳар томонлама изчил давом эттирди. Газета 1905 йил 14(27) майдан 12(25) ноябрга қадар ҳафтасига бир марта чиқиб турди. Ҳаммаси бўлиб мазкур газетанинг 26 сони ўқувчилар қўлига етиб борди. Унинг тиражи 10 минг нусха атрофида эди.

РСДРП III съездининг қарорлари «Пролетарий» фаолиятининг программасига айланди. Газета зиммасига съезд қарорларининг ёйиш, аҳолининг турли табақларини, биринчи навбатда пролетар оммасини самодержавиега қарши курашга сафарбар этиш вазифаси юклатилди.

1905 йил 27 апрелда Владимир Ильич Ленин «Пролетарий» газетасининг масъул муҳаррири этиб тайинланди. Редакцион коллегия составида В. В. Воронский, А. В. Луначарский, М. С. Ольминскийлар ҳам бор эдилар. Н. К. Крупская, Л. А. Фотиева, В. А. Карпинскийлар редакция ишларида фаол қатнашардилар.

В. И. Ленин газета саҳифаларида РСДРП III съезди қарорларини ҳамда ривожланиб бораётган революцияда большевикларнинг тактик йўлини пропаганда қилишга ниҳоятда катта эътибор берди: «Пролетарий»нинг I-сонидаги деярли барча материаллар яқинда ўз ишени тугаллаган партия съездининг якулига бағишланган эди. Бош мақола ўрнида В. И. Ленин томонидан ёзилган «Россия социал-демократик ишчилар партиясининг III съезди хақида ахборот» берилди. Шундан сўнг съездининг энг асосий: курули кўзғолон, муваққат революцион ҳокимият, социал-демократиянинг деҳқонлар ҳаракатига муносабати хақидаги қарорлари эълон қилинди. Ушбу сонда В. И. Лениннинг съезд қарорларини тарихий аҳамиятини кўрсатиб берувчи «Учинчи съезд» сарлавхали мақоласи билди.

Жанговар оптимистик руҳ билан сугорилган «Пролетарий» газетасининг кейинги сонларида самодержавиега ағдариб ташлаш ҳамда пролетариат ва деҳқонларнинг революцион ҳукуматини барпо этиш хақида съезд илгари сурган вазибалар моҳияти очиб берилди. Мазкур йўналишдаги шиорлар большевиклар ва меньшевикларнинг революцияга муносабатини ифода этувчи, айни чоқда улар ўртасидаги туб фарқни яққол кўрсатувчи муҳим омиллар ҳам эдики, буни В. И. Ленин ўзининг «Революцион кураш ва либерал даллоллик» мақоласида рад этиб бўлмайдиган далиллар билан ғоят ишонарли тарада асослаб берди.

Партиянинг деҳқонлар ҳаракатига муносабати масаласи катта аҳамиятга эга эди. Ана шундай материаллар орасида В. И. Лениннинг «Социал-демократиянинг деҳқонлар ҳаракатига муносабати» деб аталган программ мақоласи, шунингдек «Социализм ва деҳқонлар» ҳамда «Майда буржуа ва пролетар социализми» асарлари ҳам бор эди. Мазкур асарларда большевикларнинг аграр программаси баён этилди, РСДРП III съездининг деҳқонлар масаласи юзасидан қабул қилган қарорлари назарий жиҳатдан асосланди.

В. И. Лениннинг «Пролетарий» газетаси саҳифаларида босилган мақолаларида 1905 йил революциясининг ҳаракатлантирувчи кучлари кўрсатиб берилди, буржуа демокра-

тик революциясида пролетариат гегемонлиги, ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқи, курули кўзғолон, буржуа демократик революциядан социалистик революцияга ўтиш каби масалалар ишлаб чиқилди.

Газета Россиядаги революцион воқеаларни диққат билан қузатиб борди. Шундай воқеалардан бири «Потёмкин» броненосециди кўзғолон эди. «Пролетарий» шу муносабат билан иккита мақола эълон қилди. В. И. Ленин томонидан ёзилган «Революцион армия ва революцион ҳукумат» деб аталган мақолада содир бўлган воқеа назарий жиҳатдан умумлаштирилди, шу билан бирга партия ва ишчилар синфи революцион армия отрядла-

маҳаллий социал-демократик ташкилотлар билан алоқасини мустаҳкамлади ва янада кенгайтди. Умуман газета маҳаллий социал-демократик ташкилотларга катта таъсир кўрсатди. В. И. Лениннинг «Пролетарий»да босилган кўпгина мақолалари маҳаллий большевик газеталар томонидан кўчириб босилар, варақалар шаклида тарқатилар эди.

«Пролетарий» редакцияси Туркистон ўлкасидаги социал-демократик ташкилотлар билан ҳам алоқа боғлаган, уларнинг фаолиятини қузатиб борар ва амалий ишларида кўмаклашиб турар эди. Газетанинг 12-, 16-, 19-, 20-, 21-, 23-, 24-сонларида Туркистон ўлкасининг Тошкент, Асхобад, Қизил-Арват



Россия социал-демократик ишчилар партиясининг марказий органи — «Пролетарий» газетаси.

ри ташкил қилишга, солдат, матрос ва деҳқонлар ўртасида сафарбарлик ишларини кизитиб юборишга даъват этилди. В. И. Ленин кўзғолон кўтарган матросларнинг қаҳрамонлигини юксак баҳолади, чор кўшинларига таслим бўлмаган броненосецни «революциянинг энгилмаган территорияси» деб атади. В. Воронский томонидан ёзилган «Дарбадар кема» сарлавхали мақолада эса, матросларнинг беккеёс фидокорликлари ва жасоратлари улуғланган эди.

«Пролетарий» саҳифаларида революцион ҳаракатда бевосита иштирок этётган ишчиларнинг мақола ва хабарлари ҳам босилиб турарди.

Большевиклар партиясининг шижоати ва марказий органининг даъвати билан 1905 йил октябрда Россия пролетариати умумрус сийсий стачкасини бошлади. Долғали Октябрь стачкаси кунларида газета саҳифасида «Россияда революция кунлари» рубрикаси пайдо бўлди. Революция кундалигига айланган ушбу рубрика остида Россиянинг 25 йirik шаҳридан олинган революцион воқеаларга доир хабар ва ланқалар босилиб турди. Шулар орасида Туркистон ўлкасидан олинган хабар ҳам эълон қилинган эди.

«Пролетарий» Россиядаги социал-демократик ташкилотларни ленинча гоюлар тева-рагига жипслаштириш учун курашди, партия ишлари соҳасидаги тажрибаларни умумлаштирди, омманинг революцион ижоди яратаётган ҳар бир янгиллики ўз вақтида қўллаб-қувватлади, унинг кенг кўламда оммалашувига ҳаракат қилди.

Партиянинг қишлоқларда олиб бораётган ишлари хақидаги ҳар бир материал деҳқонлар оммасининг революцион онги тобора юксалиб бораётганлигидан далолат беради. Деҳқонлар масаласи юзасидан большевик шиорларни тарғиб қилувчи газета янги-янги қишлоқларни гафлат уйқусидан уйғотар, уларни ишчилар синфи билан иттифок бўлиб ҳаракат қилишга ундар эди.

В. И. Лениннинг жонбозлиги ва жонкуярлиги туғайли «Пролетарий» редакцияси

ва бошқа шаҳарларидан олинган ва Ўрта Осиё халқларининг оғир аҳволи ҳамда мавжуд тузумга, шафқатсиз зулмга қарши улар орасида кучайиб бораётган норозилик кайфиятлари хақида ҳикоя қилувчи материаллар босилган. «Пролетарий» редакциясининг чақирғига жавобан Туркистон социал-демократлари кўплай варақалар ва прокламациялар нашр этиб, уларда чоризм ва либерал буржуа кирдикорларини фош этди. «Бутун дунё йўқсилари, бирлашингиз!», «Ишчи ўртоқлар!», «Уруш ёки тинчлик!», «Подшо инъоми ва революция» каби варақалар шулар жумласидандир. 1905 йил давомида РСДРП Тошкент группаси томонидан жами 70 дан ортқк варақа-прокламациялар нашр этиб тарқатилди.

В. И. Ленин газетанинг серғайтаб муҳаррири бўлишдан ташқари энг ҳозиржавоб, энг сермаҳсул публицисти ҳам эди. «Пролетарий»нинг 26 сониди Владимир Ильичнинг 90 га яқин мақола, хабар ва бошқа материаллари босилиб чиққанлиги фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Дохий ёзган мақолалар газетанинг сийсий қиёфасини, гоёвий йўналишини, мазмуни ва мунарижасини белгилади. Бу мақолалар революцион оптимизм, ишчилар синфининг кучқудратига комил ишонч, меньшевикларга нисбатан қатъий муросасизлик руҳи билан сугорилган эди.

КПСС Марказий Комитетининг «Россияда 1905—1907 йиллардаги революциянинг 80 йиллиги тўғрисида» қабул қилган қарорида ҳам: «Ривожланган социалистик жамиятни тақомиллаштириш, социалистик демократияни янада авж олдириш борасида партия билан халқнинг кўп қиррали фаолияти ёрқин ва ишонарли тарада кўрсатилсин», деб алоҳида таъкидланадики, бу совет матбуоти олдиде турган вазибалар масъулиятини ва унинг жанговарлик, партиявийлик руҳини янада оширади.

Воҳид АБДУЛЛАЕВ,  
ТошДУ доценти, тарих фанлари кандидати

# ИНСОН МЕҲРИ

Улуг Ватан уруши бошланганда Зарифжон ўн олти ёшли йигит эди. Ҳали ёшликнинг бегубор шўхликлари ҳаёлидан кетмаган, ҳали севиб-сөвиблиб улгурмаган эди. Лекин азиз ва ардоқли Ватанимизни топтаб келган фашистга нафрат туйғуси барча совет кишилари қатори Зарифжоннинг ҳам ёш юрагини чексиз ларзага солди. Кўнгилли бўлиб, гурланлик юзлаб йигитлар қатори фронтга кетди.

Ҳарбий билим билан қуроллангач, у ўн етти ёшида десантчилар қисмида полк разведкачиси бўлиб жангга кирди. Курск, Орёл шаҳарлари ва Белоруссияни душмандан тозалашда мардлик кўрсатди. Гомель шаҳри яқинидаги қаттиқ жангда эса Зарифжон оғир яраланди. Манфур ўк унинг ўнг оёгини илма-тешик қилиб ташлади.

Госпиталь, операция, оғрик азоблари... Ниҳоят, Буюк Галага ҳақидаги хушхабар! Бу хабар унинг дардларига малҳам қўйгандек бўлди. Йигирма икки ёшли йигит қўлтиқтаёқда она юрти Хоразмга қайтди. Кўзалари йўлга нигорон онаизорнинг бағри тўлди, севиңч ёшлари юзларини ювди. «Майли, қўлтиқтаёқда келсанг ҳам бошинг омон бўлсин, болагинам», деди она. У коҳзада илғор звено бошлиғи бўлиб ишлаб юрган кезларида ўғлига қалиқ танлаб қўйган эди. Қизининг исми Шукуржон эди. Оддийгина тўй бўлди.

Келин-куёвнинг дилбар онлари узоққа чўзилмади. Орадан уч-тўрт ой ўтмай Зарифжоннинг ногирон оёғидаги дард кўзгади. У тўшакка миҳланиб қолди. Шукуржон эрининг қошидан жилмасди. Зарифжон эса энди икки дард ичра ўртанарди.

— Сениям қийнаб қўйдим, Шукуржон, нега ўша жангларда ўлиб кетақолмадим-а. Ишлай олмасам, одамга ўхшаб яшай олмасам! — деди Зариф овози титраб.

— Ундай деманг, Зариф ака. Ахир сиз биз учун, келгуси авлод учун жанг қилдингиз. Ҳали тузалиб, ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетасиз. Ҳали сиз...

Рафиқасининг меҳр билан чақнаб турган қоп-қора кўзалари, ипақдек майин, мулоим сўзалари Зарифжоннинг юрагига қувват берар, бундай пайтларда оғрик азоблари бир оз чекинара эди.

Инсон меҳри, инсон садақатидан қудратли нима бор?! Бу меҳр, бу садақат биллур тиниқлигида ҳам, дур ва ёқут чиройида ҳам, ҳатто тоғлар юксақлигида ҳам йўқ. У фақат инсон юрагида бўлади, тоза юракда!

Шукуржон эрини оқ ювиб, оқ таради. Озгига ёқадиган таом ҳозирлаб, ярасига малҳам қўйди. Тунлари миҳжа қоқмади. Ўшан-

да Улуг Ватан урушидан ярадор бўлиб қайтганларга медицина ёрдами кўрсатиш учун Тошкентдан юборилган шифокорлар Абдурасул Набиев ва Олимжон Нурматовлар Зарифжондан тез-тез хабар олиб туришди. Ширин сўзли, меҳр-оқибатли бу йигитларнинг инсонийлиги Зарифжон билан Шукуржоннинг кўнглини тоғдай кўтарди. Ҳаёт Зарифжоннинг кўзларига чиройли кўрина бошлади. У пайтларда янги кашф этилган пенициллин ва стрептоцид дорилари камёб эди. Улар эса Тошкентдан ўша дориларни олиб боришди, беминнат, бепу!

— Нега шундай... — Ўйларди Шукуржон. — Фашист ўлгур инсонни йўқ қилиб, яхшиликни яқсон этмоқчи бўлди-ю, бизнинг совет кишилари инсон учун жонини беришга ҳам тайёр! Ҳа, бизнинг ватандошларимиз қалби пок одамлар.

«Қўлинг дард кўрмагур шифокорлар Зарифжонга ҳар икки соатда келиб укол қиладилар. Ярасини қайта боғлайдилар. Ўзим-чи, ахир шу ишларни ўзим ўргансам бўлади-ку!» деб қатъий аҳд қилди Шукуржон.

Шукуржон район Қизил ярим ой жамиятининг ҳамширалар таяёрлаш курсида ўқий бошлади. Бемор эр, бир қўлида ёш бола, бир қўлида китоб. Қайнонаси Фотима она ундан кўмагини аямади. Қис-

қа вақт ичда Шукуржон укол қилишни, беморга медицина ёрдами кўрсатишни ўрганиб олди. У пайтларда яра боғланадиган доқа ҳам камчил эди. Шукуржон ҳаммасини ювиб, дазмоллаб, қайта фойдаланарди. Қани энди бемор бери қараса... Олимжон билан Абдурасул Зарифжонни Тошкентга олиб кетишди. Рентген аппарати машғум уруш пайтидаги операцияда қолиб кетган суяк синиқлари беморга тинчлик бермаётганини аниқлади. Орадан ойлар, йиллар ўтди. Хуллас, 1943 йилда яраланган Зарифжон 1953 йилда оёққа турди. Ўн йил! Бу — инсон иродасини, меҳру садақатини синовдан ўтказадиган катта муддатдир.

— Дунёда шундай инсонлар бўлмаганида, медицинамиз шунчалар тараққий этмаганида, айниқса ёнимда Шукуржон меҳрибончилик қилмаганида, билмадим, мен оёққа турармидим-йўқми, — дейди Зарифжон ака самимият билан. Ўша эҳлик учинчи йилдан бери тинч меҳнат қувончидан бахтиёрман. Партиямиз, давлатимиз гамхўрлигини ҳар қадамда ҳис этиб, яшаб, ишлаб юрибман. Шукуржон билан болаларни тарбияладик. Мана энди набираларни.

— Ўша тошкентлик врачлардан ҳалиям миннатдор бўлиб юрамиз, — дейди жилмайиб Шукуржон опа. Унинг қалбидаги меҳр уммони кўзларида, бутун чеҳрасида балқиб туради. — Абдурасулжон Набиев район соғлиқни сақлаш бўлими билан маслаҳатлашиб, мени шу боғчада ишлашга ундаган эди. Уттиз уч йилдан бери ана шу «Шодлик» номли 4-боғчага мудираман. Уйда бешта болам бўлса, боғчада улар бир уз саксонта. Қўзим қувонади уларни кўриб.

— Ҳой, онаси, — дейди кулиб Зариф ака, — боғчани боғча қил-

гунча озмунча ишладингми? Узинг ҳам боғча учун туғилгандайсан.

— Балким, сиз учун ҳам туғилгандирман, дадаси! — деди Шукуржон опа.

Уртада самимий, бегубор кулги жаранглайди. Шукуржон опа фахр туйғуси билан жиддий сўзлайди:


— Ҳақиқатан пенсия ёшига етганимга анча бўлди, лекин ишимни ташлагим йўқ. Болаларсиз яшаб бўладими? Бир вақтлар хув даштга чиқиб, боғча учун ўтин териб келардик, озиқ-овқат масаласиям анча қийин эди. Боғчани ремонт қилишга ўзимиз елиб-югурардик. Энди эса, ҳамма яхши нарсалар, чиройли бинолар болаларга. Уларнинг ҳаққига фақат номард одам хиёнат қилади.

Шу чоғ Шукуржон опа ва Зариф оғанинг тиниқ, бегубор кўзларига қарайман. Бу кўзларда тоза юракнинг, мард юракнинг ҳиқоясини ўқийман. Ҳа, Ўзбекистон Компартиясининг XVI Пленумида худди мана шундай соф виждонли коммунистлар меҳнати, меҳри ва садақатига юксак баҳо берилди, айрим ўзини билмай, тинч даврнинг кадрига етмай қолган манманларнинг кўзи очиб қўйилди.

Меҳр ва меҳнат, софлик омухта бўлган жойда одам қадр топади. Шукуржон Файзуллаева Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочилиги унвони, Зарифжон Худоёров ордени, медалларга сазовор бўлган.

Зарифжон ака ва Шукуржон опанинг хонадонларида яқинда яна бир набаира туғилди. Унга Садоқат деб исм қўйишди. Чунки бу ерда ҳамisha меҳр ва садақат ҳукмрон. Зеро, инсон меҳри, садақати бор жойда тинчлик тантана қилади.

Саяъат МАҲМУДОВА



Самарқанд район Тайлоқ посёлқасидаги касалхона врачси Раъно Мансурова иш пайтида.

А. Жумаев фотоси

**Ж**УЛМАМАТ Холматов республика кишлок хўжалик илгорларининг кенгашидан тўлқинланиб чиқди. Кенгашида айтилган ошқора ва ҳаққоний гаплар янги раисга янги рух, журъат бахш этди. У алламаҳалда Тошкент — Китоб поездининг ўзига тегишли кубесига кириб чўзилдиамки, уйқуси келмасди. Катта анжумандан олган ҳаяжонли таассурот уни чуқур ўйга толдирди.

Холматов купенинг шифтига тикилганча мулоҳазага кетди, ўзининг меҳнат фаолиятини бирма-бир эслай бошлади. Мана, у Тошкент Қишлоқ хўжалик институтининг бухгалтерия-агрономия факультетини тамомлагандан бери ўз колхозининг ташвишига шерик. Қулмамат дастлаб тармоқ бухгалтери, экономист, кейин эса сурункасига ўн икки йил бош бухгалтер бўлиб ишлади. Бундан уч йил илгари эса, хўжалик аъзолари уни колхоз правлениесининг раиси қилиб сайладлар. Қулмаматга ўзи туғилиб ўсган жойнинг ҳамма шароити — одамлари ҳам, хўжалик имкониятлари ҳам маълум эди. Шунинг учун у пухта режа билан колхознинг эртанги истиқболини ўйлаб иш бошлади. Ҳар бир масалада хўжалик фаоллари ва мутахассислар билан маслаҳатлашди. Афеуски, хўжаликда ишлар аста-секин яхшиланиб бораётган бир пайтда район партия комитетининг собиқ биринчи секретари билан бир масалада, аниқроғи, колхознинг тоғдаги адир ерлари хусусида келишолмай қолди.

Еш секретарь бу масалада ўта маъмуриятчилик йўлини тутди. У бир куни Холматовни кабинетига чақириб:

## ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

эътироз билдирганлар ҳам бўлди.

Маслаҳат охирида активлар раисга бу масалада мутлақо мойиллик бермаслиқни таъкидлашди.

Орадан уч-тўрт кун ўтар-ўтмас секретарь раисни яна чақиртирди.

— Хўш, кечаги масалани ўйлаб кўрдингизми? — дея жиддий оҳангда гап ташлади секретарь. — Бизнинг фикримиз қатъий. Фақат сизнинг ерингизни эмас, Алишер Навоий номли колхознинг тоғ участкасини ҳам шу совхозга олиб бермоқчимиз. У раисни ҳам бугун хузурига таклиф қилганман.

— Активларимиз билан ерни бериш бермаслик хусусида маслаҳатлашдик, — де-

ўринлагач, ариза бериб вазифадаридан бўшашга мажбур бўлдилар.

Қулмамат Холматов ўз мутахассислиги бўйича Ўзбекистон Қишлоқ хўжалигини химиялаштириш район бирлашмасига бухгалтер бўлиб ишга кирди.

Орадан уч йил ўтди. Кейинги йилларда районда ва хатто область миқёсида ўз берган салбий ҳолатлар эндиликда қаттиқ қораланди. Раҳбарларнинг аксарияти яхши, соғлом кадрлар ҳисобига алмаштирилди. Китоб район партия комитетининг янги состави коммунист Қулмамат Холматов номзодини яна Свердлов номли колхоз правлениесининг раислигига тавсия этди. Колхоз аъзолари уни бу лавозимга яқдиллик билан сайладлар.

Мана, у бир неча ойдирки, яна ўша колхозда раис. Унинг зиммасига халқ, партия ишончини оқлашдек катта масъулият юклатилди.

Қулмамат Холматов поезда шулар ҳақида ўйлаб, мулоҳаза юритиб борарди. Унинг бутун фикри-зикрини бундан бир неча соат бурун қишлоқ хўжалик илгорларининг кенгашида бўлган гаплар, айниқса, Марказком секретарининг таъбирли нутқи чулбақ олганди: планларни ҳалол ва тўғри бажариш лозим... Мактаб ўқувчиларининг меҳнатини ҳадеб суистезъмол қилавермаслик керак... Уларнинг эртанги тақдирини, маънавий камолотини ўйлаш лозим. Муҳими, ички резервлардан — мавжуд ишчи кучларидан тўлиқ фойдаланиш мақсадга мувофиқдир... Бу фикрлар янги раиснинг миясида чарх урарди.

Демак, хўжаликда меҳнат интизомини

# РАИСНИНГ ЎЙЛАРИ

Шомурод СИДДИҚОВ

— Тоғдаги ерингизни «Варганза» совхозига олиб берасиз, розимисиз? — деди.

Қўққисдан айтилган бу гап Холматовга бошидан совуқ сув куйгандек туюлди.

— Ахир, у жойлар чорвамиз учун яйловку... Бунинг устига ер колхозники... Еринг берилиш-берилмаслигини ёлғиз мен эмас, ўшалар, коллектив ҳал қилади, — деб жавоб қайтарди раис ўзини ўнглаб.

— Район партия комитетининг фикри шундай. Бориб ўйлаб кўринг, — дея таъжирлаб раиснинг қатъийлигини таъкидлади секретарь.

Холматов унинг хузуридан хомшў тортиб чиқди.

Колхознинг тоғдаги яйловини бошқа хўжаликка олиб берса, чорванинг аҳволи не кечади. Раис колхозига етгунча шу хусусда мулоҳаза юритди. У кабинетига киргач, қабулхона секретарига хузурига зудлик билан партия ташкилотининг секретарини, зоотехник, ветеринария врачлари ва бошқа активларни таклиф қилишни буюрди. Орадан кўп вақт ўтмай активлар раиснинг хонасига бирин-кетин кириб келишди.

Холматов йирилганларга секретарининг ноўрин талабини — колхознинг тоғдаги ерини бошқа хўжаликка олиб бермоқчи бўлаётганини гапириб берди. Активлар ҳам бунга бир оғиздан норозилик билдиришди.

— Яйловимизни оладиган бўлишса, хўжалигимиз ҳисобидаги чорва маҳсулотлари етиштириш планини ҳам чиқариб ташлашсин. Молни боқадиган яйлов бўлмагач, ундан маҳсулот олиб бўладими? — деб қатъий

ди Холматов ваэин туриб. — Улар ҳам мутлақо рози бўлишмади. Еримизни зўрлаб олишса, чорва планини ҳам хўжалик ҳисобидан чиқариб ташлашсин, — дейишди.

— Рози бўласизларми, бўлмасизларми, барибир, менинг айтган гапим бўлади, — деди секретарь туюқиб.

— Зўрма-зўракиликка борсангиз, нима ҳам деярдик, — дея Холматов бўшашиб секретарининг кабинетидан чиқди. У қабулхонада Алишер Навоий номли колхознинг раисига дуч келди. У ҳам худди шу ташвишда эди.

— Хўжайиннинг авзои бузуқ шекилли, — Холматовга юзланди ҳалиги раис. Ўша заҳоти эшик очилиб, чиқарига Навоий номли колхознинг раиси таклиф қилинди-да, уларнинг гапи бўлиниб қолди.

Ўшанда Қулмамат Холматов гарангсиз, қабулхонадаги ўриндиқлардан бирига оҳиста ўтирди. Ўзини сал босиб олгач, секретарь қиздан бир варақ оқ қоғоз сўради ва жаҳл устида ўзини вазифадан бўшатиш ҳақида биринчи секретарининг номига ариза ёзиб қолди. У колхозга кўнгли хуфтон бўлиб қайтди. Уртада бўлган мижоз тафеълотини активларга билдирди, бундай шароитда раислик вазифасида ишломаслигини айтди.

Район партия комитетининг секретари эса ўшанда Свердлов номли ва Навоий номли колхозларнинг тоғдаги ерларини гайриқонуний йўл, яъни оғзаки буйруқ — зўравонлик билан «Варганза» совхозига олиб берди. Иккала хўжаликнинг раислари эса, гаплари

тубдан мустаҳкамлашга эришиш зарур!

У шундай хулосага келди: «Қандай қилиб?» деган жумбоқ яна унинг фикрини чувалтириб юборди. Энди раис фикран шу жумбоқ устида бош қотирарди. Бу масалада шошқалоқлик, ўта маъмуриятчилик кетмайди. Ваъзиларни оғринтириб қўйиш мумкин. Мазкур муаммони колхоз фаоллари билан обдон маслаҳатлашиб, ҳар бир қишлоқнинг гапга етар оқсоқоллари билан кенгашиб ҳал қилиш лозим, деган қарорга келди...

Раис колхозга келган кунийк кечкурун ҳамма активларни, мутахассисларни, қишлоқларнинг пенсионер оқсоқолларини залга тўплади. Кун тартибига муҳим бир масала — колхозда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва шу асосда ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишга барча мавжуд кучларни сафарбар этиш масаласи қўйилди.

Раис хўжалик фаоллари йиғилишини очиб, кеча Тошкентда бўлиб ўтган республика қишлоқ хўжалик илгорларининг кенгашидан олган таассуротларни ҳаяжонланиб гапириб берди.

— Телевизорда ҳам ўларнингиз кўргансизлар, албатта, жуда фойдали, ҳаққоний гаплар бўлди. Биз ҳам хўжалигимиздаги ташкилий ишларни республика партия ва ҳукуматининг ана шу кўрсатмалари асосида ташкил қилишимиз лозим... Кимда қандай мулоҳаза ва маслаҳатлар бўлса, марҳамат, — дея Холматов гапни аяқунлаб жойига ўтираркан, залда ўтирганларга бирма-бир юзланди.

— Колхоз уставида ҳамма талаб ва



қоидалар қайд қилинган, — деди сўз олиб хўжалик тафтиш комиссиясининг раиси Усмон Зоидов. — Ана шу талаб ва қоидаларга изчил суянган ҳолда иш тутишимиз лозим. Мана, баъзи бировлар сувли, қулай ердан томорқани олиб, яхши уй қуриб олган. Лекин ўзи колхозда эмас, бошқа жойда ишлайди. Биринчи навбатда, уставга суянган ҳолда ўшаларни тартибга олиш керак.

— Тўғри, тўғри, — деб маъқуллашди Зоидовнинг гапини бошқалар.

Шундан сўнг коммунист, боғдорчилик бригадасининг бошлиғи Назим Хидировга сўз берилди.

— Шаҳарларимизда яхши бир одат бор, — деди у вазмин гап бошлаб. — Маҳалла комитетлари ташкил этилган. Унга тажрибали пенсионер отахонлар етакчилик қиладилар. Маҳалланинг ташвиш ва юмушлари, жамоа ишлари шу маҳалла комитети аъзоларининг маслаҳати, кенгаши билан ҳал этилади. Мана, бизнинг қишлоқларимизда ҳам аҳоли зич жойлашган, ҳар бир участканинг гапга етар кишилари, фаоллари бор. Биз ҳам ҳар бир қишлоқда маҳалла комитетлари тузаск, умумий ишимизга фойдаси кўпроқ тегади.

— Бу таклиф ҳам тўғри, — деб тасдиқлашди йирилганлар.

— Назим ақанинг қишлоқларимизда маҳалла комитетлари тузиш ҳақидаги таклифини мен ҳам қувватлайман, — дея гапни давом эттирди колхоз партия комитетининг секретари Шойим Мавлонов. — Лекин маҳалла комитетларига бевосита ишлаб чиқаришда аралашиб юрган, ўзи ўша қишлоқлик бўлган активларни бошқиб қилиб белгиласак маъқул бўларди. Нега десангиз, кундалик асосий ишимиз далада бўладиган деҳқончилик билан боғлиқ, тармоқлар бўйича бажариладиган ишлар мавсумий хусусиятга эга.

Қишлоқларнинг оқсоқоллари иштирак этган правленийнинг кенгайтирилган йиғилишида айтилган ҳамма фикр-мулоҳазалар ҳисобга олиниб, аниқ тадбирлар белгиланди.

Шу-шу Свердлов номли колхознинг барча қишлоқларида маҳаллий шароитга мослашган Маҳалла комитетлари тузилди. Маҳаллаларга колхоз тузумининг моҳир ташкилотчилари ва ишлаб чиқариш илғорлари бўлган, эндиликда марҳум табаррук зотларнинг номлари берилди. Чунотчи, бугун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Элмурод Шоймуродов номидаги маҳалла комитетига колхознинг бош гидротехниги Ҳамро Муҳаммадиев, Бобомурод Жўраев номли маҳалла комитетига илғор бригадир Тўра Шоназаров, Абдурахим Ражабалиев номли маҳалла комитетига тафтиш комиссия раиси Усмон Зоидов етакчилик қилмоқдалар.

Колхоз правленийеси ва партия ташкилоти Маҳалла комитетлари ва хўжалик активларининг фаол ҳамкорлиги билан кейинги икки ойда хўжалик ишлаб чиқаришига қўшимча равишда 400 киши жалб этилди.

Фойдаланилмаётган ишчи кучларини ва бошқа меҳнат резервларини ишга солишда хўжаликда изчилик билан кураш олиб борилаётир. Колхоз правленийеси бу масалада колхоз устави — интизом негизи, деган принцип билан иш юритмоқда.

Колхоз бу йил давлатга 4100 тонна пахта, 113 тонна гўшт, 2000 тонна сабзавот, 45 тонна мева, 130 тонна узум, 300 тонна картошка ва бошқа хил маҳсулотлар сотишни планлаштирган. Колхоз правленийеси, партия ташкилоти ва барча активлар зиммадаги бу йилги хўжалик топшириқларини бажариш учун бутун куч ва имкониятлардан фойдаланиш тадбирларини қўймоқдалар. Бугунги ҳаракат ва умумий сафарбарлик 1985 йил Свердлов номли колхознинг ривожланишида муҳим босқич бўлади, деган ишонч тугдиради.

Янги раис бундан уч йил илгари «Варганза» совхозига ногўғри олиб берилган тоғдаги ерини ҳам қайтариб олиш ҳаракатида.

Ҳа, қаерда жонқуярлик, фидоилик бўлса, ўша ерда ютуқлар, албатта, қўлга киритилареди.



НАЗАРМАТ

## ҚЎЛИ ТАМҒАЛИ БОЛА

Хаёдан ўчмайди уруш дардлари, Жаҳаннам макони, қирқ бешинчи йил. Зах ўра, белорус ёш фарзандларин Туткин қилиб элтган юртига қотил. Урадан чиқшиди бир тўда бола, Талпиниб турарди бизга ҳаммаси, Билагин кўрсатди мурғак бир бола, «15000...» рақами — фашист тамғаси. Қўз нурузи, қоқ суяк, танда йўқ мажол, У тонгдан тонггача тиним билмаган, Тепилган, калтақдан йиқилган беҳол, Қийноқдан ўзига гоҳи келмаган. Турса ер ҳайдаган, гоҳ йиққан гарам, Гоҳ ўтин тўплаган, инсон қилмаган У оғир ишларга дуч келиб ҳар дам Қалқиб кетса ҳамки, у йиқилмаган. Тунлари қамалган совуқ оғилга, Тонг-ла яна турган югур-югурга, Охири йиқилган, шунда замбилга Юклашиб, элтишган кейин жар-ғўрга. У ерда икки кун ётган ҳолсиз оч,

Учинчи куни бой кўринган жарда, Елкада арқони — сиртмоқ бир қулоқ, Жун босган, қон теккан қўли ханжарда...

Ҳовлида янгради шу чоқ автомат... Ханжарин санчолмай қолди ёвуз бой. Чикиди норасида жардан ниҳоят, Туролмас, мадорсиз, усти боши лой. Билагин кўрсатди — «15000» рақам... Нақадар даҳшатли қўллик тамғаси. Қон ва ёш оқди ёв босса қадам, Йўлида сўнади ҳаёт нафаси. Болани зах чоҳдан кўтариб олдиқ, Ўрнига иргитдик зolimни шу чоқ, Шундай қилмасак у истаб ёвузлик, Янги қурбонларга тайёрлар сиртмоқ. Қўли тамғаланган бола ёдимда, Унутмоқ мумкинмас уни ҳеч қачон, Турар норасида кўзим ўнгида, Тамғачи йўқ бўлиб, тинч бўлсин жаҳон!



Тошкентдаги 102-ўрта мактаб қошида «Ленинград мудофааси учун» музейи ташкил қилинган. Бу — Иттифоқимиздаги ана шундай музейларнинг ўн иккинчисидир. Музей экспозициялари қаҳрамон шаҳарини мудофаа қилишда жасорат кўрсатган шонли 11-ўқчи дивизиянинг жанговар фаолияти ҳақида ҳикоя қилади. Суратда: Ленинград мудофааси иштирокчиси, музей директори Қудрат Раҳматуллаев мактаб ўқувчилари даврасида.

В. Мосин фотоси



# Оқ йўл, шунқорлар!

Йўлдош СУЛАЙМОН

## ХУЖАТЛИ ҚИССАДАН

...Газетанинг янги сонини тайёрлашда ўзбек редакцияси ходимларини фронт штабига шилинч қақиринди. Фронт штабига келганларнинг кўпчилиги ўзбеклар эди. Улар орасида гвардиячи генерал-майор Собир Рахимов ҳам бор эди. Фронт қўмондонни, Совет Иттифоқи маршали К. К. Рокоссовский буланган қозони баланд кўтариб:

— Усмон Юсуповдан телеграмма келди, — деди. — Дўстимиз бизни Ўзбекистоннинг 20 йиллик тўйига таклиф этибди. Ўзбекистоннинг фронтга кўрсатаётган ёрдамини совет кишилари яхши билдиллар. Шу баҳонада жангчиларимиз номидан табрик хати йўлласак! Бу хатни вакилларимиз Тошкентга олиб боришса!

Таклиф қувонч билан кутиб олинди. Редакция ходимлари Шариф Булатов, Адхам Ҳамдам,

Назармат ва Ваҳобжон Ашуровлар биргаликда ёзган хат бошқармада кўриб чиқилгандан кейин фронтга-фронт юриб, жангчиларга ўқиб берилди. Хатга 3715 солдат-офицернинг имзоси қўйилди. Мактубга биринчи бўлиб имзо чеккан гвардиячи генерал-майор Собир Рахимов:

— Юртимизга боради. Ота-оналаримиз, бола-чақаларимиз ўқийди, — деб қағиздаги хатни юз-кўзларига суртди, уст-устига ўпди. Жангчилар майор Ғафуров, штурмчи учувчи Совет Иттифоқи Қахрамони Абдусаттор Эшонқулов, «Шухрат» ордени кавалери Ҳакимжон Иброҳимов, разведкачи Асқаров, сержант Сапаев ва ҳарбий мухбир Адхам Ҳамдамни Ўзбекистонга кузатдилар. Москвада уларни Ҳабиб Абдуллаев бошлиқ вакиллар кутиб олиб, махсус самолётда Тош-

кентга бирга учдилар.

Уларни Тошкентда иззат-ҳурмат билан кутиб олдилар. Делегация икки кундан кейин Усмон Юсупов қабулида бўлиб, Константин Константинович Рокоссовский ва Собир Рахимовнинг саломларини, жангчиларнинг хатини топширишди. Усмон Юсупов саркардаларнинг соғлиқларини, жангчиларнинг кайфиятларини сўради. Хатни синчиклаб ўқиб чиқиб:

— Марду майдонлик, садоқат, жасорат учун, бизга изҳор қилган меҳрун муҳаббат учун минг раҳмат! — деди қабулидаги ҳар бир жангчига бир-бир қараб, уларни кўзлари билан ардоқлаб. — Юбилей мажлисида бир киши табрик сўзи айтади. Ким сўзлашни ўзларинг белгиланлар. Мактубни эса, ҳаммаларинг бирга мажлис президиумига топширасилар. Уни матбуотда эълон қиламиз!

Жангчилар кенгашиб-кенгашиб, сўзга Адхам Ҳамдамни ёздирдилар. Я. М. Свердлов номили театрда ўтаётган тантанали мажлисга раислик қилаётган Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Абдували Мўминов Усмон Юсупов докладидан кейин:

— Мажлисимизда жанг майдонидан келган вакиллар қатнашяптилар, — деди. — Ҳозирги сўз ана шу фарзандларимизга!

Уларнинг минбар ёнига боришларини мажлис аҳли ўринларидан туриб, зални ларазага келтиргудай қарсақлар билан табриклаганди. Адхам Ҳамдам минбарга кўтарилиб:

— Онажон Ўзбекистон, жонажон Ўзбекистон, — деб сўз бошлади. — Машҳур саркардамиз, маршал К. К. Рокоссовскийдан, унинг қўмондонлигидаги 2-Белоруссия фронтда оқ сутингни оқлаб, мардона жанг қилаётган нури-дийда фарзандларингдан, сеvimли фарзандинг, биринчи ўзбек генерали Собир Рахимовдан шонли 20 йиллик тўйингга оташин салом!

Залда қарсақлар янгради.

— Ота-диёр, она-диёр! Сенинг ор-номусинг, бахтинг, келажанг учун, оналар алласининг ҳаммаша янграб туршини, муҳаббатни, кулгуни йўқотмаслик учун, тўйларингнинг хотиржам

ўтиши учун қон кечиб-жон кечиб номингни шарафлаётган болаларингнинг қайноқ саломлари ва тилаклари ёзилган мактубларини қабул этиб ол!

Қарсақлардан, «ура» садоларидан театр титраб кетгандай бўлди. Делегация аъзолари ўша куннинг эртасидан бошлаб корхоналарда, мактабларда, колхоз ва совхозларда учрашувлар ўтказиб, жангчиларнинг ота-оналари, ака-укалари, бола-чақалари руҳини кўтардилар. Уларнинг фронтга қайтишга шонийлаётганларини кўриб, Усмон Юсупов:

— Пахтакорларимиз қурултойида ҳам қатнашасизлар — деб илтимос қилди. — Қўмондон билан гаплашдим. Рози бўлди. Сизларга салом айтди. Генералимиз Собир Рахимов қўмондонлигидаги дивизия немисларнинг қамалда қолган Грауденц шаҳрини олибди. Қуршовларни ёриб кирди олибди, азаматлар!

Усмон Юсуповнинг ҳаяжони уларга ҳам ўтди. Қурултойда ҳам уларга сўз берилди. Жангчилар ғалаба кунларини яқинлаштириш учун ўлим билан юзма-юз курашаётган қурулдошлари номидан:

— Ишонинглар, азиз пахтакорлар, — дейиши сўзларининг охирида, — фашистларни илдирилдиригача қуритамиз, яқин ойлар ичида батамом қуритамиз!

— Ғолиб қадамлар билан, «ура» садолари билан қайтганларингизда Сизларни биз ҳам ёруғ юз билан кутиб оламиз. Ушанда армуғонимизни кўрасизлар, — дедилар сўзга чиққан пахтакорлар жангчиларга мурожаат қилиб. — Ахир биз — сизлардай қахрамон солдатларнинг ота-оналари, опа-сингиллари ва фарзандларимиз! 1945 йил пахтачиликда ҳам ғалаба йили бўлади. Опа-Ватанга бир миллион тонна пахта етказиб берамиз! Сизларни соғинч билан, умид билан, муҳаббат билан кутамиз!

— Сизларнинг шарафингизга Тошкентнинг ўзида фронтга ҳади этиш учун ўнта танк қимматига тенг пул йиғилди, — деди Усмон Юсупов урушга қайтаётган жангчилар билан хайрлашиб. — Оқ йўл, шунқорлар! Кўришгунча!

Самолёт Москва сари учди...



Совет Иттифоқи Қахрамони, генерал Собир Рахимов ҳарбий мухбирлар даврасида.

Фаргона



Эътибор ОХУНОВА

## КАСКА ВА ГУЛЛАР...

(УН ЕТТИ ЕШЛИЛАРГА)

Улуғ Ватан уруши суронлари ўтган ўрмон чеккасидаги сайхонликда солдат каскасини учратдим... Йиллар, селлар, дўллар «яралаган» каска ичидан бир тўп наврўзи олам чечаги униб чиқибди, гул очибди.

Чечаклар наврўзнинг кўз ёшларидай тиниқ эдилар. Каска ва гуллар Ватан урушида ҳалок бўлган ўн етти ёшли ўғлонларни ёдимга солди...

Келди мусаввир баҳор... Қўлдадир мўйқалами, Қирмизи дурра тақди қирдаги лолаларга. Ох, қўзғатиб қўйди у кўхна замин оламини, Термулиб турганида шаҳид бўлабларга.

Ғалабага қирқ одим қолганда йиқилганлар, Чечакларга айланиб қайтганингиз ростмиди! Эй, наврўзи оламда гул очмай тўкилганлар, Киприклардан кўз ёшдай узилганлар озмиди!

Чечакларми қошимда, юрагимда суронми, Гуллар ўғлонларимга қолмасмикан айланиб. Тинглаганман долғали йўллардаги бўронми. Тиз чўкарман таъзимга, бир тўп гулга жойланиб.

Наврўзи олам келди, қирқ минг шонга йўғрилиб, Қабрингизни гулларга кўмиб, ўзи турар лол. Дафтарга қалам эмас, ёзар бўлдим чўғ уриб, Соҳлари оппоқ энди, Сизни кутган гул жамол.

Уй тўрида осигўл Сиз тишлаган кемтик нон, Қабрингизни кўз ёш-ла ювиб қайтар онангиз. Бу нон эмас, аслида Сизни яширган жаҳон, Ҳамон келинчак кутар ястирлик хонангиз.

Қирларнинг ёр-ёрини айтар тонглар бойчечак, Бир тўп лола эгилмиш шаҳид ўғлон бошига. Дунё ташвишларидан огоҳми гул — келинчак, Аста энгашди... шабнам томди қабр тошига.

Лолалардай яноғи ловуллаган келинчак, Айт, азизим, бу ерга нелар келди етаклаб. Саркаш қаро кўзларинг мунг кўрмасин, куюнчак, Ол, наврўз гулларини тергил етак-етақлаб.

Ун етти ёшли энди уруш нима билмасин, Ун етти наврўзлар ҳам яшнаб келсин ярашиб. Келинчак, орзуларинг армонга эврилмасин, Хуснинг кўриб наврўзнинг кўзи кетсин қамашиб.

Гулдай вужудин ерга берганларга эгиб бош, Гуллар ҳузурда мен лола янглиг ёнаман. Ун етти ёш шаҳидни кўрса ёрилар-ку тош, Ахир мен ўн етти ёшни ўстирган бир онаман.

Ингирма миллион шаҳидни бағрига олган тупроқ, Сахарлар ўртанурсан пинҳона, ёна-ёна. Дардинг олай, Она-ер, наврўзи оламга боқ, Ун етти ёшлиларга алвонлар тўшар яна.

Қирқ йилларнинг андухин ортиб ўтди қарвонлар, Қирқ йилларнинг ноласи қолди биздан йироқда. Бир тўп лола қарвонидан орта қолган армондай Каска ичра унибди ёдномадай фироқдан.

Солдат йигит кўксига ёниб турган олов ул. Сўзланмаган муҳаббат унмиш гуллар рангида. Она заминни безаб ловуллаган ялов гул, Ун етти ёшлиларни ёдга солар янгидан.

«Мангу олов»лар бўлиб ёнаётган олов у, Йўқ, гуллардан ясалган гулхан турар гуркираб. Замин юрагидир у... уриб турган ялов у, Елпир насими баҳор... Олам кетар сиркираб.

Бирдан гумбирлаб кетар кўкда момақалдироқ, Тинчлик садолари бу — айланар чакинларга. Тўп лолалар наздимда ҳилпираб турган байроқ — Ун етти ёшлиларга машғал ёқиб қирларга.

Абадият машғали ёнмоқда пойингизда Одамлар юрагига кўмилган ўн етти ёшлар. Наврўзи олам келди, қутланг Сиз жойингизда, Сизларга гул элтмақда юртдошлар, қаламқошлар.

Гулларга тўлдирибдир баҳор водий, дарани, Сизни излаб борар ул жанг ўтган далаларга. Гуллар малхами олсин юракдаги ярани, Андух қўшилиб оксин баҳорий жалаларга.

1985 й.

## ВОЛИДА

Она келар,  
Кумуш тонгдек оқ рўмоли бошида,  
Меҳри билан ювмоқ учун муқаддас сажадоҳни.  
Япроқлардай титраб борар, тугёнлари чошида  
Унсиз йиғлар, лаънатлар у уруш деган гумроҳни.  
Йўқотганин арзу-самолардан сўрар бирма-бир:  
Кўрганмисиз шунқоримни, менинг сара лочиним?  
Э вох, қадди баркамолим кўп кўрди менга тақдир,  
Э вох, келин либосида қолаверди Барчини.  
Ғалабанинг байроғини тикиб, йиқилди ўзи,  
Визга баҳор ҳадя айлаб, кўксига гуллар, кўзим.  
Излаб борай ўғлонимнинг қони қайга тўкилган  
Ҳамдард бўлай, мендек яна кимнинг қадди букилган.  
Уғлимни мен, жанглар ўтган сайхонлардан изладим.  
Шодлик, байрамларда, гули-райҳонлардан изладим.  
Кучоғига баҳор қайтган боғлар кездим ахтариб,  
Тутқаздилар менга сенинг қаҳрамонлик дафтаринг.  
Уғлим, сенинг оташинда ёкиб ўтдим дардимни,  
Изладим тоғу тошлардан сени — жигарбандимни.  
Элар кездим, сени сўраб — юрагимнинг парчаси!  
Сўзладилар, баҳодиним, шонларингнинг барчасин.  
Энди менинг ёшлигимни ўғирлаган мусибат,  
Энди метин бардошимни енгмоқ бўлган қора хат.  
Таслим бўлди юрагимни сиркиратган аламлар.  
Ҳамма ерда қони-қардош сени билган одамлар.  
Оламга ўт кетар бўлса ўчирарлар сув билан,  
Менинг дилимдаги ёнғин ўчмагай-ку у билан?!  
Уғлим, дилимдаги ёнғин — мангу машғал ичрадир,  
Менинг дилимдаги чакин — самоватда учраган.  
Пахлавошим, пойингдаги мангу ўт бу — мен она.  
Бу — онангинг юрагидир. Бу — чош бўлган паймонам.  
Кўрдим, сенинг ошенинг — она-Ватан кўксига,  
Уртоқларинг дедилар-ку, мағрур юргин, ўксима!  
Дедиларки, нур қўйида, гул қўйида ётарсан.  
Тонглар билан сен уйғониб, тонглар билан ботарсан.  
Дедиларки, сажда айлаб бунда келар кекса, ёш,  
Ҳасоратинг нуруга жойлаб оламга ёяр куёш.  
Дедиларки, мармар ичра тинч ётибсан, шунқорим,  
Билмасларки, бунда ухлар тўймаганим — баҳорим.  
Улар деди, қаҳрамонлар уммонларни букканлар,  
Улар деди, ўшалардир довуларни тўкканлар.  
Улар жангга кирганида пўртана ҳам бемажол.  
Сафо ғамдан айрилади, изтироб қолар ночор.  
Қаҳрамоним, байрам букун, яна ёдинг олурман,

# БИРИНЧИ ЎЗБЕК ҚАХРАМОНИ

47-тоғ-ўқчи дивизиясининг 353-тоғ-ўқчи полки 1941 йилнинг 15 октябрь куни Трудолобовка кишлоғи учун кескин жанглар олиб борарди. Полкнинг олға силжиши учун душманнинг дзоти ниҳоят даражада халал берар, уни яқсон этиш учун эса полк артиллериясининг йўли қирқиб қўйилган эди.

Ана шундай оғир бир вазиятда командир ёнига оддий аскар Қўчқор Турдиев келди-да: «Ўртоқ командир, мен комсомол аъзосиман, — деди честь бериб. — Менинг ота-боболарим овчи бўлишган, ўзим ҳам овчиман. Қоя тошлар устида юрадиган архарларни ҳам неча бор тўғри нишонга олганман. Душман дзотини яқсон этишни менга топширинг».

Қўчқор Турдиев қўшимча гранаталар олиб ва автоматини яна бир бор кўздан кечириб, жанговар топширикни бажаришга отланди. Командир дзотга қарата чалғитувчи ўт очишни буюриб, ўзи кузатув пункти сари юрди... Лекин қанчалар кузатмасин, жасур овчи йигит худди ер қаърига сингиб кетгандай, кўзга чалинмасди. Командир ҳайрон бўлиб турганида, Қўчқор бирдангина дзот олдида пайдо бўлди. Ҳал қилувчи дақиқалар бошланди. Аскарлар гранаталар ва автоматларни шай қилиб турардилар. Шу дам портлаган овоз эшитилди. Отишмалар асносида портлаш овози элас-элас эшитилса-да, дзот яқсон этилгани кўзга аниқ ташланди. Гулдурос «Ура!» садолари остида жангчилар олға ташланиди. Қўчқор Турдиевнинг ана шу жасорати сабаб бўлиб, шу пайтгача ниҳоятда ҳолдан тойган 353-ўқчи полк жангчилари қайтадан куч-қудрат олгандек руҳланиб кетдилар. Натижада душман батамом мажақлаб ташланди.

СССР Олий Совети Президиумининг 1942 йил 27 март фармонида биноан қизилар-миячи Турдиев Қўчқорга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Худди шу йили Қўчқор Турдиев офицерлик унвонига ҳам сазовор бўлди. У урушдан катта лейтенант унвони билан қайтиб келди.

Қўчқор Турдиев ўз она кишлоғида жонажон иши — деҳқончилик билан шуғулланди. Андижон область Қўрғонтепа районидаги «Ойим» совхозида бригадирлик қилди. Халқ ўз қаҳрамонини эъзозлаб, Тошкентнинг Октябрь районидаги 59-мактабни, Учқўрғон каналини унинг номи билан атади. Зеро, қаҳрамонлар ёди миннатдор эл хотирасидан асло ўчмайди.



Совет Иттифоқи Қаҳрамони  
Қўчқор Турдиев.

Бир тўп лола олиб сенинг ҳузурингга борурман.  
Асрлар ҳам емиролмас, мангуликлар ичрасан,  
Оловлар ҳам кемиролмас, буюкликлар ичрасан.  
Дедиларки, борсам унда қатра кўзим томчиси —  
Эритолгай метинларни, эритолгай тошларни  
Фироқларинг ютиб келган онанинг бардошлари.

\* \* \*

Ҳар субҳичоғ келар она — келар тошган паймона,  
Бош кўяр у, тиз чўкар у, беҳол, муштипаргина.  
Қатра ёши емирар-ку, мрамар метин тошларни  
Дарз солмай деб мрамарларга, ютар кўзин ёшларин.

## ОНА-ЗАМИН САДОСИ

Тупроққа бош кўяр, тиз чўкар одам,  
Кўҳна бағирдаги дур, гавҳаргами?  
Ҳикматларга тўлиғ унда ҳар қадам,  
Ҳар қатлами жангнома лавҳалари.

Унда мўл жавоҳир, дур ва қутлуг қон  
Буюк шаҳидларга олов ёнмоқда.  
Мангу машъалалар кўксидаги шон —  
Қирмиз байроқларда ҳилпирамоқда.

Заминда излари бор боболарнинг,  
Инжулардан қиммат бу қутлуг излар —  
Бўлмасайди жанглар гулдуриси, жафолари —  
Тупроғимиз сурма этмасдик бизлар.

Бобом омов ҳайдаб ҳосил ундирган,  
Ерга минг бор сажда айлаб, ахтимол.  
Нигоҳларин нисор айлаб ўлтирган,  
Кўз ёшлардан гуллар очгунча жамол.

Тупроққа бош кўяр мудом одамлар,  
Бу шитоб асримда гарчи омов йўк.

Шу заминдан қувват олар атомлар,  
Заминсиз самода мутлоқ ривож йўк.

Она-ер нафаси тегар димокка  
Тингланг-а, бир сирли садо келади.  
Сиз аста бош қўйинг яшил ўтлоққа,  
Дилга мисли дарё оқиб қиради.

Наздимда Она-ер айлайди нидо:  
— Урушга йўл қўйманг, ёнади дилим.  
Боғларим гуллардан бўлмасин жудо,  
Бу ҳадсиз озорди, бу менга зулм.

Сиз таёқ санчдингиз, мен қилдим чинор  
Ҳатто тиконга ҳам қададим гуллар.  
Чунки келажакка мен — замин даркор,  
Қутар мени Сиздек аҳли фозиллар.

Мен — уларга алтай ёруғ истиқбол,  
Бормай келажакка бағри хун, майиб,  
Айтинг, ким тутарди гул, шарбат ва бол,  
Тўфонлар ичра ер қуйса сарғайиб.

Булбуллар афтода маҳзун боғларда,  
Хазонрез баҳорда сурур не қилсин.  
Онасин йўқотса хушнуд чоғларда,  
Бахт топган фарзанда ғурур не қилсин.

Шаҳидлар бошида гоҳо эгинг бош,  
«Мангу олов»ларга айлангиз таъзим.  
Мен — замин — онаман, томмасин кўзёш,  
Унутмангиз асло фарзандлик қарзин.

Мен замин — волида... шудир тилагим,  
Қурол-яроғларни ёқинг, тиглатманг.  
Атомлар портласа — портлар юрагим,  
Асрангиз одамлар, мени йнглатманг!

Саховат, ишқ, меҳр, аҳсонлар ортиб,  
Миллиард йилларга етиб борагин.  
Карвонлар йўлдадир, тонглар ҳам отиб,  
Мен тинчлик маъноси бўлиб қолайин.

# ҚАСОСКОР

Охунжон ҲАКИМОВ

**У**СКАНБОЙ ака ўз ҳаётида яхши-ёмон кунларни кўп қўрган. Дахшати воқеаларни кўравермоқдан дийдаси қотиб кетган. Унча-мунча нарсага кўзига ёш келмайдиган ҳам бўлиб қолган. Лекин, ҳозир нима бўлаяпти ўзи? Ийғалайтими? Йўғ-е... Ўзича «йўғ-е», дейди-ю, лекин кўзидан ёш тирқираб чиқётганини сезиб турибди. Улкан залга жамланган юзлаб кишилар унинг шайғосига ҳамон қарсақ



уришяпти. У дағал қафтларнинг орти билан дарҳол кўз ёшларини арди. Ёши ўтинқираб қолган полковник, область ҳарбий комиссари Воқижон Илёсов эса, минбар олдида унга жилмайиб боқиб турибди. Унинг кўлида гугурт қутисидек мўъжазгина ялтироқ қутича. Бу нарса олис Югославиадан шу Усканбой акани излаб келган.

Усканбой ака минбар томон юрди. Икки кўзи полковникда. Комиссар эса, дадилроқ бўлинг, дегандек, билинар-билинимас имо қилаяпти.

— Мана, у саҳнада комиссар билан юзма-юз турибди. Полковник унинг қўлларини маҳкам қисди, кейин илқ гаплар айтиб, пешонасидан терларини артаётган алл қоматли, очиқ чехрели шу одамнинг кўксига Югославиадан келган орденини тақиб қўйди.

Усканбой ака эшитилар-эшитилмас: «Раҳмат, қуллук!» дер экан, зўр бериб қарсақ чалаётганлар орасида ўғиллари Зулфиқор, Фирдавс, Абдулазиларни кўриб қолди. Болалари жуда қобил чикди-да! Ҳаммаси ота изидан келапти-я... Мана, Зулфиқор ўзи билан бирга фермада

ишлаяпти. Уртанчиси Фирдавс эса, Фаргонанинг энг зўр чўпони. Яқинда бўлган катта бир йигилишда обком секретарининг ўзи уни роса мактади. «Чорвадорман деб юрган одам шу Фирдавс Ускановга ўхшасин, отасига раҳмат шу боланинг!» деди. Абдулазиз бўлса, Ҳамза Ҳакимзода номидаги совхознинг бош зоотехниги.

Ие, унинг ёнидаги қизи Бухалима-ку. Уни қаранглар, йиғлапти шекили? Бу мажлисга бутун чорвадор оила йиғилиб келганга ўхшайди. Шу қизиям фермада ишлайди. Ҳа, бу ерда фақат Абдуҳолик билан Абубакир исми ўғиллари йўқ, холос. Улар ҳозир ҳарбий хизматда...

Усканбой ака ўша кунни кўксига Югославианинг «Халқ олдидаги хизматлари учун» кумуш Юлдуз орденини тақиб, бутун маҳалла аҳли даврасида уйига қайтди. Келди-кетди тугаб, вақт алламаҳал бўлганида ўрнига чўзилди. Қани энди кўзига уйқу келса. Кўз олдида босиб ўтилган машаққатли йўллар, Югославия ўрмонлари, партизанларнинг ертўллари, гитлерчилар билан тўқнашувлар, юзма-юз олишув лавҳалари намоён бўлаверди.

...Нафсиларини айтганда, бу олис мамлакат Усканбойнинг ети ухлаб тушигаям кирмаган эди. Колхозда қўй боқиб, ширин ҳалёлар оғушида маст бўлиб юрган Усканбой ўн тўққиз ёшида Ватан ҳимоясига отланди. У отлик аскарлар қисмларидан бирида хизматни бошлади.

Усканбой Холматов гитлерчилар турқини биринчи марта Украина тупроғида, кавалерия полки яширинча душман орқасига ўтаётган пайтда кўрди. Ўшанда, душман билан қисқа, лекин шиддатли олишувда унинг қилчи биринчи марта фашист боши устида ялтираган эди...

Душмanning орқа томонидаги рейд муваффақиятли ўтди. Фашистларнинг бир қанча ўқ-дори омборларининг кули кўкка совурилди, қурол-аслаҳа, техника ортилган эшелонлар жарикларга қулади. Лекин, отряд ўзимизнинг асосий қисмларга қўшилолмади. Негаки, жанговар операциялар давомида кўп қурбонлар берилиб, отряд ниҳоятда сийрақлашиб қолган, одамлар ҳам ҳолдан тойган эди. Фронт ливнисини ёриб ўтиш учун бўлган уринишлар бекор кетди. Вутун бошлқ полкдан санокли кишилар қолганди.

— Олдимизда фақат битта йўл бор, — деганди шунда омон қол-

ган офицерлардан бири, — партизанларни излаб топамиз.

Шундай қилиб, Усканбой Холматов ҳамда унинг қуролдош дўстлари қасоскорлар сафига қўшилдилар. Партизанларнинг муқим жойи бўлмади. Уруш суронлари уларни аввал Болгарияга, кейин Руминия орқали Югославиюга ташлади...

Қирқ учинчи йилнинг бошларида Югославиюда ўнлаб партизан отрядлари дадил ҳаракат қилиб, босқинчиларни анча талвасага солиб қўйди. Усканбой энди икки-икки ярим йилнинг нарғидаги мўмин-қобил, тортич-қўйғитта сираям ўхшамасди. Бўйнида гитлерчилардан тортиб олинган ўлжа автомат, ёнбошида тўппонча, камарига гранатлар осилган... Бу пайтга келиб у танкка қарши отувчи қуролдан, пулемётдан нишонни аниқ уришини ҳавосини олган, бундан ташқари, у қисмда доврурак разведкачи сифатида ҳам танилган эди.

Усканбой Холматов 1944 йил куз ойларидаги бир воқеани ҳам ослайди. Ўшанда у хизмат қилаётган 18-партизанлар бригадасининг 2-батальони Македония атрофида ҳаракат қиларди. Батальонга муҳим аҳамиятга эга бўлган бир посёлкадаги гитлерчилар гарнизонини йўқ қилиш вазифаси топширилади. Қисм тонг гира-ширасида тоғ этагидаги ўрмон ичида жанговар тартибга келди. Душманини кўкқисдан босишга қарор қилинган. Лекин бунинг қалтис томони ҳам бор. Фашистлар шаҳардан мадад сўрашлари аниқ. Бордию, гарнизоннинг кучини синдириш чўзилиб кетса, режа тамомила барбод бўлиши мумкин. Қисм қўмондонлиги масаланинг ана шу нозик томонини ҳисобга олиб, пухта иш кўрди. Душманга ёрдам фақат битта йўлдан — тоғ этагидаги илон изи бўлиб чўзилиб кетган йўлдангина келади. Бошқа йўл йўқ. Шу сабабдан йўлнинг энг қулай жойи танланиб, саккиз нафар партизан пистирмага қўйилди. Усканбой қўл пулемётини никоблаб, қутилмаганда юз бериши муқаррар бўлган тўқнашувга шай бўлиб турарди.

Усканбой посёлка томондан кўз-қулоқ бўлиб турибди. Батальон ярим ёй шаклида тартибланган ҳолда, ўша томонга кетганига деярли ярим соат бўлса ҳам, бирорта ўқ овози эшитилгани йўқ. Е ҳамма иш ими-жиммида бўла-яптимикин? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Партизанларнинг тўсатдан, сира қутилмаган жой-

лардан берган зарбаларни доғда қолиб, юрак ҳовучлаб юрган фрицларнинг қулоғи ҳаммаша динг. Осонликча жон беришмайди.

Усканбой шу гапларни кўнглидан ўтказаркан, ногаҳон кетмакет портлаш овозларини эшитди. Кейин автоматлар тилга кирди. Шу заҳоти пулемётлар тириллай бошлади. Усканбой ўша ёққа хавотир аралаш кўз тикди.

Ногаҳон группа командири: «Диққат, олдинда душман!» деб қолди. Усканбой қўл пулемётига ёпишди. Тонг отиб, ҳамма ёқ аниқ кўриниб турарди. Ҳув, кунчикар томонда, тоғ этагидаги қиялама йўлда иккитами ёки учтами кажавали мотоцикл, унинг орқасида эса юк машинаси келапти. Лекин лавъатиларнинг мотор овозлари эшитилмаганини қаранг. Дарвоқе, қўйида, посёлкага бораётган жанг шовқини ҳар қандай мотор овозини ҳам босиб кетиши аниқ.

Усканбой душман келаётган томонга яна сичиклаб қаради. Мотоциклар ҳам, унинг ортидаги автомашина ҳам елиб келаётганди.

— Жангга ҳозирланинг! Гранаталар тайёрлансин! Фақат менинг командам билан! — хитоб қилди группа командири серб йигити.

Мана, юк машинаси олдидаги иккита кажавали мотоцикл пистирма турган жойга яқинлашиб қолди. Ҳайдовчининг ҳам, кажавадига пулемётга қўлини қўйганча атрофга жаланглаб келаётган фрицнинг ҳам башараси аниқ кўринди. Зўриқиб келаётган юк машинаси солдатлар билан тўла эди.

Ана, душман деярли уларнинг рўпарасидан ўта бошлади. Йўл шу ерга келганда нотекис ва ўнқир-чўнқир бўлганлиги учун фашистлар тезликни анчагина пастлаштиришга мажбур эдилар. Группа худди шу жойга билиб пистирма қўйган эди. Душман энди қоқ рўпараларига келиб қолди. Уртадаги масофа нари борса йигирма-йигирма беш метр чиқади, ундан ортиқ эмас.

Группа командири бирдан қаддини кўтарди. Қулоқни тешиб юборгудек хуштак эшитилди. Бу — «хужумга» деган гап эди. Шу дақиқанинг ўзида қўйига, автомашина ва мотоциклар устига гранаталар учди. Чанг-тўзон кўтарилди. Мотоциклар ҳам, автомашина ҳам торгина йўлнинг у томони-бу томониغا бурилиб, тўхтаб қолди. Усканбой чанг-тўзон ичида фрицлар ҳар томонга ўзларини уриб қочаётганликларини кўрди. Партизанлар автомат ва милицларини ишга солишди. Яширинишга улгуриб қолган фашистлар ўзлари эгаллаган позициялардан туриб, тўғри келган томонга қараб ўт оча бошлашди. Усканбой жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатаётган гитлерчилар устига ўқ ёғди-рарди.

Шу пайт у милицдан тинмай ўқ узаятган шеригининг муккадан қулаганини кўрди. Бирдан кимдир: «Чанда мотоцикчилар!» деб бақирди. Усканбойнинг нақ боши устидан бир сидра ўқ чийилғайб ўтди. Афтидан, ўз шерикларидан орқада қолиб кетган душман мотоцикчилари оли-

шувининг устидан чиқиб қолган эди. Фашист пулемётчиси тинмай ўқ узиб, бош кўтаргизмай қўйди. Ўсканбой эҳтиёткорлик билан бош кўтариб, немис пулемётчиси ни ахтарди лекин у кўринмасди. Қўлай позицияни эгаллаб олганга ўхшарди лаънати.

Группа командири партизанларга тез-тез кескин буйруқлар бераркан, ногаҳон:

— Холматов, фашистлар қочяпти, ўт оч! — деб бақирди. Жанг бошлангандан буён пусиб ётган, шериклари етиб келгач, партизанларнинг бир неча дақиқалик саросимага тушишларидан фойдаланган гитлерчилардан бир гуруҳи қўйи томонга қараб қочиб боришарди.

Ўсканбой пулемётини қочиб бораётган душман томонга бурди. Фрицларнинг кўпчилиги қулаб, ўрнидан қимирламай қолди. Аммо ётиб олганлари ўлиб-тирилиб олга эмалашарди. Ўсканбой уларни ҳам биттама-битта кўрғошин билан «сыйлади». Шу вақт чап томонда кетма-кет гранаталар портлади, душман пулемётининг уни учди. Гарнизонга ошиқаётган мадад кучи яқсон қилинган эди. Ўша жангда Ўсканбой Холматовнинг ўзи ўн олти фрицни қириб ташлади. Орадан бирор соат фурсат ўтгач, фашист гарнизони яқсон қилингани, фақат бир неча фрицгина қочиб қутилгани ҳақида хабар келди.

Ўша кунлари қасоскор У. Холматов ҳаётида энг қувончли воқеа рўй берди. Партизанлар бригадаси командири бутун қисм олдида фарғоналик йигит кўксига Югославиянинг «Мардлиги учун» орденини тақиб қўйди.

Партизанларнинг беҳаловат, хавф-хатарларга тўла ҳаёти Ўсканбойни кун сайин чиниктириб борарди. У Черногория яқинидаги яна бир жанговар операцияни сира унутмайди. Қўнларнинг бирда разведка партизанлар назоратида бўлган катта йўлдан душманнинг автоколоннаси ўтишини маълум қилди. Бу гал ҳам партизанлар учун қўлай усул — пистирма қўл келди. Қарийб бир суткалик кутишдан кейин олисдан душман колоннаси кўринди. Бу юртда ҳар қадамда партизанлар ўкига нишон бўлавериб жон олдириб қўйган гитлерчиларнинг анча пухта иш кўрганликлари сезилиб турарди. Колоннанинг бошида ўртача танк, унинг орқасидан броневик келар, ундан кейин эса, нималардир ортилган ўн-тача юк машиналари тизилганди.

Колонна пистирмага яқинлашгач, «Ўт оч!» деган команда янгради. Шу заҳоти Ўсканбойнинг зирхтешар милтиғи ҳам гумбурулади. Танк бир неча метр бежо юриб, таққа тўхтаб қолди ва тутун бурқсий бошлади. Танк локидан чиқмоқчи бўлган фрицлар партизанларнинг автоматлари ўкига дучор бўлдилар.

Ўсканбой ёнаётган танкни пана қилиб, пулемётдан ўқ ёғдираётган бронетранспортерни ҳам ёндириб юборди. Қисмдаги яна

икки зирхтешар милтик тинмай гумбурулар, колоннадаги гоҳ у, гоҳ бу автомашина гулханга ўхшаб аланга олар эди. Қизиқиб кетган Ўсканбой нишонга беҳато уриб, яна икки автомашинани мажақлади.

Жангдан сўнг батальон командири қасоскор Ўсканбойни маҳкам кучаркан, «Яша, совет солдати Холматов, чинакам қахрамон экансан!» деди.

Жасур партизан У. Холматов деярли икки йиллик партизанлик фаолияти давомида минглаб километр йўл босиб, Югославияни узунаси ва кўндалангига бир неча марта кезиб чиқди. Қўмондонлик буйруғи билан ҳаракат қилган бригада қўшни мамлакатларнинг территорияларига ҳам ўтиб, фашистларнинг жон жойига урар, қуро-аслаҳа, ёнилғи омборларини портлатар, фашист эшелонларини яқсон қилар эди. Фарғоналик мард ўғлон 18-интернационал бригада составида мардона жанг қилиб, Македония, Сербия, Босния, Хорватия ҳамда Черногорияда фашистларга ўнғарилмас зарбалар беришда мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатди. У Скопле шахрини фашистлардан тозалашда қатнашди.

Дарвоқе, биз ҳикоятимиз бошида Ўсканбой Холматовга Югославия Социалистик Федератив Республикасининг яна бир ордени топширилганлигини айтиб ўтган эдик. «Халқ олдидаги хизматлари учун» деб аталган бу кумуш Юлдуз ордени юқорида номлари санаб ўтилган вилоят ва шаҳарлар учун фидойилик қилган совет солдати жасоратининг тақдирномаси эди! Винобарин, партизанлар бригадаси командири ва комиссари томонидан жангчи-партизанга берилган характеристикада унинг «Оғир синов йилларида ўзининг мард солдат эканлигини кўрсатганлиги, жуда кўп жанг ва операцияларда фаол қатнашиб, уч марта ярадор бўлсада, жанг майдонини тарқ этмаганлиги, сиёсий етуклиги» алоҳида қайд этиб ўтилган.

Уруш тугаб, у ўз юрти — Ленинград районидаги Ленин номли колхозга қайтиб келди. Ўз касби чўпонликини жуда-жуда қўмсаб қолган экан. Бирор ҳафтадан кейин чўпонлик таёғини қўлга олиб, яна сурувлари ортига тушди.

Орадан йиллар ўтди. Тадбиркор, ишбилармон чўпонни колхоз қўйчилик фермасига мудар қилиб тайинлашди. Ўсканбой ака, мана, қарийб ўттиз йилдирки, отарма-отар, яйловма-ййлов кезади, ёшларга ўзининг бой тажрибаларини ўргатади, сурувни тўлдириш, қўйлар туёғини кўпайтириш йўлида сабот-матонат билан меҳнат қилади. Унинг тасарруфидаги отарларда ҳар юз бош совлиқдан 125 бош ва ундан ошириб қўзи олинмоқда. Меҳнат фронтдаги ҳалол ва самарали меҳнатлари учун унинг кўксини «Меҳнат Қизил байроқ» ордени безади.

Александр  
ТВАРДОВСКИЙ



## АЁВСИЗ ХОТИРА

Саратон тафтини пуркайди ҳаво,  
Нафасни қайтарар димиккан ўрмон.  
Анқир қовжираган ўтлоқнинг аро  
Турфа хил анғизлар исси қадрдон.

Пастликда мудраган сой оқар вазмин,  
Бутазорлар узра сукут кўксига;  
Эшитилиб қолар каккунинг хазини,  
Баҳорни дараклаб куйлаган саси.

Жавзо оташига йўғрилган дамлар —  
Менинг болаликдан севган фиксним бу.  
Чикқанга ўхшайман худди илк сахар  
Ййловга молларни ҳайдаб беуйку.

Бари хотирамда тўқис намоён:  
Баҳмал адирларда шудринг кечганим;  
Чўпон болаларга фарогатини он —  
Субҳидам, чошгоҳлар ёдимда манним.

Офтоб ҳам ёдимда — елкадан обдан  
Қиздириб, уйкуга алтарди бирам.  
Ёдимда, молларни сой томон қувган  
Хира сўналарнинг гўнғиллаши ҳам.

Олис болаликнинг суюк эрмаги —  
Харсанга чўккалаб бирон овлоқда  
Калтак йўнар эдик, ўша дамдаги  
Сурх новда ислари ҳануз димоғда.

Гарчи болалигим ушбу кун ййроқ,  
Кўринар у тонги шабама ичра жо.  
Бу шан хотиралар васлидан бироқ  
Баҳра ололмайдди юрагим асло.

Бўлак бир хотирот ўзига тобе  
Қилиб олган менинг ҳиссим дафъатан.  
Тағин хандақларнинг маҳсуси ниқоби —  
Ўт-ўлан сингари ис тарар ййван.

Олис болаликда туйганимдек, ха,  
Дилим ўрқиттирар унинг дориши.  
Лекин ўпқонларнинг оташ дудига  
Бу ис кейинчалик кетди қоришиб.

Қоришиб сафарлар тўзони, қули,  
Аскар елкасининг қат-қат шўри боз.  
Айни қиққ бириччи ййлнинг июли —  
Уруш даҳшатидан ҳансираган ё!


Жанглар гирдибоди зўрайиб кунда  
Ложувард осмонни этганди қора.  
Болалик, ёшликдан айрилдим шунда  
Мен ўз ҳаётимда иккинчи бора.

Кечмоқда меҳнат-ла андармон умрим,  
Ҳаёт лазиз менга, яшаб толмайман.  
Илгариги теран заъқ билан лекин  
Дала-адирларга бока олмайман.

Кўнглим, алланечук гинаси бордай,  
Опино сўқмоқларга талнинмас сира.  
Қаёққа қарамай, қаёққа бормай,  
Исканжага олар зolim хотира.

Унинг азоблари, заққуми тўла  
Ғалаён бағримда билмас асло тиз,  
Токи қайтмас кулфат бўлиб, бир йўла  
Йўқолмагунча дунёдан қиргин!

Мирпўлат МИРЗАЕВ таржимаси



УЙГУН,

Ўзбекистон ССР халқ шоири

## ОНА ЕР

Эски ақидани қувватлаб, Ерни  
Оламнинг маркази дегим келади.  
Бутун эътиқодим, идроким билан  
Курранинг ғамини егим келади...

Тўғри, инсоният кўпдан билади:  
Галактикамизнинг маркази Қуёш.  
Абадий чарх уриб, кезиб юрувчи  
Сайёралар учун Қуёш эрур бош.

Ҳа, тўғри, борлиқнинг чегараси йўқ,  
Ер чексиз оламда кичик бир зарра.  
Аммо, бу ажойиб, тирик мўъжиза —  
Биз учун севимли, азиз минг карра!

Бу — ҳаёт манбаи, мавжудот қасри,  
Коинот бошига қўндирилган тож.  
Ҳа, азиз Еримиз — оламда якто,  
Севги, ҳимояга азалдан муҳтож.

Барча жондорларнинг олтин бешиги,  
Сайёралар аро тирик сайёра.  
Тилагимиз азиз, Она-Еримиз  
Бахтимизга абад яшаса зора...

Шу эзгу тупроққа, Ерга тўкилган  
Туғилганимизда киндик қонимиз.

Шу ерга сочилган ризқу рўзимиз,  
Шу ерда мавжуддир ошу нонимиз.

Гулдаги мусаффо шабнамдан тортиб,  
Тоғу тош, дарёлар, ўрмонларгача,  
Далалар, майсалар, кумуш ирмоқлар,  
Боглар, поёни йўқ уммонларгача,  
Довулар, сахролар, кўллар ва чўллар,  
Ўқирган булутлар, чақнаган чақин,  
Ҳаммаси биз учун қадрдон, азиз,  
Ҳаммаси муқаддас, биз учун яқин...

Шу Ерда туғилган ҳаёт, тириклик,  
Шу ерда Башарнинг эзгу диёри.  
Она-Ерни сақлаш бало-қазодан  
Азиз инсонларнинг қатъий қарори!

Қандайдир оқпадар, ярамас зотлар  
Қасд қилиш пайида Ерининг жонига!  
Ердаги ҳаётни тамом сўндириб,  
Уни беламоқчи инсон қонига!

Хушёр бўлинг, дўстлар, ғафлатда  
колманг!

Евуз ниятларга йўл қўйиб бўлмас!  
Аминимиз: бор экан яхши инсонлар  
Еримиз абадий яшайди, ўлмас!

## ЛОЛАЛАР

(Украиналик дўстга)

Қип-қизил, кенг далани кўриб,  
Уйладинги, лоладур булар.  
Йўқ, янглишдинг, лолалар эмас,  
Лахта-лахта қон эрур улар.

Уйламакка ҳаққинг бор, бу ер,  
Тўғри, аввал лолазор эди.  
Барқ урарди гўзал бир ҳаёт,  
Гул бор эди, булбул бор эди...

Фақат ҳозир лола, булбул йўқ.  
Қон эрур, у, лола деганинг.  
Булбул эмас, бунда учар йўқ,  
Бунда кезар балолар минг-минг...

Бу ҳисобсиз тўкилган қонлар,  
Ака-ука, оналар қони,  
Бола, кекса, опа-сингиллар,  
Таниш-билиш, оталар қони.

Келсин, десанг, қайтадан булбул,  
Ўссин, десанг, қайтадан лола,  
Евдан қасос оламан, дея  
Қасам ичиб кўтар пиёла!

Дала қондан поклансин, десанг,  
Узоқларга кетсин десанг ғам,  
Фашистларни битирмоқ учун  
Қурол олиб жангга кир сен ҳам!

14.VII.42.

## СУВРАТ

«Сувратингни юбор, соғиндим.  
Елгон айтсам тил тортмай  
ўлай» —  
Дебсан хатда. Сувратим нечун,  
Керак бўлди қурбонинг бўлай?

Юзларимни кўрмак истасанг,  
Е ойма боқ ёки кунга бок.  
Сочларимни кўрмак истасанг,  
Уйқудан кеч, ойсиз тунга бок.

Қошларимни кўрмак истасанг,  
Кўкка кара чиққанда ҳилол.  
Кўзларимни кўрмак истасанг,  
Назарингни юлдузларга сол.

Яноғимни кўрмак истасанг,  
Сахрога чиқ, лолазорда юр.  
Лабларимни кўрмак истасанг,  
Саҳар туриб гунчага юз бур.

Тишларимни кўрмак истасанг,  
Ҳавасингни марваридга айт.  
Гар ўзимни кўрмак истасанг,  
Евни енгиб, зафар билан қайт.

17.VII.42.

Мен Уйғунни 22 ёшлик нави-кирон вақтида биринчи бор кўрганман. Унда бошловчи шоир эди. Унинг тўнғич тўплами «Баҳор севинчлари» мажмуаси орадан бир йил ўтгандан кейин чоп этилди. Мана энди ярим аср вақт ўтгандан сўнг бу воқеаларни киши эҳтиёткорлик билан эслайди, тагин янглишиб шоирни хафа қилиб қўйишдан чўчиди. Уйғун энди машаққатли ва шарафли ижод йўлини босиб ўтган халқ шоири, адабиёт соҳасида кўзга кўринган жамоат арбобларидан бири. Йигирма ёшлик бошловчи шоирдан ҳозирги замон шеърини ва драматургиясининг классиги даражасига кўтарилгунча бўлган масофани дафъатан босиб ўтиш — осон иш эмас. Номини совет адабиётини, хусусан совет поэзиясида жаранглаб турган Уйғуннинг асарлари Украинага ўз уйига киргандек кириб келмоқда.

## ИВАН ЛЕ

Ўзбек совет шеърининг ўзининг лирик маъноси билан кириб келган Уйғун жамоат ишларида ҳам жонбозлик кўрсатди. Адабиётимиз жонкуяри бўлган Уйғун замон талабларига жавоб берадиган актуал асарлари билан парвоз этди.

## ҒАЙРАТИИ

Уйғун энг аввало лирик шоир. Николай Асеевнинг сўзи билан айтганда, ўз истеъдодининг йўналиши бўйича «вужуд вужудига қадар лирикдир». Бугунги кунда Уйғуннинг етуқ талапти камолот даврига эришган ҳамда у яратган энг яхши ижод самаралари йиллар синовидан муваффақиятли ўтди. Эндилликда унинг лирикаси рус китобхонлари қалбига ҳам етиб борди ва дилларни тобора забт этмоқда. Ҳа, эндилликда бизга ҳам шоир ҳақида илқ сўз айтиш навбати келди. Уйғун ниҳоятда ёрқин, тўла маънода замонавий, миллийлиги, маъзузи, сўз қурилиши ва лугат состави нуқтан назаридан «шарқона», шу билан бирга Урта Осиё ранглари ва жилваларини ўзида акс эттирган шоирдир.

## Вера СМЕРНОВА

Уйғуннинг асарлари умрзоқ асарлардир. Адабиётга, халққа, Ватанга, буюк ва муқаддас ишга хизмат учун келган шахсларнинг асарлари довмо севимли, умрзоқ бўлади. Шарафли, қўшли санъат йўлининг фидоқор, мубориз йўлчиси, дўстлик, қардошлиқнинг толмас жарчиси Уйғун шеърини доимо ёш шеърини дорди. Ичкилор баҳорини, инсон саодатини, Ленин ишининг тантанасини мухаббат билан, илқом билан тарангум этган ҳамкалам дўстим Уйғуннинг ижодий ютуқлари мени беҳад севинтилади.

## Сулаймон РУСТАМ

Уйғун ўзбек шеърининг ёруғ юлдузларидан бири бўлиб, поэзия осмонига чарақлай бош-



Назир Сафаров,  
Гаригин Севуц ва Уйғун.

С. Маҳкамов фотоси

лаганидан бери қозоқ шеърини дўст адабиёт эканини унутгани йўқ. У ўттинчи йилларнинг ўрталарида қозоқ шеърининг юксак намуналарини ўзбек тилига ағдариб, ўзбекча гапиртирди.

Бугунги кунда Уйғун ўзбек адабиётининг йирик намоначдари сирасига киради. У совет адабиётининг йирик шоири, драматурги!

## Абдилда ТОЖИБОВ

Сиз таниқли адиб, халқ шоири, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР Фаилар академиясининг мухбир-аъзоси, жамоат арбоби-си. Овозангиз ва шўхратингиз мамлакат бўйлаб ва ундан нарига ҳам таралган. Шеърини ва драматик асарларингиз кўн

тилларга таржима этилган, шулар қаторида, шеърларингиз, қўшиқларингиз ва пьесаларингиз тожикчалаштирилган. Сизни тожик китобхонлари яхши танийдилар ва хурмат қиладилар.

## Жалол ИКРОМИИ

1942 йил... Мен Уйғуннинг «Қор» шеърини тинглаганимда фашист босқинчиларига қарши мардона курашаётган она Белоруссиянинг қор босган ўрмонлари кўз олдимга келди. Фашистларга қафан бўлсин қор, деб қилган шоирнинг хитоби ҳамон кулоғим остида жаранглаб турипти.

Мен мақзур шеърни белорус тилига таржима қилганман.

Уруш вақтида фронт орқасидати ҳаёт ҳам халқонли, шиддатли кечар эди. Бу вақтда

Уйғун фақат шеър ёзиш билан чекланмай, жанговар драматик асарлар ҳам яратарди. «Она» драматик биринчи қўйилишида бориб кўрганам эсимда. Саҳнада бўлаётган воқеалар томошабинлар қалбини қандай ларзага келтиргандлигига гувоҳ бўлганман. Гўёки бу театр томошаси эмас, жўшқин ҳаётнинг ўзиниси эди.

## Эди ОГНЕЦВЕТ

Уйғун поэзиясининг бир қанча қисми, айниқса, шу кунги даврга тааллуқлилариди адабининг эстетик тушунчалари кең баён қилинади. Уларда шоирнинг ҳаётдаги роли, вазифалари, бадий ижодининг бурчи, халқчилиги, ўқувчилар оммаси билан туб бирлиги каби масалалар жуда тўғри брилиган. Айни вақтда бу тўғри фикрлар уйғунга нозик бадий таъсирларда берилган.

Уйғун поэзияси халққа хизматининг ажойиб мисолларидан бири бўлиб, у адабни «Ўзбекистон халқ шоири», «Ҳамза мукофоти лауреати» деган юксак унвонларга мушарраф этди.

## Лазиз ҚАЮМОВ

# МОҲИР ДРАМАТУРГ

Х

АМЗА номидаги Ленин орденли Ўзбек давлат академик драма театрининг кейинги вақтдаги репертуарини кўздан кечирсак, кўп спектакллар Уйғун пьесалари асосида яратилганлиги билинади. Саҳнага қўйилган «Алишер Навоий» (И. Султон билан ҳамкорликда ёзилган), «Хуррият», «Шубҳа», «Қотил», «Парвона», «Парвоз», «Абу Райҳон Беруний», «Абу Али ибн Сино», «Зебуниссо» ва бошқа асарлар шуни кўрсатадики, Уйғун драматургияси ўзининг баркамоллиги билан энг юксак санъат қошонасининг талабларига тўла жавоб бераётир. Ҳозирги кунларда отахон театримиз саҳнасида ўйналаётган асарларининг сони жиҳатидан ҳам Уйғун биринчилики олади. Айрим пьесаларнинг узоқ вақтлардан бери саҳнадан тушмай келаётганлиги, «Алишер Навоий»нинг 700 мартадан ортиқ қўйилиши, «Парвона»нинг 800 мартача иж-

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ,  
филология фанлари доктори

ро этилишида ҳам катта маъно бор.

Атоқли адабимиз Уйғуннинг драматургияси Бутуниттифоқ миқёсига ҳам дадил қадам билан чиқиб борди. «Алишер Навоий», «Қалтис ҳазил», «Навбахор», «Хуррият», «Шубҳа», «Парвона» каби асарлари қардош республикалардаги қатор театрларнинг репертуарларини беэди. «Парвоз» эса кўп миллатли совет драматургиясида яратилган энг яхши пьеса қаторида СССР Маданият министрлигининг буйруғи билан Бутуниттифоқ саҳнасига тавсия этилди. Москва, Ленинград ва бошқа йирик шаҳарлардаги рус томошабинлари ва китобхонларига ҳам Уйғун пьесалари маълумдир. Бу ҳозирги талабчан, катта адабиёт оламидан хабари бўлган, диди баланд, коммунизм куриш даврида яшаётган

томошабинларнинг юксак дидига унинг пьесалари маъқул тушаётганлигидан далолат беради.

Маълумки, ўзбек шеърини деярли минг йил давомида яратиб ривожланиб келган, узоқ давр ичиди талайгина прозаик асарлар ёзилган бўлса, миллий профессионал драматургиямиз Октябрь революцияси арафасида вужудга келди. У совет ҳокимияти вақтида тараққий топди. Драматургия жанрида миллий анъаналарга эга бўлмаганлигимиз, бундан ташқари, драматургия қийин жанрлиги сабабли бу соҳада ижодий ишларимиз жуда ҳам қийинчиликлар билан юзага чиқди. Аммо бундай объектив қийинчиликларга қарамай, ўзбек совет драматургияси тик ва мурраккаб ижодий довлонлардан олиб, юқорига қараб борди. Ҳозирги даврда эса, хатто минг йиллик тажрибага эга бўлган Европанинг кўп драматургияларидан қолишмайдиган ўзбек драматургияси бунёдга келди.

Бу ижодий ютуқларни қўлла

кириштида улуг Ҳамза, ундан кейин Яшин, Уйғун, Абдулла Қахҳор, Зиё Саид, Ҳамид Олимжон, Н. Сафаров, М. Шайхзода, З. Фатхуллин, И. Султонов, Б. Раҳмонов, Р. Бобожон, С. Азимов, У. Умарбеков, А. Иброҳимов, Ҳ. Ғулом, Саид Аҳмад ва бошқа кўпгина драматургларимизнинг хизматлари катта бўлди. Булар ичида Уйғуннинг хиссаи алоҳида аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда ўзбек драматургиясини Уйғун ижодисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Уйғун драматургиянинг кўп тур ва хилларида самарали калам тебратди. У «Гулдандом» номли балет либреттосини, дўст қаламкашлари билан бирга опера либреттоси — «Ўзбекистон қилич-ини яратди», «Олтин кўл», «Лақма» асарлари музикали драма театримизда кўп мартагал кўйилди. Дарҳақиқат, унинг жуда катта ижодий меҳнати, бадий маҳорати драмалар яратишда яққол кўринди.

Уйғун ўзининг биринчи драмаси «Она» (1942)дан бошлаб, кейинги асарлари «Қопкон» (1975) ва «Зебунисо» (1983)га қадар катта ижодий йўлни босиб ўтди, фақат жўшқин лирик шоир эмас, балки машҳур драматург бўлиб мамлакатда танилди.

Хўш, Уйғун драматургиясининг қайси хусусиятлари таҳсинга сазовор? Аввало, шунга айтиш керакки, Уйғун ҳаётдаги муҳим муаммоларни, янги галларни, зарур нарсаларни тезда сезиш ҳиссиётига, уларни драматургияга олиб кириш қобилиятига эга. Қайси бир баркамол пьесасини қўлга олманг, у бир янглик билан, ўзининг қандайдир оргиналлиги билан, масаланинг янги-ча қўйилиши билан характерланади. «Она» пьесасида ўзбек ёшлигининг ватанпарварлиги, мамлакат мудофасига янгича, юксак муносабати очилади.

Уйғуннинг «Навбахор» (1949), «Олтин кўл» (1949) пьесаларида колхозларда меҳнатни тўғри ташкил қилиш, интизомни мустакамлаш масалалари қўйилди. «Навбахор» колхозида ҳосилни оширишга хўжаликка ишнинг кўзини билиб туриб раҳбарлик қилмаслик гов бўлади. Дадабойдаги асосий иллат — ҳаётдан орқада қолиш, янгиликни сезмаслик. Оқибатда у «оқар дарёдан «кўлмак сув»га айланади. Дадабойнинг ишлаш методи ҳам эски, янги давр талабларидан орқада. Уйғун узок вақт колхозга раҳбар бўлган, илгариги ютуқлари билан мағрурланиб, керилиб юрган, ўз билимларини бойитишни истамаган, натижада жўшқин ҳаётдан узилиб қолиб, колхозни орқага тортган ва қишлоқ хўжалигининг умумий юксалишига тўсқинлик қилган раисни биринчи бўлиб ўзбек драматургиясига олиб кирди.

«Навбахор»нинг фазилати яна шундаки, ундаги конфликт кураш жараёнида кескин, ўткир тусга кира боради, иштирок этувчи шахсларнинг деярли барчасини ўз гирдобига тортади. Драмада янги давр учун янгича раҳбарлик қилиш, раҳбар ўз савиясини доим ошириб бориши талаб қилинади. Бундай кишилар Баҳор ва Қодир образлари орқали кўрсатилди.

Бундай кишилардан яна бири — Ҳуррият (шу номли пьесада, 1959) дир. Ҳуррият Дадабойдан ҳамда илгариги колхоз раиси Қосим акадан тубдан фарқ қилади. Унинг асосий мақсади техникдан унумли фойдаланиш, кадрларни ўз ўрнига қўйиш, барча ишчи кучларини ишга тўла сарфбар этиш. Коллектив билан доим мулоқатда бўлган, ишчан, ташаббускор, билимдон Ҳуррият техникага жон киритади. Унинг асосий мақсади — колхозда меҳнатни кўтариш, иккинчидан эса, оиладаги сарқитлар устидан коммунистик ахлоқнинг галаба қозониши учун курашиш.

Уйғун «Парвоз» (1964) асари билан драматик диалогия яратди. Бу пьесасига ҳам муаллиф ўзининг семимли образи Ҳурриятни олиб кирди. Олдинги асардаги қаҳрамон билан кейингисидagi қаҳрамон — Ҳурриятда жиддий фарқлар мавжуд. Уйғун орадан ўтган 10 йил давомида мамлакатимизда ва кишилар онгида юз берган ўзгаришларни Ҳурриятда яққол гавдалантирди. Ҳуррият жамиятнинг бош йўналишларини, давринг янги руҳини ўзида мужассамлаштирган шахс — раҳбар. Эндиги Ҳуррият — колхоздаги дангасаларни ишга солишга қийналадиган раис эмас, балки республикада доғи чиққан коллектив хўжаликнинг бошлиғи Мамасолиевнинг ва обком секретарининг нуқсонларини аёвсиз фош қилиш даражасига кўтарилган район партия комитетининг раҳбаридир. Ҳурриятнинг тоғни урса талқон қиладиган маънавий кучи бор. У хўжалик ва сиёсат оламида ақли, фаросати етадиган ўткир арбоб, партия ишларининг нозик томонларини ҳам чуқур биладиган фаол ташкилотчидир. Мамасолиев ва Алимовдай кучли раҳбарлар билан, районда, ҳаттоки областда кенг илдиш отган кишилар билан шиддатли тўқнашувда голиб келишининг боиси ҳам шу олижаноб фазилатларидир. Ман-

манлик ва фибрибгарликнинг турли кўринишлари Ҳуррият ҳақиқатига дуч келиб, чил-парчин бўлади.

Асарда Ҳурриятдан ташқари Тошпўлат, Алижон, Санам каби характерли ижобий қаҳрамонлар, Мамасолиев, Саримсоқ каби салбий образлар жиддий ишланганлигини таъкидламасдан ўта олмаймиз. «Парвоз» пьесаси инсон тақдир ҳақидаги ёрқин кўшиқдир. Бу асар ҳақиқат мадҳи, адолат қасидаси бўлиб жарангламоқда.

Уйғун ҳар бир пухта асарида кучли драматизмини бера олди, персонажларнинг характерини кескин тўқнашувлар жараёнида очиб берди. «Шубҳа», «Қотил», «Парвоз» каби замонавий мавзудардаги пьесаларда, ҳатто «Қалтис ҳазил» комедиясида ҳам Уйғун ўзига хос конфликтларни янги воқеалар заминида кучайтириб бориш, уларни ҳаёт мантига уйғунлашган ҳолда ишонарли қилиб ечиб беришга сазовор бўлди.

Драматургларни кўп қийнайдиган нарсасарнинг ечимидир. Ёчим баъзан пьесалардаги воқеалар оқими, характерлар зиддиятининг оқибати, курашнинг реал якунининг тақозоси билан эмас, балки муаллифларнинг сунъий хоҳиши билан ҳал қилинади. Ёки бўлмаса, пьесаларининг биринчи кўринишидан оқ ечим нима билан томошбинни ўқувчи ёки томошабин билиб олади. Бундай асарларга қизиқиш йўқолади, улар сахна юзини кўрар-кўрмас гоийиб бўлиб кетади.

Уйғуннинг кўп пьесаларини эса бошидан охиригача қизиқиб, ҳаяжон билан ўқийсиз, томоша қиласиз. Воқеалар оқими, конфликтнинг ривожини сизни кескин ушлаб туради, тўлқинлантиради, характерлар тақдирини сабрсизлик билан кузатасиз, ижобий қаҳрамонлар билан бирга яшагандай, улар билан бирга ёмон, ярамас нарсаларга, муттаҳам одамларга қарши курашгандай

бўласиз. Ҳуррият ва профессор Содиқнинг («Қотил») адолат ва ҳақиқат учун олиб борган курашларига локайдлик билан қараш мумкинми? Ёки қоронғилик салтанатида ёруғ нур бўлиб чиққан инсонпарвар, халқчил, буюк истеод соҳиблари Алишер Навоий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Зебунисонинг фожияли тақдирлари бизни ачинтирмайдими, қайгуга солмайдими?

Уйғун ва И. Султон «Алишер Навоий» драмасида биринчи бўлиб улуг шоир образини саҳнага олиб чиқдилар, унинг жўшқин фаолиятини ёрқин гавдалантирдилар. Бу драма ўзбек драматургиясининг классик асари бўлиб қолди. Пьеса 40 йилдан бери саҳнадан тушмасдан, республикамиздаги кўп театрларнинг репертуарини безаб турибди. Совет адабиётида «Алишер Навоий» пьесаси тарихий мавзуда ёзилган пухта асарлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллади, бошқа қардош республикаларнинг саҳналарида ҳам қўйилди. Бугунги кунда «Алишер Навоий» пьесасини билмаган, ундаги монолог ва диалогларни ёддан айта олмаган ёки «Абу Райҳон Беруний», «Зебунисо» каби асарларни кўрмаган, ўқимаган ўзбекини топиш қийин.

Улуг шахсларнинг образини ўзбек саҳнасида гавдалантиришда Уйғуннинг «Абу Райҳон Беруний» пьесаси (1973) ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Муаллифнинг мураккаб тарихий даврга уста санъаткор кўзи билан қарай олиши, қаҳрамонларнинг пухта характерини уларнинг психологияси ва фожияли ҳаётлари орқали реалистик тасвир эта билиши мазкур асар жанрига муваффақият бахш этган. Драматург ўқувчи ва томошабиннинг кўзи олдида дин, мистика ҳукмрон бўлган давр ва муҳитни келтиради ва бундай реакция мухит ҳар қандай прогрессив оқимни, илғор хатти-ҳаракатларни, илмдаги янгиликни яқсон қилишини оचाди.



Комил Яшин, Уйғун, Рамз Бобожон, Туроб Тўла, Саид Аҳмад.

С. Маҳмамов фотоси



Замарқандлик ишчи қизлар.

ЎзТАГ фотохроникаси

Бундай илғор янгилек Беруний кашф этган мўъжизалар эди.

Уйғун ўз асарларида жаҳолат билан фан ўртасидаги зиддиятларнинг янги-янги кирраларини очди. Бу кирралар хийлаю найранг тузоғига илиниб, ботқоққа ботиб бораётган Хоразм шоҳи Маъмунга, илмга кафан бичадиган Ғазна шоҳи Маҳмудга бориб гуташади. Маҳмуд Ғазнавий билан Берунийнинг тўқнашувида автор фаннинг энгилмаслигини гасдиқлаш билан бирга, икки беририга қарши кучларнинг зиддиятларини очди. Бу эпизод жаҳолат билан ёруғлик, зулмат билан нур ўртасидаги кураш рамзига айланиб кетган.

«Менинг тожим — шеърят!» дейди Зебуннисо. «Зебуннисо» пьесаси тўла равишда шу гоё билан сугорилган. Зебуннисонинг пьесалари ўз даврида ҳам зулматга тақиқларни, бўҳтон ва хуротни энгиб ўтиб, оддий меҳнатсашларнинг қалбига қуёш нуридай кириб борганлиги ҳақиқатдан узоқ эмас. Бу ҳақиқат пьесадан шонарли қилиб, турли воқеа ва содасалар замирида ифода этилади ва исбот қилинади.

Пьесадан «биёни зулфи кажу» исраси билан бошланадиган, Зебуннисонинг ғазалига басталанган қўшиқнинг айтилиши билан сахнанинг очирилиши ва шу қўшиқ билан воқеаларга яқин исалиб, асарнинг яқунланиши кўра ўринли топилган. Драматург Зебуннисонинг катта истеъод эгаси эканлигига, шу биланнинг шоирлигини бўрттириб чиқиб беришга сазовор бўлади.

Уйғун бу асаридан фалсафий рикрлар, чиройли бадий шакллар, катта мазмунли содда ва қисқа мисраларда ифодалаш, қўшиқни ҳис-туйғуларни изхор қилиш, гоёат ҳаяжонли ишқ ҳароратини ифода этиш, муболағалар, шатишлар, қолларни ўрин-

ли, жой-жойида ишлатиш, вазнларни равои, ўйноқи қилиб туриш, характерларнинг табиий чиқишига эришган.

Уйғун бир суҳбатда бундай деди: «Ижодкорнинг исталган мавзуда асар ёзишга ҳаққи бор. Лекин у қайси давр ҳаётидан мавзу изламасин, ҳеч қачон ўзи яшаб турган замон талабларидан узилиб қолмаслиги керак». Санъаткор ана шу сўзларга ўзининг ижодий фаолиятида тўла амал қилиб келаётир.

Тарихнинг турли даврларини ҳаққоний ёритган, марксча-ленинча позицияда мустаҳкам туриб, маҳорат билан асарлар яратётган Уйғуннинг ўтмишининг муҳим томонлари ҳақидаги пьесаларни меҳнаткашларни тарбиялашда катта роль ўйнади ва ўйнамоқда. Драматургнинг тарихий мавзудаги пьесалари — «Алишер Навоий», «Абу Али ибн Сино», «Абу Райҳон Беруний», «Зебуннисо» ҳамда «Гирдоб», «Қопқон»ларнинг характери томони шундаки, уларда замонавий рух фурури туради. Уйғун ўзининг ана шундай асарларида ўтмиш воқеасидан, ҳар бир тарихий шахсдан ҳозирги замонамиз учун керакли бўлган мотивларни, гоғларни топиб, уларни умумлаштириб кўрсатаётир.

Қийн жанрда гоғвий ва бадий жиҳатдан етук, пухта асарларни яратиши билан Уйғун социалистик реализм — барқарор метод эканлигини, бу метод ижоднинг янги-янги уфқларини очишга имконият берганлигини ана бир қарра кўрсатди.

Социалистик реализм — ижодий, доимий метод бўлгани каби, унинг принциплари асосида ёзилган баркамол асарларнинг ҳам умри узоқ бўлиб қолади. Уйғун драматургияси ҳам худди шундай умри узоқ драматургиядир.

Орзиқиб қутилган кунлар келди. 1939 йили июль ойида В. И. Ленин номидаги педагогика билим юртини тамомлаб, қўлига ўқитувчилик ҳужжатини олган Башрилла Тошкент область Пискент район Қорақўйли қишлоғидаги бошланғич мактабга йўлланма олди. Унинг қувончи чексиз. Отаси Раҳматулла ака ҳам ўғлининг муаллим бўлганидан беҳад хурсанд эди.

Башрилла кундузи болаларни ўқитса, кечқурунлари ота-оналар саводини чиқарди. У 1939 йили 17 ноябрда харбий хизматга чақирилганида, хизмат муддатини ўтаб, яна шу қишлоққа қайтиб, севган машғулотини давом эттирмади, деган умид билан мактаб, коллектив билан хайрлашди.

Улар эндигина харбий либос кийиб, тартиб-қоидаларга қўни қолмай юрганларида мамлакатимизга оқ финлар ҳужум бошлаб қолишди. Башрилла ҳам Волтиқбўйи давлатларини босқинчилардан озод қилишда иштирок этди...



— Кучлар тенг эмас эди, — деб ҳикоя қилади Башрилла ака Улуғ Ватан уруши ҳақида сўзлаб. — Вақтинча Новгородга чекинишга мажбур бўлдим. Ватанимизнинг бир қарич ерини ташлаб чиқиб кетиш нақадар оғирлигини ана шунда хис қилдим... Тиш-тирноғича қуролланган немис-фашистлар улуғ Ватанимизга хиёнаткорона ҳужум қилганида биз Литва билан Германия чегарасида, Неман дарёси ёқасида дам олаётган эдик. Дастлабки кунларда фашистларнинг бир неча қаттиқ ҳужумини қайтариб турдик. Кўп ўтмасдан Волхов fronti ташкил топди. Волхов фронтининг асосий вазифаси Новгородни химоя қилиш, қутурган фашистларга қашқатғич зарба беришдан иборат эди...

Башрилла Раҳматуллаев Новгород учун бўлган оғир жанглар-

нинг бирида ярадор бўлди. Даволашиб, яна сафта қайтди.

Башрилла Раҳматуллаев Ленинградни қамалдан озод этиш учун бўлган жангларда иккинчи марта яраланди. Бу сафар у кўпроқ ётиб қолди. Ниҳоят, Ленинград озод этилди. Жангларда кўрсатган мардлиги ва жасорати учун Башрилла Раҳматуллаев «II даражали Улуғ Ватан уруши» ордени, «Жасурлиги учун», «Ленинград мудофааси учун» медаллари билан тақдирланди.

Ленинград қамалдан озод этилгандан сўнг старшина Башрилла Раҳматуллаев мерганлар взводида командир этиб тайинланди. Улар доимо фронтнинг олдинги маррасида ҳозир бўлиб, пана жойни ташлаб олиши ва немис команда пунктларини доим нишонга олиб туриши ва уни яқсон қилиши лозим эди.

Башрилла олдинги маррага разведкачилар билан жўнар экан, ҳар гал фашистлар томонидан «тил» олиб келишга ўз улушини қўшар, мўлжалланган объектларни йўқ қилишга эришар эди.

— Гоҳо буталар ортида беркиниб олардик, гоҳо қорларга қўмилиб ётганимизча душман жойлашган нуқталарни кузатардик, — дея эслайди Башрилла ака ўзи кунларини. — Нима қилиб бўлса ҳам пулемётдан, миномётдан даҳшат солаётган нуқтанинг овозини ўчириш пайида бўлар эдик. Ўзимиз эса, жойимизни тез-тез ўзгартириб турар эдик.

Башрилла ака 1942 йили Ленинград остоналарида партия сафига — кандидатликка қабул қилинди. 1943 йили декабрда эса шаҳар қамалдан озод қилинганидан сўнг ҳақиқий аъзоликка ўтди.

Башрилла Раҳматуллаев урушдан сўнг Тошкентдаги А. С. Пушкин номи маданият ва истироҳат боғига директор этиб тайинланди. У узоқ йиллар давомида истироҳат боғини меҳнаткашлар талабига жавоб берадиган даражада жиҳозлашга бош-қош бўлди. У богда мушоира кечалари, атоқли ёзувчилар билан учрашувлар, «Муштум» кечалари уюштиришни йўлга қўйиб, кўпчиликнинг хурматини қозонди. Натияжада боғ узоқ-яқиндан келган ишчи-деҳқонларнинг, барча меҳнаткашларнинг гавжум оромгоҳига айланди. Унга маданий-оқартув ишларни амалга оширишдаги намунавий хизматлари учун «Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилди. Мана, кирқ йилдирки, Башрилла Раҳматуллаев эл хизматида. Улуғ Ғалабанинг кирқ йиллиги нишонланаётган шу кунларда ҳамма уруш ветеранлари қаторида у кишини ҳам самимий кутлаймиз.

Анвар САИДУМАРОВ

# ЖАНГ ҮТГАН ЕРЛАРДА

(«ПОЛЬША ҲИКОЯЛАРИ»  
ТУРКУМИДАН)

40



## САРКАРДАНИНГ СЎНГГИ МАРРАСИ

Гданьск шаҳридан жануб томонга қараб бораётган машина-миз беш километрча юриб тўхтади. Бу ер Свято Войцех (Авлиё Войцех) кишлоғи экан.

— 37-дивизия командири Собир Раҳимовнинг сўнги команда пункти мана шу тепаликда бўлган, — деб изоҳ берди йўл бошловчимиз — уруш ветерани, собиқ совет жангчиси Анатолий Юрєв.

Биз тўрт-бешта уй қатор турган тепаликка тикиламиз. Бу ер — ҳамюртимиз, биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимовнинг уруш-



да келиб етган сўнги марраси, у ҳалок бўлган жой.

— Дивизия штаби аъзолари кўмондон билан Гданьск қамалини тезроқ тугатиш, шаҳарни фашистлардан озод қилиш режаларини тузаётган бир пайтда денгиздаги душман кемасидан отилган мина келиб тушган, — деди йўл бошловчимиз.

Ҳа, биз уни билардик. Умрининг кўп йиллари жангу жадалларда ўтган генералнинг Улуғ Ватан уруши фронтларида кўрсатган жасоратлари тилларда дostonга айланган. Аммо бу ўзбек фарзандининг қони тўкилган жойга бизнинг биринчи келишимиз...

Сафаримизнинг бошланишида ҳамсафар уч уруш ветерани билан ушбу сатрлар муаллифи ўр-тасида озгина баҳс бўлиб ўтган эди. Поездимиз Польша чегарасига яқинлашар экан, сафар мутасаддиларидан бири бизга саяхатчиларнинг Варшавада тўрт гуруҳпага бўлиниб, мамлакатнинг тўрт тарафига — шарқий, жану-

бий, ғарбий ва шимолий томонларига боришларини билдирди ва: — Ким қайси маршрутга боришини олдиндан маълум қилисин, — деди.

— Мен Люблин, Краков шаҳарларида жанг қилганман, ўша ерларни бориб кўришим керак. Демак, шарқий гуруҳпага ёзишим лозим, — деди ҳамроҳларимиздан бири, жангу жадал йиллари артиллерия дивизионига командир бўлган уруш ветерани. Иккинчи ҳамроҳимиз — реактив миномётлар — машҳур «катоша»лар дивизионининг собиқ командири эса, ўзи жанг қилиб ўтган жанубий Польша шаҳарларига боришни ихтиёр қилди. Собиқ ҳарбий врач ҳамроҳимиз эса, шимолий Польшага боришини айтди.

— Собир Раҳимов дивизиясида хизмат қилганман. Генералимиз билан бир кунда яраланганман, — деди у.

Шунда мен ҳамюртларимизга ҳаммамиз бир томонга — шимолга — Гданьск шаҳрига бориб, Собир Раҳимов жанг қилган жойларни кўриш, у ҳалок бўлган жойнинг тупроғидан олиб қайтишни таклиф қилдим. Ҳамроҳларимиз бунга розилик билдиришди.

Гданьск шаҳри уруш ветеранлари комитетида менга бу шаҳарни озод қилиш учун олиб борилган жангларда жон беришган совет жангчиларининг номи айтилган дафтарни кўрсатишди. Дафтар анча қалин: унда уч мингдан ортқ ном ёзилган эди.

— Аслида Гданьскни озод қилиш учун жангларда ўттиз мингдан ортқ совет жангчиси ҳалок бўлган. Бу дафтардагилар фақат номи аниқланганлари ҳолос, — деб изоҳ беришди поляк дўстларимиз.

Дафтарни варақлайман, ундаги ҳамюртларимизнинг исми-шарифларини қoғoзга тушираман: Авазов, Алимов, Аҳмедов, Иброҳимов, Муҳаммаджонев... 1945 йилнинг март-апрель ойларида, ғалабага бор-йўғи бир-бир ярим ой қолганда ҳалок бўлишган. Бирдан куйидаги ёзувга кўзим тушди:

«Раҳимов Собир. Генерал-майор. 1945 йил 30 мартда Гданьскда ҳалок бўлган, Тошкентда дафн этилган».

Польшани озод қилиш йўлида жон берган олти юз минг совет аскарларидан бири, қахрамон ҳамюртимиз ушбу қайгули рўйхатда 1433-ўринда қайд этилган эди.

Мана, унинг қони тўкилган жойда бош эгиб турибмиз. Не-не ўлимларни кўрган уруш ветеранларининг оппоқ сочларини шабада ҳилиратади. Жимлик. Хотира жимлиги. Тепалик ёнбағридаги юмшоқкина тупроқдан олиб, целлофан халтага жойлаймиз. Бу тупроқни Тошкентга, Собир Раҳимов номидаги мактаб ўқувчилари ҳарбий шон-шухрат музейига олиб бориб топшираемиз.

Мен бу хотира-ҳикояни «Саркарданин сўнги марраси» деб номладиму ўйлаиб қолдим: генерал Собир Раҳимовнинг ҳаёт йўли шу ерда тугаган бўлса-да, аммо унинг номи, жасорати барҳаёт! Бу ном янгидан-янг марраларга қараб бормоқда. Биз бу номи Гданьск портида кўрдик. Шу портга қарашли «Собир Раҳимов» кемаси Болтиқ сувларида мағрур сузиб юрибди. Ҳа, мардикнинг марраси абадийдир.

## Қардошлик қиссаси

...Уруш ветеранлари Польшанин турли шаҳарларида бўлишиб, яна Варшавага қайтишди. Тожикистонлик Ашур Ашуров шарқий Польшани айлиб қайтганлар орасида эди. Мен ундан сафар таассуротларини сўрадим.

— Акамни зиёрат қилиб келдим, — деб жавоб қилди у.


— Акангиз?..

— Ҳа, унинг қабри Юзефов шаҳрида...

Тасодифи қарангки, шундоқкина ён кўшимиз — тожикистонлик бу қахрамоннинг қиссасини шу тарзда узоқ Польшада эшитдим.

— Урушининг бошларида кетган акамдан бир-икки хат олдиғу, кейин жим бўлиб кетди, — дея ўз ҳикоясини бошлади Ашур Ашуров. — Охири хатида: «Яқин орада жангга қирамиз», деб ёзган эди. Ахир бир кунни дарағи чиқиб қолар, деб ўрaverдик. Лекин уруш тугади ҳамки ҳеч бир хабар бўлмади. Ахир тақдирга тан бердик, ўлди деб «ош-сув» қилдик, унинг дарду ҳасратида кекса ота-онамиз ҳам оламдан ўтиб кетишди. Биз унинг қабри қаерда эканлигини ҳам билмасдик. Бирдан...

Ҳа, Тожикистоннинг Мастҷоҳ районида туғилиб ўсган Малик



Расмларни Н. Иброҳимов чизган

Ашуров ўша биринчи жангда ўлмаган эди. Аммо ундан ҳам ёмонроқ қисматга дуч келганди — ярадор бўлиб душман қўлига асир тушиб қолганди. Асирликнинг даҳшатли, бир кунни бир йилга тенгдай дамлари... Уни қамоқларда кийнашди, калтаклашди, оч-яланғоч ўлгудек ишлатишди, аммо тожик йигити душманга тиз чўкмади, озодликка чиқиб, ватанига қайтиш илжини билан атайди, куну тун қоқишнинг пайида юрди. Бундай қўлай имконият айна вақтида — уни бошқа асирлар билан биргаликда Польшадаги Майданек ўлим лагеридан машғум Освенцимга қўчирилаётган пайтда туғилди.


У узоқ вақт Бюблин ўрмонларида яшириниб юрди, бахтли тасодиф уни поляк партизанларига дуч келтирди. Дастлаб бу соч-соқоллари ўсиб кетган ва кимлиғи, қайси миллатданлиги номаълум, тилбилмас, нотаниш одамдан чўчишди, унга ишонинмади. Аммо фашист жаллодларининг ваҳшийликларини ўз қўзи билан кўриб, уларнинг қийноқларини «татиб» кўрган, аламоқ тожик йигити тез орада ўзининг кимлигини исбот қилди, душманга қарши жангларда синовдан ўтди. Бу ҳеч нарсадан тап торتماйдиган ёвқур йигит поляк партизанларининг ҳурмат-эътиборини қозонди. Отрядда уни чин дилдан қадрлай бошлади. Малик Ашуров фашистлардан бошлаб қасос оларди, у кўплаб гитлерчиларни ер тиллатди, ҳарбий оғборларга ўт қўйди, поездларни портлатди.

Афсуски, уруш — урушлигини қилди: 1943 йилнинг ёзида муҳим тошхориқни бажариш учун бораётганда Ашуров иштирокчи бўлган гуруҳа Юзефов шаҳри яқинидаги ўрмонда душман пистирмасига дуч келди. Тенгсиз жангда бошқа поляк партизанлари қаторида Малик Ашуров ҳам ҳалок бўлди. Ундан фақат биттагина ёдгорлик — кўпчилик партизанлар билан тушган суратгина қолди ҳолос. Урушдан кейин тирик қолган поляк партизанлари ўз жанговар сафдошларининг кимлигини билишга уринадилар. Бу сурат Тожикистон матбуотида босилиб чиқди.

— Бирданига, — деб ўз ҳикоясини давом эттирди Ашур ака, — сурат босилиб чиқиб қолди. Унда бошқа партизанлар қаторида қўлига автомат ушлаган, соқол-мўлови ўсган бир киши ҳам бор. Кўрдуми титраб кетдим, унинг қарашлари, қўзалари худди акамникига ўхшарди. Лекин, орадан қанча йиллар ўтган. Аниқлаш керак эди. Акамдан қолган суратларга солиштирдик, тахминларимизни маълум қилдик. Ҳарбий архивдагилар ҳам бу иш билан шуғулланишди, ҳукумат экспертизаси суратларни солиштириб чиқди ва суратдаги одам менинг акам деб топилди.

Ҳа, Польшада жасорат кўрсатган машҳур партизан — тожик халқининг фарзанди Малик Ашуров эди. Унинг номини поляк халқи ўз озодлиги учун қурбон бўлган фарзандлари қатори эъзозлайди.

Шундай қилиб, тасодифни қарангки, шундоқкина ёнгинамиздаги бу қахрамоннинг қиссасини мен узоқ Польшада эшитдим...



## САХНА СЕҲРГАРИ

**Х**АМЗА номидаги Катта академик драма театрининг доврўгини жаҳонга таратган биринчи авлод вакиллари қаторида Саъдихон Табибуллаевнинг номи ҳам эҳтиром билан тилга олинади. Театрни ўзи учун муқаддас билган бу актёр ҳақида гап кетар экан, унинг ижросида саҳнада кўрганимиз Вадрий (З. Саид ва Н. Сафаров. «Тарих тилга кирди»), Яхшибой (К. Яшин. «Номус ва муҳаббат»), Масхара (В. Шекспир. «Қирол Лир»), Мансур (Уйғун ва И. Султон. «Навоий») каби бетақрор, ўзига хос образлар кўз олдимиздан ўтади. Шунингдек, Саъдихон Табибуллаев ўзбек саҳнасида Ленинномани бошлаб берган устоз санъаткорлардан бири сифатида ҳам ардоқлидир.

Улғур Октябрь инқилобни кўп ёшлар қатори Саъдихоннинг ҳаётини ҳам нурларга тўлдирди: у Лабиховуз бўйида жойлашган

дорилмуаллиминда таҳсил кўра бошлади. Кўп вақт ўтмай у ердаги «Санойи нафиса» тўғарагига ёзилди. У пайтларда кўчма театрларни, овозсиз киноларни талабалар ерда чордона куриб ўтириб кўрар эдилар. Бир куни томоша пайтида ёт унсулрлар кино кўрсатилаётган вивога ўт қўйдилар. Анча-мунча одамларнинг ўт ичида қолиб ҳалок бўлишганини Саъдихон ўз кўзлари билан кўрди.

Дорилмуаллимнинг иккинчи курсига ўтганида унинг ҳаётида кутилмаган воқеа содир бўлди. Москвага ўқишга юборилаётган бухоролик ёш талантлар орасида у ҳам бор эди. Шундай қилиб, 1924 йили Саъдихон Ватанимиз пойтахтида махсус ўзбек театр студиясида таҳсил кўра бошлайди. Уч йил мобайнида рус тилини ўрганади. Москва театрларида кўйилаётган ажойиб спектакллари, юксак ижроларни кўришга мўъассар бўлади. Машхур санъаткорлар таълимидан баҳра

олади. Фатхулла Умаров, Маннон Уйғур, Аброр Ҳидоят, Ҳожи Сиддиқ Исломов, Искори Каримов, Етим Бобононов, Сора Эшон-тўраева, Замира Ҳидоятова каби истеъодлар даврасида саҳна ҳақиқати нима эканлигини тушунади.

Студияда қўйилган «Ревизор» спектаклида Саъдихон Добчинский образини яратиб, тилга тушади. «Ҳокимнинг олдида югургилаб, сичқон бўлиб кетэй!..» «Ҳей, тузук бўлиб қола-япсан-ку сен ҳам...» деб ҳазиллашишарди сафдошлари.

Саъдихон Табибуллаев саҳна сирларини аста-секин ўрганиб, кичик ролларда катта ҳаёт ҳақиқатини топишга эриша бошлади. Бу унинг Табиб (В. Ян. «Хужум») образида ҳам, Есуман (Ш. Хуршид. «Фарҳод ва Ширин») да ҳам яққол кўзга ташланади. Унинг ҳаммаёғига тумор тақилган, соқол-мўйлови оппоқ, оқ саллалари фарибгар табиби ўз қилмишлари билан залдагилар нафратини уйғотар, томошабин: «Ҳа, ўл-а!.. Ҳеч балони билмас экансану!..» деб луқма ташлаб ўтирар эди.

С. Табибуллаевнинг сўзлаш манераси, нутқ оҳанги ҳам залдагиларни ҳаяжонга солади. Бу нарса Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи»-сидаги Ҳасан эллиқбоши қиёфасида айниқсан кўзга ташланади. С. Табибуллаев кичик бу ролда қахрамоннинг ички дунёсини тўла очишга эришади. Ақлий мушоҳадасини психологик таҳлил билан уйғунлаштиради. Унинг талқинида Ҳасан эллиқбоши ҳаётда нима учун яшаётганини ўзи ҳам билмайдиган эътиқодсиз, ҳовлиқма ва муте бир зот. Ўзи камбараллардан бўлишига қарамай бойларга қайишади. Ўз манфаатини кўзлаб яшайди, бу йўлда ҳеч қандай разилликдан қайтмайди. С. Табибуллаевнинг Ҳасани қилмишлари, хатти-ҳаракатлари билан секин-аста ўз ички дунёсини оча боради. Шу орқали образнинг табиийлиги таъминланади. Пьеса қахрамони тили билан айтганда, Ҳасаннинг бойларга «зулм пичогини қайраб берувчи» бир шахс экани яққол кўзга ташланади.

Комил Яшиннинг «Номус ва муҳаббат» спектаклида эса артист гул детали орқали образнинг мағзини очади: Яхшибой асар қахрамонлари Онахон (С. Эшонтўраева) ва Ғулможон (Ш. Бурхон)лар ўртасида рашк уйғотиб, колхозлаштиришга тўсқинлик қилишдай қора ниятини амалга оширмоқчи. Юзида тамаксум, қўлида гул. Ҳаммага яхши гапириб, Яхшибой ака, деб ном чиқаради. Ташқи кўриниши совет тузумининг ешаддий душмани эканини яширувчи бир никоқ, холос. Аслида иккиюзламаки, маккор, тулрак душман у. Бу образида ҳам Саъдихон Табибуллаев одамига қараб сўз оҳангини ўзгартириб, турли қиёфага қиради.

Саъдихон ака қандай образ яратмасини, ҳаммасининг ҳам томошабинга мансур бўлганлигини алоҳида айтиб ўтиш керак. У образларининг ижтимоий ва инсоний моҳиятини тўлароқ очиб беришда мимик ишоралар, нутқ оҳанглари тавлантириш, тур-



лантириш каби бор имкониятини ишга солади.

Масалан, «Алишер Навоий» спектаклидаги Мансур ролини олайлик. У дастлаб ўша давр, муҳитни тўғри акс эттириш учун ғазал ўқиш қонун-қоидаларини пухта ўрганишни ўз олдига ваазифа қилиб қўяди. Юриш-туриш, ҳаракатлар одобига риоя қилишни атрофлича ўрганади. Ҳатто ғазални кўчираётганида жимжилогини тик тутиб, пат қаламни сиёҳдонга санчиш каби кичик деталларга аҳамият беради. Шу тариқа у ўзининг киборлар оиласига мансуб эканини билдиради.

У яратган образларнинг ҳар бири тугал ишланганлиги билан диққатга моликдир. Актёр ўзига топширилган ролининг максadini тушуниб, образнинг қандай одамлигини юрак-юрагидан чуқур ҳис этмагунича уни шакллантиришга шошилмайди. Яратган қахрамони бадий қиёфасини тасвирлашда топилган деталларнинг ўринли, ифодали бўлишига интилади. Ифода воситасининг эса фоят ишонарли бўлишига ҳаракат қилади. Масалан, Э. Раблеснинг «Улимдан кучли» асарида кекса Кулол образини яратганида С. Табибуллаев қахрамоннинг қўлларига ургу берди. Меҳнатқаш, қадоқ қўлларни бўрттириб кўрсатишга интилди. Қўлнинг ҳар бир томири, пайи, мушагини кўзга яққол ташланадиган қилиб грим қилди. Бу билан у, кулолнинг ишонган тоғи, суянган боғи, бутун борлиги, бахти мана шу қўлларидадир, демоқчи бўлди. Томошабин меҳнатқаш, камтарин, қашшоқ бу одамни яхши кўриб қолади ва уни бир умр унутмайди.

Артист ўзига топширилган ҳар қандай ролда даставвал унинг ташқи қиёфасини кўз олдига келтиради. Ташқи ўхшашлик эса, санъаткорнинг илҳомини жўштириб, дарҳол нишонга теккан ўқдек унинг ички ҳолатини келтириб чиқаради.

Ўзбек саҳнасида доҳий образини яратиши маданиятимиз тарихида улкан воқеа бўлди. Бу жиҳатдан Саъдихон Табибуллаевнинг «Милтиқли киши» (Н. Подгунин асари) спектаклида яратган Ленин образи ҳам таҳсинга лойиқдир.

«Спектакль биринчи қўйилган куни мен залда ўтирган эдим, — деб эслайди СССР халқ артисти Зикир Мухаммадзонов. — Томошабинлар қачон Ленин чиқар экан, деб кутишарди. Мана, Смольний... узун коридорда Ленин кўринади. Узокдан бир қўли чўнтақда, чехраси фикр билан банд, кўринишдан олдий бир инсон илдам қадам ташлаб, биз томон юриб келмоқда... Томошабинлар ўринларидан туриб кетишди. Улар саҳнада ҳақиқий Ленинни кўринганди.

Погодиннинг «Милтиқли киши» пьесасидаги машхур Ленин ва Шадрин саҳнаси (Шадрин ролда Ўзбекистон ССР халқ артисти Амин Турдиев ўйнаган


В. ПЕТРОВ. КОМБАТ.






Л. АБДУЛЛАЕВ. УЧРАШУВ.

В. ПЕТРОВ. МУСАФФО ОСМОНИМИЗ ҚУРИҚЧИСИ.



И. ТУРСУННАЗАРОВ. ФРОНТГА ҚУЗАТИШ.



Е. ЧИСТОВ. СОВЕТ ИНФОРМБЮРОСИДАН.

И. ТУРСУННАЗАРОВ. СЎНГИ ХАТ.

Р. АХМЕДОВ. ҚИМНИНГ НАВЪАТИ?



Совет Иттифоқи Қаҳрамони,  
рассом Самиғ Абдуллаев.

В. Лешченко фотоси.



Бу дилбар қизлар Самарқанд районидаги  
Тайлоқ қишлоқ  
шифохонасининг ҳамширалари

А. Жумаев фотоси.



эди). Улар гап бошламочилар. Лекин оқшлар ҳамон давом этмоқда... Ниҳоят, актёрлар оддий суҳбатчи бошладилар. Ленин деҳқоннинг турмуш шароитини билмоқчи... Лекин ҳар қанча қийин бўлганда ҳам ҳозир милтиқни ташлаб бўлмаслигини ўқтирар экан, Шадрин ҳам Ватан химояси сувдек зарур эканини тушунади. Ленин — С. Табибуллаев сахнадан чиқиб кетса ҳам, ҳамон қарсақ давом этарди... Мен дарҳол устозни табриклар учун сахна оркасига югурдим.

Табибийки, Ленин образининг ташқи қиёфаси обдон ўхшаганлиги унинг ички ҳолатининг тўғри йўналишига сабаб бўлган. Қисқачи, ташқи кўриниш ва ички ҳолат уйғунлашгани учун образ залдагиларни хаяжонга солган.

Саъдихон Табибуллаев образга тааллуқли ҳар бир детал, ҳар битта штрихга сайқал беришдан эринмайди. У ҳар бир образни юракдан ҳис этиб ўйнайди. Шу сабабли у яратган кўпқаб образлар асло бир-бирини такрорламайди. Саъдихон ака кичик ҳодисадан катта умумлашма ахтара билгани учун унинг катта роллари ҳам, кичик роллари ҳам салмоқли бўлади. Фикримизнинг исботи учун Муҳаммад Дибнинг «Катта уй» романи асосида инсценировка қилинган «Жазоир — менинг Ватаним!» спектаклидаги латтафуруш чол — Бин Сорий образини олайлик. Увада кийинган, қорни нонга тўймаган бу чол ҳаётдаги аччиқ ҳақиқатни англаб этади. Атрофи тўла ҳасрату надомат. Ҳаёт машаққатидан «дод» деяётган одамларни кўриб юраги эзилди. Ниҳоят, сабр косаси тўлиб, ҳайқира бошлади. Ҳаммани курашга, озодликка чорлайди...

Мазкур спектакль 1957 йили эъланлаштирилган эди. Бир йил ўтиб, Тошкентда Осей ва Африка прогрессив ёшларининг конференцияси очилди. Ушунда конференция қатнашчиларига шу спектакль кўрсатилди. Залдагилар хаяжонига чегара йўқ эди: «Озодлик!», «Тинчлик!» Яшасин озодлик! деган шiorлар янгради. Саҳна билан зал ўртасида ҳамнафаслик ҳукм сурди. Саҳнада артистлар айтган қўшиққа залдагилар жўр бўлишди. Артистлар қўлни қўлга бериб, зал томон юрганларида томошабинлар саҳнага кўтарилиб, энг азиз одамлари билан топшигандай, артистларни багирларига олишди. Бирдамлик, дўстлик, тинчлик, озодлик сўзлари баралла янграб, театр биноси намойиш тусини олди. Шунда санъатнинг кучи яна бир бор намойн бўлди.

— Бадрий афанди роли орадан шунча вақт ўтган бўлса ҳам шундоқ кўз ўнгимда турибди, — дейди актриса Замира Ҳидоятова, — мен «Тарих тилга кирди» спектаклида қатнашмаганман. Аммо шу спектаклда Бадрий ролини ижро этаётган Саъдихонни телорша қилгани атайлабдан келар-

дим. Саъдихон чиқадиган охириги картинани кўргани битта мен эмас, кўпчилик артистлар келишарди. Монологини шунақам юракдан ўқир эдики, йиғлаб юбордикан...

Одатда артист халқи бир-бирини ҳадеганда мактайвермайди. Аммо С. Табибуллаевга келганида ҳамма баравар бир хил гапни, унинг ижобий томонини айтади.

Марҳум Махсум Юсуфов Саъдихон ҳақида бундай деган эди:

— Мен сахнадошларимдан уч одамни тўғма таланти, буюк истеъдод эгаси деб биламан. Уларнинг бири Аббор Ҳидоятов, иккинчиси Саъдихон Табибуллаев, учинчиси Шукрур Бурқоновдир.

Саъдихон Табибуллаев саҳна ишига фидойилиги туфайли кўп кирралаи артист бўлиб етишди. Мақсуд Шайхзоданинг «Улғубек юлдузи»даги бағри кенг, меҳри дарё, лекин ўз саховати, донолиги, одамийлиги билан бир умр томошабиннинг эсида сақланган деган Мурад ота, В. Шекспирнинг «Қирол Лир»идаги фожиавийликни сатира ва юмор билан боғлаб олиб борган Масхара, Иззат Султоннинг «Номаълум киши»сидаги халқнинг заковати тимсоли Нурбобо каби бир-бирига мутлақо ўхшамаган сон-саноксиз ролларнинг ҳар бири бир оламдир. С. Табибуллаевни характерли артист, комик ижодкор, трагик ёки лирик артист ҳам дейиш мумкин. У қандай ролни ижро этмасин, қайси жанрда образ яратмасин, қахрамонининг қиёфасини, ташқи кўринишини ҳам, ички кечинмасини ҳам пухтапишиқ ишлашга, психологик жиқатдан асослашга, хатти-ҳаракатларининг ижтимоий ва инсоний сабабларини яққол кўрсатишга интилади.

Саъдихон Табибуллаев — халқимизнинг сеvimли артисти. Тинимсиз меҳнати унга иззату икром келтирди. У Ўзбекистон ССР халқ артисти. Санъаткор «Алишер Навоий» спектаклидаги Мансур образи учун СССР Давлат мукофоти лауреати деган юксак унвонга мушарраф бўлган. В Шекспирнинг «Қирол Лир» асаридаги Масхара образини яратганида унга Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати деган шарафли унвон берилди. Кўп йиллик ижодий фаолияти учун у Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ва Ҳурмат Белгиси орденлари билан тақдирланган.

Ўзбекистон республикаси ташкил этилган йили санъат остонасига қадам қўйган, театрни ўзи учун муқаддас деб биладиган фидойи санъаткор, оксокол ижодкор ўз роллари билан томошабинларни ҳамон сеҳрлаб, қалбларини эзгу туйғуларга тўлдириб келмоқда. Бундай улғу санъаткорларимизнинг истеъдоди, элга қилган буюк хизматлари олдида таъзим қилмай иложинг йўқ!

Марва ЖАЛОЛИДИНОВА

Зоҳиджон ОБИДОВ

## ЛЕНИНГРАД МАТОНАТИ

(ДОСТОНДАН ПАРЧА)


Тасаввурлар сеҳрида ҳамон Жангчи ётур кўзларин юмиб. Хаёлларга эрк бериб чунон, Етмиш кечмиш чоғларга чўмиб...

Кунгирадор кўприклар шаҳри — Ленинград дилдан ўтган боз. Чағалайлар кенг Нева наҳри Узра шўх-шўх этмишди парвоз.

Туйилмишди шунда кўчадан — Пушкин асо ўйнаб ўтгандек. Лермонтов ҳам яқин гўшадан — Чиқиб майдон бўйлаб кетгандек.

Не-не буюк олим ва шоир Руҳи бунда қуршаб оларди. Не сиймолар бўлишиб зоҳир, Худди унга сеҳр соларди.

Жангчида шу туйғулар жўшиб, Ҳар лаҳзани суйиб қолганди. Ҳар лаҳзадан ҳайратга тушиб, Дил тубига тугиб олганди...



Ҳарбий ҳолат эди ҳукмрон, Шаҳар боқар жиддий, асабли, Қоқор уйған каби паҳлавон, Жароҳатли, нохуш газабли.

Ҳамидулла ЕҚУБОВ

## СОДИҚ ДҶСТЛАР

Икки ботир дўст эди, Мисоли қошу кўздек. Жанговар ҳамдаст эди, Бири рус, бири ўзбек. Жанг-жадалда Далажон Мальуни этар пара. Тиг ботди-ю... чалажон. Қон оқар кўп, тобора... Ярадор меҳпунктда, Врчлар гирд-капалак. Дерлар:

— Давоси битта: Қон қуйиш! Беринг дарак. — Мендан олинг қонни, — деб Бостириб Федя кирар. Аямайман жонни, — деб — Дўстим учун! — энтикар. Очар йўгон билагин,

Кўз илғамас икки паҳлавон, Қиличбозлик қилган сингарни Тўқнашарди поралаб осмон Тунда прожектор нурлари.

Сайёҳлармас, солдатлар шаҳдам Шаҳар бўйлаб ўтиб бормишди. Энди кизлар кўринмас там-там, Гўлмас, қурол тутиб бормишди.

Тиним билмас фашист тўплари Кекирдагин чўзгани чўзган. Бало-қазо кетмайин нари, Умр йўлин узгани узган.

Қулар уйлар, нақшин карнизлар Мурда қотмиш остоналарда. Маш-ум бир руҳ шаҳарда кезар, Уилар жон вайроналарда.

Жангчи бунда ўртаниб ётар Топдим дея бепайт жароҳат. Ҳар гумбирлаш юракка ботар Илож қанча, қиладди тоқат...

## ШУ ЭЛНИ ДЕБ

Топмаса ҳам гар шоир ором, Ноошино йўлларда хуши. Шу хил йўлга чоғларан мудом Унинг тиним билмас дил куши.

Равон йўлни ким ҳам хоҳламас Пасту баланд кимга ҳам ёқар. Теп-текис йўл дўлнин доғламас, Ҳатто сув ҳам жўн йўлга оқар.

Ноошино қийин йўл сайлаб, Жон койитар шоирлар ҳар дам. Чўққиларга борлигин шайлаб Яшанда шавк, мушкул бўлса оқар.

Шу йўлларда оҳорли манзил, Қўл тегмаган гул, кўкат бисёр. Соф ҳаводан яйраб кетар дил, Юксалмоқлик бўлса ҳам душвор.

Альпинистлар йўлидай мушкул Шоир излаб, кўзлаган қоя. Шоир қалба ундирди гул, Шоир бахти ундаги гоё.

Тутмаса ҳам жонимга ором Мен ҳам шу хил йўлни хушладим. Эл-юрт бахти бахш этди илҳом, Шу элни деб қалам ушладим.

Нина санчар ҳамшира. — Синглим, олгин керагин, Кўздан кетмас нам сира. Вехуш бемор соғайди, Унга хаёт бахшида. Билиб қўйинг, оғайни, Содик дўстлик яхши-да!

## ГИМНАСТЕРКАМ

Ўртоқжон, бир ўйлагин: Кийимин ҳар ким севар, Гимнастёрка, кўйлагим Пахтадан! Қаддим безар! Пишиқ, яшил либосда Берлинг байроқ илдим. Устимдан тушмас, рост-да, Пахтакор қадрин билдим.

# ВАТАН ҚИЗИ

Орадан қирқ йил ўтса-да, Новгород ерларида уруш қолдирган асоратнинг изи ҳали битмаган. Унда-бунда чанг босган темир-терсақлар, тиканли сим қолдиклари, пачоқ каскалар кўзга ташланиб қолади.

Сочларига оқ оралаган, серғайрат қаддида кексалик аломати эртароқ сезила бошлаган аёл куруқшаб ётган шох-шаббалар орасидан пулемёт ўқлари тешиб ўтган каскани кўлига олди. Аёлниң тизгиниси хаёлида дахшатли жанг манзаралари — снарядларнинг увуллаши, бомбарла сурони, ўқлар хуштаги, автомат-

ди. У ниҳоятда кўп ўқир, шеърлар машқ қилар, тасвирий санъат билан шугулланар эди. У мусаввир бўлмоқчи, она юртининг камоллини, жамоллини ёрқин бўёқларда акс эттирмоқчи эди. Москвага шу мақсадда — ўқишга кириш учун келган эди...

— Уртоқ бошлик, — дея мурожаат қилди рўпарада ўтирган капитан. — Келавериб тинкаси қуриб кетди, балки ўқишга жўна-тармиз-а? Жўдаям жанг қилгиси бор кўринад.

Улар қизни «чавандозлик» илмидан имтиҳон қила кетишди. Шарофат эса саволларга қатъий,



ларнинг тўхтовсиз тириллаши жонланди...

Қизил Байроқ орденли Новгород ўқчи дивизия ветеранларининг жанговар дўстлар билан учрашувидан собиқ мерган Шарофат Усмоновна Эшонхўжаева Тошкентга икки ёдгорлик — Парфинск боткоғидан топилган каскалардан бири ҳамда суратли альбом билан қайтди. Буларни унга Шон-шўхрат музейи ходимлари совға қилдилад.

Шарофат опа бу альбомни ҳаяжон билан varaқлайди. Навқирон сафдошлари, жанговар командирларининг қулиб турган чехралари кўзи олдиде намоён бўлади. Улар билан хаёлан суҳбатлашади...

— Яна келдингми? — ҳарбий комиссариат бошлиғи уйқусиз кўзларини лўшпигина, қорачадан келган чайир қизчага қадайд.

— Неча марта такрорлаш керак, пакана, сендайларни фронтга олмаймиз, яна ороққ ўсишинг керак.

Бошлиқнинг «пакана» дегани унга қаттиқ ботди.

— Кичина бўлсам нима қилбди? Ахир чавандозман, — дея кескин гап қайтарди Шарофат.

Ҳақиқатан ҳам у чавандоз, урушгача отлик аскарлар курсини тугатган эди. Биринчи Май ҳарбий парадиде ҳам иштирок этган!

Шарофат ёшлиғиде билим олишга чанқоқлик билан кириш-

аниқ, қисқа жавоблар берди. Аслида киз характеридағи қатъият Туркистонде Совет ҳокимиятини ўрнатишда фаол иштирок этган большевик отасидан юққан эди. Онаси ҳам жасур комсомоллардан бўлган.

Қирқ иккинчи йилнинг кузиде Шарофат мерганлар тайёрлаш олти ойлик курсига ўқишга юборилди. Ҳарбий тайёргарлик кўрганлиғини ҳисобга олиб, уни взвод командирининг ўринбосари этиб тайинлашди. Ўқиш давомида Шарофат бир қанча жанговар дугоналар, дўстлар орттирди. Ҳарбий билимининг сир-асоридан воқиф бўлди.

1943 йил ҳам бошланди. Ўқиш мудағти тугади. Поезд Фарбга томон — Волхов фронтига интилари. Вагонларнинг бирида киз болаларининг жарангдор кулгилари янграйди. Фронтга кетаётган 50 нафар қуредошлардан атғи учтаси тирик қолишини қизлар қаёқларига ҳам келтиришмасди...

Шарофат опа альбомни varaқлашда давом этади. Унинг нигоҳи жилмайиб, нималарнидир демокчи бўлаётган ёш офицернинг сурати устиде тўхтаб қолди... Қизлар дивизияга этиб келган қунданок қувноқ табиатли бу капитанга бараварига ихлос қўйиб қолишганди. Батальон командирини Борис Петрович Демьянюк қувноқ, хаазилкаш, шу билан бирга ўта талабчан, тажрибали офицер эди.

— Қизлар, ораларингдe чавандоз ҳам бор эмиш, деб эшитаман, — дея жилмайди Демьянюк ва айёрлик билан Шарофатга тикилди. — Қани, нималарга қодирлигини кўрсат-чи?

Иккита от келтиришди. Командир кўз очиб юмгунча эгарга ўтириб, отга қамчи урди. Унинг орқасидан Шарофат от кўйди. Шу пайт қалпоғини шамол учуриб, қуюқ сочларини ёйиб юборди.

— Яшавор, азамат қиз экансан! Этиб олдинг-а! — деди нафаси тикилиб Демьянюк. — Сени разведкага оламан.

Чапдастлиғи, қорачадан келганлиғи, чавандозлиғи учун ҳазил-мутойиба билан уни «Лўли киз» деб атай бошладилар.

Бир гал жангчи Эшонхўжаева билан дугонаси Женя Барановага фашистларнинг яширинча ўт очаётган нуқтасини тугатиш вазираси топширилди. Улар зах ерга қапишиб, олға интилдилар. Белгиланган маррага яқин қолган, аммо фашист бош кўтартирмайди. Шунда Шарофат Женяга эмаклаб, айланиб ўтишни буюрди, ўзи эса, бу орада фрици чалғитиб турмоқчи бўлди. Шу атрофда ётган эски саватчани милтиқнинг бўғзига олиб, боши узра айлантира бошлади. Тахмин тўғри чикди. Бир неча минутдан сўнг икки милтиқли аёлнинг тазйиқи билан фашистлар яшириниб олган инларидан чиқишга мажбур бўлди. Жанговар топширик «тил» олиб келиш билан тугади. Икки разведкачи жасур киз «Жасорати учун» медале билан тақдирландилар...

Женя Баранова ҳалок бўлди. Новгородни озод қилишда кўрсатган жасорати учун Совет Иттифоқи Қажрамони унвоғига сазовор бўлган Борис Петрович Демьянюк ҳам Ғалаба кунига чегиб келолмади.

Шарофат Эшонхўжаева кўпгина жанговар дўстларидан ажради. Ўзи ҳам бир неча марта яраланди, контузия бўлди, соғайиб қайта-қайта сафга турди. Руминия, Шарқий-Пруссиани озод этишда иштирок этди. Буюк Ғалабани Берлинде кутиб олди.

Улуғ Ватан уруши Ветеранлар Советининг азвоси, Қизил Юлдуз ордени кавалери, запасадағи старшина, собиқ разведкачи-мерган, айни пайтда Ўзбекистон ССР Сув қурилиши Давлат комитетининг катта инженери Шарофат Эшонхўжаева сафимизда ҳалол меҳнат қилмоқда. Кўп йиллардан буён у ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳиде тарбиялаш ишига катта хисса қўшиб келаетир. Уни ҳамиша ёш замондошлари даврасиде кўрамыз. Унинг ҳар бир сўзи аниқ ва ишончли жаранглайди.

Шарофат опанинғ яна бир таҳсинга лойиқ хислати — «Билим» жамиятининг азвоси сифатиде оладиган қалам ҳақини тинчлик фондига ўтказишидир.

Йиллар кетидан йиллар ўтаятти. Қирқ йил аввал инсониятнинг озодлиғи, осойишта осмонимиз остида бахтиёр ҳаёт кечирипи учун жон олиб-жон берган жангчиларимиз жасоратини, жумладан оддий ўзбек кизи Шарофат Эшонхўжаеванинғ номини ҳам қадимий рус тупроғиде меҳр билан тилга оладилар.

Алексей ЖДАНОВ



# 40

ОВЕТ кишиларининг маънавий камолоти Улуғ Ватан уруши даврида фашист босқинчиларига қарши олиб борилган курашини ғалаба билан тугаллашида муҳим омил бўлди. Урушнинг дастлабки кунларидан бошлаб ҳамма касб эгалари совет санъати вақиллари ҳам ўзларини душманга қарши курашга сафарбар деб билдилар. Улар санъат воситасиде ёхуд совет жангчилари билан ёнма-ён ва елкама-елка турдилар.

Озод ва бахтли турмуш Ватан озодлиғи билан чамбарчас боғлиқлиғини 1418 кун давом этган урушда ҳар бир совет киши янада чуқурроқ хис этди. «Мен, барча совет санъаткорлари билан бир қаторда туриб, — деган эди Улуғ Ватан уруши йилларида СССР халқ артисти Ҳалима Носи-

# САНЪАТ

рова, — ўзимнинг бутун кучи билемимни, севган санъатимнинг ўткир тизини, озодлик, бахт-саодат ва маданият дushmanи — фашист босқинчиларига қарши қаратаман».

Шунингдек, 1941 йил 30 сентябрда Тошкентда хотин-қизларнинг фашизмга қарши бўлиб ўтган митингиде СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати Сора Эшонтураева душманга нафратини ифода этиб шундай деган эди:

«Мамлакатимизда совет халқларининг миллий маданияти тобора жилоланмоқда ва яшнамоқда. Партия ва Совет ҳукумати таллантларни меҳрибонлик билан ўстироқда ва воғна етказмоқда. Совет халқи театрини, адабиётини, сураткашлиқни, музикани ниҳоят даражада севди, фашистлар эса бизни халқимизга ўйнаб ва қуйлаб бериш ҳуқуқимиздан маҳрум қилмоқчи. Шунинг учун бутун кучимизни фашизмга қарши курашга қаратайлик!».

Дарҳақиқат, санъаткорларнинг уруш йилларида ижро этган қуй ва қўшиқлари, сатирик қишқилари халқимизни Ватан озодлиғи учун илҳомлантирди, ғалаба сари отлантирди, жангчиларни душманга буюк нафрат, улуғ совет Ватанига ўтли муҳаббат руҳиде тарбиялади. Санъаткорлар жангчиларни Ватани душмандан озод этишга ундаш билан бирга, ҳатто шахсий жамғармаларини ҳам мамлакат мудофаасини

чустақамлашга бағишладилар. Чунончи, «Санъат ходимлари» номли танк колоннаси учун 4 миллион сўм пул тўланди. Ленинград ва Сталинградга ёрдам фондига актив қатнашган Муқимий номли музикали драма ва комедия театри артистлари 500 минг сўм пул жамғардилар. СССР халқ артисти Тамарахоним ансамбли эса ҳудуди шу фонд учун 93 минг сўм маблағ йиғиб берди. СССР халқ артисти Сора Эшонтўраева олтин узугини ва бир ойлик отпусқа пулини, шунингдек, уруш тугагунча ойда бир кунлик меҳнат ҳақини фронтга ёрдам учун ажратди. СССР халқ артисти Аброр Ҳидоятлов ҳам бир сўмлик маошини ва ҳар ойда бир кунлик иш ҳақини, олтин узугини, «Аваз» пьесасидан оладиган 3 минг сўм гонорарини, 6 минг сўмлик заъмини мудофаа фондига тақдим этди. Ҳамза номидаги театрнинг артистлари Шоҳидохон Маъзумова, Талъат Зиёбонова, Лутфулла Назруллаев, Холида Хўжаева ва бошқалар ҳам бир ойлик меҳнат ва отпусқа ҳақларини, Матъума Қориева олтин буюмларини, Назира Алиева уч минг сўмлик, Марьям Ёқубова икки минг сўмлик, Обид Жалилов бир минг 400 сўмлик, Соат Толипов 650 сўмлик заъмларини мудофаа фондига топширдилар. Санъаткорлар уруш кетаётган жой-

лар Совети хузуридаги санъат ишлари бошқармаси фронтга ёрдам бериш мақсадида махсус республика ҳарбий-оталиқ комиссиясини таъсис этди. Комиссия ҳарбий қисмлар, фронтга чақирилувчилар ва госпиталларга оталиқ ёрдами кўрсатиш масалалари билан шуғулланди. Партия ва ҳукумат арбоблари, ҳарбий-оталиқ комиссияси фронтга кетаётган концерт бригадаларининг программалари билан танишиб, маслаҳатлар берардилар. 1944 йилнинг апрель ойида Янгийул музикали драма ва комедия театри ижодкорларидан ташкил топган фронт концерт бригадасининг программаси намойиш қилинди. Ёш раққоса (кейинчалик Ўзбекистон ССР халқ артисти) Қумрихон Қодирова «Чегарачи рақси»ни ажойиб бир кўтарилиқ билан ўйнаб, сахнага фэйз киритгани, программа билан танишган Усмон Юсупов завқланиб, ёш раққосанинг қўлини олади ва паст, бўғиқ овоз билан:

— Санъатингга офарин, қизим, руҳимизни анча кўтардинг. Сенинг ҳар бир рақсинг душман юрагини ўқ бўлиб куйдирсин. Сизлар Биринчи май байрамини Ватан баҳодирлари хузурида кутиб олсангиз. Фронтда ўз санъатингиз билан жасур солдатларимиздай душман билан олишинг.

тонлик санъатлар бригадаси қаршилайдилар. Учрашув наларидаги ҳаяжон ва қувонч таърифидан сўз ожиз... Йигитларимиз хайрлашиб, ўз позицияларига кетаркан, фавқулодда ҳаяжон ва қувонч билан «қўшиқларингизнинг ҳар сўзи учун ўн та гитлерчининг ўлдирамиз», дейишди». Шунингдек, Шимоли-гарбий фронт жангчилари ва доворак партизан отрядлари хузурида 80 дан ортиқ концерт кўрсатиб, ундан маънавий озуқа олган жангчиларни қаҳрамонлик сари ундаган концерт бригадасининг раҳбари, Ўзбекистон ССР халқ артисти Гавҳархон Раҳимова ўз таасуротларини шундай баён қилади: «Майор Ромин қисмидаги артиллериячилар бизнинг концертларимизни мароқ билан томоша қилдилар. Улар жуда руҳланиб кетгач, концерт тугаши биланоқ ўзбек халқининг шарафига бағишлаб, душманга қарши ўт очдилар. Натижада душманинг 4 блиндажи яқсон қилинди, 20 дан ортиқ фашист сафдан чиқарилиди. 2-авиация қўшиқлариси эса ўзбек халқи жанговар жанговар ҳисоб дафтари очди».

Концерт бригадалари аъзолари жангчиларга ўзбек халқи номидан совғалар топиришар, ўз навбатида, улар ўзларининг жанговар ҳаётларидан эпизодлар айтиб беришар эди. Шимоли-

бўш вақтларда сухбатлар ташкил қилишар эди. Санъат иҳлосмандлари ҳамюртларининг ёнларига келиб, концерт ва сухбатлар учун миннатдорчилик билдиришарди, таниш-билишларини суриштиришарди. Бу ҳақда Закавказье фронт концерт бригадаси составида бўлган СССР халқ артисти Мукаррама Турғунбоева ўз эсдаликларида шундай деган эди: «Сизларни кўриб, азиз ота-оналаримиз, яқинларимизнинг дийдоғига тўйгандек бўлдик, ғўзал Ўзбекистонимизнинг роҳатбахис иси димоғимизга урилгандек ўзимизни жонажон ўлкамиз чаманзорларида юргандек ҳис қилдик. Ўзбекистонимизга қайтиб борганларингизда ҳаммангизнинг шпончингизни оқлаб, фашист газандалари таъзирини берайпти, Ғалаба тонги яқин, деб айтишлар, деб сўрашарди биздан».

Ўзбекистон санъаткорлари Улуғ Ватан уруши йилларида, фронтдаги жангчиларимизнинг жанговарлик руҳини ошириш мақсадида маданий хизматнинг янги шакли тарзида кино-концертлар ҳам ташкил қилинади. 1941 йилнинг ўзидаёқ, кинорежиссёр Йўлдош Аъзамов томонидан «Фронт учун концерт», 1943 йилда республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Комил Ерматов раҳбарлигида «Ватанга совға», 1944 йили Зоҳид Собитов томонидан «Беш республика концерти» сингари тўла метражли фильм-концертлар яратилади. Кино-концертга ўзбек ва бошқа Урта Осиё республика халқларининг ашулалари, миллий куйлар, халқ ўйинлари, драматик асарлари киритилган бўлиб, бу фильмларда Ҳалима Носирова, Аброр Ҳидоятлов, Мукаррама Турғунбоева, Шукур Бурхонов, Тамарахоним, Муҳиддин Қори-Ёқубов, Лутфихоним Саримсоқова, Шоҳиста Муллажоннова, Маъмуржон Узоқов, Жўраҳон Султонов каби хушовоз хонанда ва моҳир созандалар суратга олинган эди.

Ўзбекистон санъати вакиллари фронтда ва фронт орқасидаги ҳар бир чиқишларида совет кишиларининг баҳодирлиги, мамлакат ичкарисидаги фидокорона меҳнати ўз ифодасини топди. Натижада жангчилар қалбига Ватанга муҳаббат, душманга нафрат, дўстга мурувват туйғуларини жўшурди. Концерт бригадаси аъзоларида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети номида ҳарбий фронт қўмондонлари ва жангчилардан қатор телеграммалар юборилди.

Ҳа, совет халқи фашист босқинчиларига қарши шиддатли жанглар алаңасида ўз социалистик Ватанининг шон-шарафни, озодлигини ва мустақиллигини мардона химоя қилиб, жаҳон халқларини фашизм асоратидан асраб қолди. Ана шу буюқ Ғалабани қўлга киритишда ўзбек санъаткорларининг ҳиссаси ҳам алоҳида аҳамиятга моликдир.

## ҚУДРАТЛИ ҚУРОЛ

ддан кўчириб келтирилган болаларга ҳам ғамғўрлик кўрсатдилар. Улар ўз иш ҳақларидан чегирган 1 миллион сўм пулни болалар тарбиясига бахш этдилар.

Ленинград қамалидаги аҳолига ёрдам бериш мақсадида санъат ходимлари томонидан уюштирилган қатор спектакллар, концертлар, халқ сайлларига ёзувчилар Алексей Толстой, Николай Погодин, Корней Чуковский, Ғафур Ғулум, Ҳамид Олимжонлар билан бир қаторда артистлардан Муҳиддин Қори-Ёқубов, Мукаррама Турғунбоева, Лутфихоним Саримсоқова, Маннон Уйгур, Етим Бобожонов, Шукур Бурхонов, Тўхтасин Жалилов ва бошқалар қатнашдилар. Бундай ташаббус Улуғ Ватан уруши йиллари республикамызнинг барча теъдир ва концерт ташкилотлари артистлари учун хос эди. Санъаткорларимиз томонидан 1941 йилнинг июль ойидан 1944 йилгача 203 янги пьеса, 18,5 минг концерт ва спектакль намойиш қилинди. Республика халқ ижоди уйи ташаббуси билан 1941 йилнинг ўзидаёқ 408 концерт, 75 спектакль намойиш этилди.

Санъат арбобларининг ҳаракатдаги Армия қисмларига, госпиталларга маданий хизмат кўрсатиш учун ташкил қилинган ҳарбий-оталиқ бригадалари фаолияти алоҳида аҳамият касб этди. Ўзбекистон ССР Халқ Комиссар-

Аминмизки, халқимизнинг ишончи оқлаб ғалаба билан қайтасизлар, — деб барча санъаткорларга мурожаат қилди.

Улуғ Ватан уруши давомида республикамыздан фронтга 2,5 минг бригада юборилди, унинг таркибига 32 минг ашулчи, музикачи, драма артистлари жалб этилган эди. Бу бригадаларнинг бевосита жанг майдонларида ижро этган қўшиқ ва рақслари Қизил Армиянинг маънавий қуроли бўлди.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбек Давлат филармониясининг ҳарбий-оталиқ бригадаси Биринчи Белоруссия fronti қисмлари билан биргаликда Гомелдан Варшавагача бориб, 8 ой давомида 382 та концерт берган. Шунингдек, миллий ўзбек санъаткорлари бригадаси жангчиларимиз хузурида 140 марта чиқишлар қилган. Бу бригада таркибига ёзувчи Ойбек, шоира Светлана Сомова, ўзбек опера ва балет театрининг солистлари Сора Самандарова, Т. Махмудова, эстрада артисти Б. Шлихтина ва бошқалар бор эдилар.

Бригада аъзолари урушнинг энг қийин участкаларида жанг олди ва жангдан кейин, кечаси ва кундузи маданий хизмат кўрсатдилар. Бу учрашувлар икки томон учун ҳам қувонч бағишларди. Бу тўғрида ёзувчи Ойбек шундай деб ёзган эди: «...Жангчилар ва командирлар ўзбекис-

гарбий фронтда бўлиб ўтган шундай маросимлардан бирида совға олувчи тўпчи Колниченко бригада вакилларига куйидаги воқеани ҳикоя қилиб берганди:

— Мен украинман, ўзбеклардан Жўраев деган дўстим бор. Визиккимиз бир бўлимданмиз, душманини биргаликда кузатамиз, фашистлар устига бир замбаракдан ўқ ёғдирамиз. Мен ўзбек ва украин жангчилари номидан қасамёд қилиб айтаманки, фашист аблаҳлар Ўзбекистон «оқ олтин» далалига асло тумшук суқа олмайдилар!». Шунингдек, 4-қисм командири ўзбек жангчиси Маматқуловга аталган совға-саломни қабул қила туриб шундай деди:

— Уртоқ Маматқулов ярадор бўлгани учун бу тантанада қатнаша олмайди, унинг тўғрисида шунини айтиш қийон: Маматқулов ўз замбарagini очик позицияга олиб чиқиб, тўғри мўлжал билан отиш натижасида, 3 соат давомида душманининг 2 замбарagini, 2 пулемёти, 5 истеҳкомини яқсон қилиб ташлади. Уртоқ Маматқулов тезда тузалиб, қисминизга қайтди. Виз жангчилар ўртасида Маматқуловнинг душман техникаси ва уни яқсон қилиш усулини кенг ёямиз. Маматқулов номидан ўзбек халқига оташин қизил аскарлик саломи!

Концерт бригадалари жангчилар орасида сиёсий-тарбиявий ишларни олиб боришар, жангдан

Аҳмаджон РЎЗМЕТОВ,  
педагогика фанлари кандидати,  
доцент

Гулнора РЎЗМЕТОВА,  
Тошкент Давлат Маданият  
институтини ўқитувчиси

# АВЛОДЛАРГА ИБРАТ



Барча совет санъати аҳли каби, ўзбек киносанъаткорлари ҳам Улуғ Ватан урушининг биринчи кунлариданоқ совет халқининг фашизмга қарши адолатли курашини тасвирловчи, жонажон халқимизнинг Ватанга муҳаббатини ва душманга нафратини алағалатувчи, унинг мислсиз жасоратини ифодаловчи экран асарларини яратишга киришдилар. Жуда қисқа фурсатда М. Исмоилий ва Е. Смирнов сценарийни асосида кинорежиссёр К. Ерматов «Биз энгамиз» киновеллсини суратга тушirdи. Фильм ижодкорлари тинчлик даврини ва уруш бошланган кунларни тасвирлашда киносанъати имкониятларидан ўринали фойдаланишган:

Кўбш тоғ ортидан кўтарилиб, оламга зиё сочади, боллардаги узум баргларидаги шудрингларда офтоб нури қилланади. Одамлар заводларда, колхоз далаларида кўтарилган руҳ билан меҳнат қилишапти. Болларнинг шодон кулгиси жанралайди. Осмон бугубор ва тиник...

Бу кадрлар тинчлик инсонлар учун нақадар азиз ва зарур эканлигини бадий ўқтиради. ...Шу пайт бирданига кинокамера қутилмаган, ҳозиргина кўрсатилган манзарага мутлоқ қарама-қарши суратларни ола бошлайди: уруш ҳақидаги хабар тарқалади; энди осмон юзиде қора булутлар, оналарнинг кўзиде ёш, чолларнинг қўли мушт бўлиб тугилган. Уруш даҳшати шу кадрлар орқали томошабин онгига етиб боради. «Биз энгамиз» фильми тезлик билан Бутуниттифоқ экранларида ҳам намойиш этилди ва халқимизни адолатли урушга сафарбар этишда ўзига хос хизмат қилди.

Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек киносанъаткорлари халқни қаҳрамонликка илҳомлантирувчи қатор фильмларни яратдилар. Уруш мавзусида киноасарлар яратишда катта тажриба тўпладилар. Уларга бу ишда Москва, Ленинград ва Киевдан келган таниқли совет кино усталари кўмак бердилар. Ўзбек киночилари улар билан ҳамкорликда «Икки жангчи», «Александр Пархоменко», «Насриддин Бухорода», «Денгиз лочини» каби бадий фильмларни лентага кўчирдилар. Мазкур киноасарларда бутун халқнинг галабага бўлган иттиҳини, буюк ватанпарварлигини, мурод-мақсадларини, фронт ва мамлакат ичкарасининг яқдиллигини ифодалашга интилиш яққол кўзага ташланиб туради. Чукур реалистик руҳда яратилган бу асарлар киносанъатимиз тарихидан муносиб ўрнини эгаллади.

Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларда ҳарбий-патанпарварлик мавзусидаги фильмлар фонди ўзбек киносанъатининг кека ва ёш авлодларининг янги асарлари билан бойиб борди. «Генерал Раҳимов», «26-отилмасин», «Фарҳоднинг жасорати», «Ой бо-

риб омон қайт», «41-йил олмалари», «Ленинградликлар — жигарбандларим», «Сен етим эмассан» каби фильмлар шулар жумласидандир. Бу фильмларнинг кўпчилигида ижодкор фантазиясининг махсули бўлган шахс фаолиятигина эмас, балки тарихий шахсларнинг Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган қаҳрамонликлари ҳам ўз ифодасини топган. Зеро, санъатнинг кучи таассурот қолдирадиган ҳаётини ва ҳаққонийлик билан, муайян шахс фаолиятига тарихий воқеаларни сингдириб етказиб бера олишда ҳам кўринади.

Ўзбек халқининг шонли фарзанди генерал Собир Раҳимовнинг уруш йилларидаги фаолиятига бағишланган фильм воқеалари ҳам ҳаётийликка, ҳужжатчиликка асосланган. Бу ҳужжатчилик, ҳаётга кўпроқ яқинлашиш фильм сюжети, актёрлар ижроси, тасвирий кўринишлар асосини ташкил этади. Бинобарин фильмда совет кишиларига хос бўлган инсонпарварлик, ватанпарварлик, қаҳрамонлик, мардлик фазилатларини очиб беришга ҳаракат қилинган.

Генерал Собир Раҳимовнинг бадий сиймоси биринчи марта драматург Комил Яшин пьесасида гавдалантирилган, унинг сахна талқини ҳам жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланган эди. Кейинчалик драматург К. Яшин ёзувчи И. Луковский ва кинорежиссёр З. Собитов билан ҳамкорликда «Генерал Раҳимов» фильмининг сценарийсини яратди. Фильм урушининг воқеалари Польша ва Германия ерларида туғани арафасида кекади. Фильмнинг постановкачи-режиссёри Зоҳид Собитов ўзбек генералининг жасоратини бадий ифодалаш билан бирга, унинг ички оламини, инсоний фазилатларини, мураккаб характерини атрофидеги кишилар билан бўлган мулоқатларида, тинч ҳаёт ҳақидаги ўйлари воситасида бадий гавдалантириб боради. Собир Раҳимов — юсак ахлоқий харак-

терга эга бўлган совет офицери. У солдатларга меҳрибон, уларнинг мураббийси, гамхўри ва дўсти, шу билан бирга қатъий интизомни талаб қилувчи командир. Унинг образида метин ирода, сабр-матонат, Ватан ишига фидойиллик, дўстга садоқат мужассан. Уруш йилларида совет кишиларига хос бўлган бу характер кўринишлари халқимизнинг герман фашизми ва япон милитаризми устидан ғалаба қозониш учун имконият яратган асосий омиллардан бири бўлди.

Фильм марказида адолат ва ер юзиде тинчлик бўлиши учун кураш олиб бораётган совет халқининг муносиб фарзанди генерал Собир Раҳимов образи туради. Фашизмнинг типик вакили группенфюрер Фрике образи эса бу ижобий образга қарама-қарши қўйиб тасвирланган. Модомики, шундай экан, фильм конфликтини ҳам мана шу икки образ ўртасида вуқудга келади.

Муаллифлар мазкур киноасарда фронт ва мамлакат ичкарасининг бирлигини беришга интиланганлар. Буни биз солдатларнинг она-юрт ҳақидаги ўйларида, ўзбек халқининг фронтда жанг қилаётган фарзандларига ёзган мактуби орқали кўраимиз.

Дарҳақиқат, Улуғ Ватан уруши даврида мамлакатимиз ичкараси ҳам совет кишиларининг метин иродасини синовчи меҳнат фронтга айланган эди. Киносанъаткорлар бу воқеаларни ҳам эътибордан қолдиришмай, она халқимизнинг маънавий юксаклигини, меҳнат фронтдаги фидойилигини тасвирловчи қатор асарлар яратишди. Шу асарлар сирасига кирувчи «Сен етим эмассан» бадий фильми Улуғ Ватан уруши йилларида мамлакатимизнинг ичкарасидаги халқ қаҳрамонлигини, совет кишиларининг жасоратини, инсоний фазилатларини очиб беришга хизмат қилди. Инсоният бошига беҳисоб фалокатлар келтирган уруш мингмиглаб гўдакларни ота-онасидан жудо қилди, уларнинг бахтли

болалик даврини юлиб олди. Фашизм мана шундай даҳшатли хунрезликлар қилаётган бир пайтда бизнинг халқимиз етим қолган гўдакларни, ота-онасидан вақтинча жудо бўлган болаларни асраб-авайлаб тарбиялади. Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон 800 мингдан ортик, эвакуация қилинган болаларни ўз бағрига олди. Ўзбек халқи бу болаларни меҳр-муҳаббат билан қарши олиб, оқ ювиб, оқ таради. Бу социалистик тузумнинг буюк кучи, кўп миллатли совет халқининг метиндек мустаҳкам дўстлигининг яна бир ёрқин ифодаси эди. «Сен етим эмассан» фильми мана шу дўстлигини, ўзбек халқининг болажонлигини, меҳру муҳаббатини тараннум этади. Фильм ёзувчи Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романи асосида яратилиб, Улуғ Ватан уруши йилларида Ташкентга эвакуация қилинган мишгаб болалардан ўн беш нафар турли миллат болаларини ўз тарбиясига олган темирчи Шоаҳмад Шоаҳмудов оиласи ҳақида ҳикоя қилади. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, СССР халқ артисти, фильмининг постановкачи — режиссёри Шухрат Аббосов ёзувчи Раҳмат Файзий билан инсонийликнинг юсак кўринишини тасвирловчи, ҳаётий воқеалар асосига қурилган экран асари ярата олдилар. «Сен етим эмассан» фильми Иттифоқимиз ва чет эл экранларида намойиш этилиб, кишиларда урушга нисбатан нафрат уйғота билди. Айниқса фильмдаги Фотима хола (СССР халқ артисти Л. Саримсоқова) образи мисолида жаҳон ўзбек онасининг ажойиб инсоний фазилатлари билан танишди. Фильмда, Фотима хола — оддий ишчи аёли, атрофида рўй бераётган воқеаларни, уруш даҳшатини тўла англаб этади. Фильм ижодкорлари Фотима хола характеридеги олижаноб фазилатларни, мураккаб ҳолатларни жонли эпизодларда очиб беришга интиланган.

«Сен етим эмассан» фильмининг бош қаҳрамонларидан бири Маҳкам ақанин юсак ватанпарварлиги, меҳнатсеварлик фазилатлари ҳам содда, самимий сўз ва ҳаракатларда ифода этилади. Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек халқи қардошлик бурчини шараф билан адо этганлигини бадий намойиш қилувчи «Сен етим эмассан» фильми жаҳондаги барча болалар ва барча ота-оналар қалбини бирлаштирадиган буюк инсоний ҳис-ҳаяжон, урушга қарши нафрат, ҳаётга бўлган муҳаббатнинг энг соф, энг нозик туйғуларини ифода этувчи асарлардан бири бўлиб қолди.

Ўзбек киносанъаткорлари Улуғ Ватан уруши мавзусида яратган бу фильмлар ёш авлодни совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялаш ишига муносиб хизмат қилишда давом этмоқда.

Абдураззоқ КАРИМОВ



«Генерал Раҳимов» фильмидан кадр. Бош ролда (чапда) СССР халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов.

# Эрнст Тельман ҳаётидан хотира



Бердиали ИМОМОВ,  
филология фанлари доктори

1942 йилнинг ўнинчи июни. Куёшнинг олов қиличи найзага етган пайт. Шундай жазирамада бизларни Тошкентдаги Эрнст Тельман номидаги истироҳат боғига олиб келишди. Тошкент ва атрофдаги районлардан армия сафига чақирилганларнинг ҳаммаси шу ерда тўпланишди. Кечки салқин эшкени сезилгунича боғда ҳордиқ чиқардик. Сўнгра у ер орқали юк-товар станциясига ўтиб, вагонларга жойлашдик. Қўёш гарб уфқида ёнбошлаган пайтда бир эшелон бўлиб, она-Ватан ҳимоясига кетдик. Урушга жўнаш олдида Тошкент тупроғида туриб дилмиздан ўтган охириги эзгу сўзлар: «Хайр, азизлар! Хайр, нондек эзгу тупроқ!»

...Дон, биринчи Белоруссия fronti қўшинлари сафида кечган қонли жанглар, неча бор яраланиб, госпиталларда ўтган кунлар, Берлин кўчаларида голибона кезиб, буюк Ғалаба нашасидан сархуш бўлган дамлар — ҳаммаси ортда қолди.

Ғалабадан кейин қисмларимиз сафидан турли мутахассислар, жумладан, ўқитувчиларни тинч ижодий меҳнат кучоғига демобилизация қилиш навбати келди. Армия хизматига боришдан аввал Тошкентдаги 200-мактабнинг ўнинчи синфида ўқиш билан бир вақтда бош пионер вожаати бўлиб ишлардим. Она-Ватан мудофасига чақирилган ўқитувчилар ўрнида бошланғич синфларда дарс беришга ҳам тўғри келганди. Хуллас, ҳарбий ҳужжатларимда тинч даврдаги касбим «ўқитувчи» деб кўрсатилганлиги сабабли мен ҳам ўша умумий демобилизацияга дахлдорлар қаторида ҳарбий хизматдан қайтадиган бўлдим. Бизни октябрнинг бошларида она-юртга жўнаш пунктига юборишди. Бирор ҳафта пайда юргач, Беймар шаҳри томон кетаётганлигимиз маълум бўлди.

Беймар шаҳрига октябр ойининг бошларида, куёшли кунда етиб келдик. Шаҳардаги серкават ва бун-бутун биноларга кўз ташлаб ўтаётган жангчиларимиз сафидан говур-гувур эшитиларди: шаҳар немис халқи тарихининг шонли саҳифаларини ташкил этади, бу ерда машхур кишилар яшаган, ижод этган. Иоганн Бах, Фридрих Шиллер, Иоганн Вольфганг Ғёте сингари санъат даҳоларининг оёқ излари бор бу тупроқларда...

Шаҳардан ўтиб, чапга, шарқи-шимол томон кескин бурилишимиз билан йўл бандликка тиклана борди. Бу — Эттерсберг тоғларининг бошланиши. Борадиган манзилимиз — Бухенвальд лагери шу тоғда, Веймардан етти-саккиз чақирим юқорида жойлашган. Палакса-палакса оқ тошлардан йўниб ётқизилган катта йўл ёқаларидан, яқин-йироқларда барглари сарғая бошлаган қуюқ қора қайинлар, баъзан оппоқ танали оқ қайинлар, сийрак учровчи қарағайлар ўзига жалб этади. Қуз шабадасида барглари «чапак чалаётган» қайинлар бир қарашда биздаги адл теракларга ўхшаб кетар ва онаюртни кўмсаатар эди. Манзилга яқинлашган сайин дарахтлар сийракланиб, атрофни ялангликлар ташкил қиларди.

— Йе, анави аркми? — ҳовлиқиб туртди ўнг ёнимда келаётган тошқентлик жангчи Нуриддин Аловиддинов. Олдинга тикилсам,

ҳақиқатан кенг кўча қизғиш ва қора тошлардан тикланган қалъа-аркка бориб тақаларди. Яқин бориб кўрдикки, аркка тошдан ясалган бойқушнинг расми ўрнатилган. Вайрона ва харобалар рамзи — бойқушлар масканига кириб келаётганимиз қалбимизда қандайдир оғир ҳамда ноҳуш кайфият уйғотди. Сафимиздан кимдир бехосдан: «Бойқуш — Бухенвальд тамғаси!» деди ҳаяжонли ва нафратомуз оҳангда. Темир дарвозадан ичкарига ўтибоқ ўзимизни чангак симлар билан ўралган қондагернинг совуқ бағрида кўрдик. Дарвозадан кирaverишда, тўғрида кенг ва узун майдон, ўнг томонда тошдан тикланган гунгурт тусли крематорий — инсон жасади куйдириладиган оташхона. Унга кўзингиз тушиши билан беихтиёр сесканиб кетасиз. Ичкарида баланд-баланд қилиб солинган, узун-узун бинолар сафи тизилиб турибди. Бинолар лагерь майдонини ёқалаб, ярим ёй чизиги бўйлаб жойлаштирилганидан, узокдагиларнинг ҳам талай қисми яққол кўриниб туради. Биз шу биноларнинг бирига жойлашдик. Тутқунлар сақланган вақтларда ҳар қайсиси барак деб аталган бу бинонинг ичи зузунасига кетган ва энлик тахталардан ясалган тўрт қаватли аялти катлардан иборат эди. Айтишларича, тутқунлар шу тахталарда, бир неча киши битта юпқагина одеял остида яланғоч ётишга мажбур қилинган.

Меҳнат лагери деб аталса-да, аслида бу ер асирларни, сиёсий маҳбусларни ва бошқа тутқунларни оғир меҳнатда, хилма-хил жазо усуллари воситасида аста-секин сиқиб, қонини ичши ва халок этишга мўлжалланганди. У ерга «насибаси тушганлар» иссиқин-иссиқ, совуқини-совуқ демай ҳар суткада ўн беш соатлаб ва ундан ортиқ эзасизларнинг резина дарралари остида оч-яланғоч ишлаган. Тутқунлар, ҳар лаҳза ғажинга шай, қопонғич, эшакдек овчаркаларнинг дахлшатли ириллашлари қаршисида жон ҳовучлаб ишлаган: тош-харсанглари ва дов-дарахтларни илдиши билан минг азобда кўпориб, йўллар, темир йўл станциялари ва бошқа эҳтиёжлар учун майдон ҳозирлашган, гранит тошларни казиб олиб, уларни ортмоқлаб, керакли жойларга ташмаллашган.

Тутқунлар ошени теграси бўйлаб ҳар юз метр ораликда соқчилар турадиган уч қаватли вишка-миноралар қад кўтариб турарди. Уларнинг сони йигирмадан ортиқ эди. Лагерь дарвозаси яқинидаги бош вишка-минора совуқ ўшайиб турарди. Унинг ёнгинасида лагери назорат қилиб турувчи эзасчилар ҳарбий маъмурияти ўрнашган био. Мिनоранинг зинапоаларидан кўтарилиб, иккинчи ва учинчи қаватларга чиққиларди. Бизнинг энг тепасида панжаралар билан ихоталандан текис майдонча. Бу ерга пулемётлар, тез отар, кичик қалибдир, ихчам тўпалар қўйилган бўлиб, улар ёнида автоматли эзасчи газавдалар куну тун соқчилиқ қилинган. Улар қилт этган ноҳўя шарпа сезишса, эрмак учун лагерьга қарата ўқ узишган. Мिनоранинг энг тепа қисмида соатли тўрт бурчак мезанача. Тулука том устидан лагерини ёритиб турувчи кучли прожекторлар ва иккита радио карнай жой олган. Зиналардан иккинчи ва учинчи қа-

ватларга кўтарилиб, теварак-атрофга кўз ташланса, тўрт-беш километр нари-берисидagi дов-дарахтлар кесилди, бий дала ҳолатига келтирилганлигини кўрасиз. Бундай яланг жойлар тутқунларнинг қочини эҳтимоли кўзлаб қилинган шум чоралар натижаси эканини англаш қийин эмас.

Шу минора асосидаги суначаларга — конуссимон цилиндр шаклидаги идишлар пирамида-эхром усулида устма-уст териб қўйилган. Улар крематорийда куйдирилганларнинг хоки солинган идишлар эди.

Кейинчалик билдикки, биз кўрган цилиндрлар крематорийда куйдирилганларнинг ўн мингидан бирини ҳам ташкил этмас экан. Зеро, крематорийнинг гиштдан ясалган кўш чеккасида ҳар куни ўналаб инсон жасадлари муттасил куйдирилган. Печкага саржин полёндек қаланган мурдаларнинг бир қисми арзир-арзимас «айб» учун тиҳрилик қилиб отиб ташланган бўлса, кўш қисми медицина кўригидан ўтказиш баҳонасида махсус жойга чиқарилиб, атайлаб планли равишда орқа миёсига ўқ узилиб ўлдирилган. Яна бир қур тутқунлар мол-жониворлар тахлит, янги-янги вакциналарни синая кўриш, турли медицина тажрибалари ўтказиш оқибатида умри хазон қилинган.

Ваҳшийликни қаранг: крематорийда жасади ёндириш жараёнида сиркиб тушувчи инсон жери йиғиб олиниб, совун тайёрловчи заводларга оширилган. Чалароқ ёнган одам сувоклари махсус упаковчаларга жойланиб, тегиримонларда тортилган ва ўғит ўрнида фойдаланилган. Қурбон бўлганларнинг куйган жасадида чиққан озгина соф қулгина урна-қутичаларга ҳисоб-китоб учун олинган. Буни ҳам холва: фашистлар тутқунларни ўлдириб, уларнинг териларини шилишган, бу терилардан кармонча, қўлқоп, ҳар хил сумкалар ва бошқа буюмлар тайёрлашган. Қўйинг-чи, бу аблаҳлар истаган вақтда, хоҳлаган ерида ўзга халқ вакиллари сесканмай ўлдириш «имтиёзига» моллик бўлишган. Бедодликни қарангки, Бухенвальдда паст назар билан қараб ўлдирилган турли миллат фарзандлари орасида «энг олий ирк»ка мансуб тоифа фарзандлари — антифашист немислар ҳам кўзлаб учраган. Бунинг учун Германиянинг ўзиндаги коммунистлар, уларнинг жаҳонга ўшакчур раҳбари Эрнст Тельман ваҳшийларча қатл этилганлигини эслатиш қийин. Бундай фактлар, ирк тўғрисида озг кўпиритиб вайсашлар фашизмнинг туб илжимоий-сийфий моҳиятини, разилликни, босқинчилик сийбятини, гайри инсоний табиатини ниқобловчи жирнач сафсаталар эканини фош қилади.

Тарих саҳифаларига битилган ҳақиқатдан аёнки, 1944 йилнинг қок ёзида қўшинларимиз Польша ерларини немис босқинчиларидан тозалаш учун шиддатли ва беомон жанглар олиб борди. Мен ҳам Эгамқул Тоғаев, Мадррахим Олланазаров, Сиддикжон Хонтураев, Истам Бадалов ва бошқа ватандошларим билан бирга 179-гвардиячи ўқчи дивизияга қарашли қўшинлар сафида жанг қилдим. Август ойининг охирилари бўлса керак, Тельманинг ўлганлиги тўғрисида шов-шув тарқалди. Шу факт яхши ёдимдаки, марказий газеталарда босилган

Ухабарларда фашистларнинг «Тельман Америка-Англия авиацияси Веймар районига ҳужум қилганида Бухенвальд районига тушган бомбалар зарбидан ҳалок бўлди», деган гаплари бошдан-оёқ уйдирма ва найрангбозликдан иборат эканлиги, фашистлар уни атайин қатл этганликлари таъкидланди. Орадан ўтган вақт бу гапларнинг ҳаққончилигини исботлаб берди.

Демобилизация кунлари Бухенвальдга яқинлашганимиз сайин қалбимизда Тельманнинг қадами етган жойларни кўриш ҳаваси ортарди, кўнгилларимизни унинг ҳалокати билан боғлиқ ҳақиқат тагига етиш, у ерга бомба тушган-тушмаганлигини билиш хисси тўлқинлантирарди. Бундай туйғу тутқунлардан қолган лагерь биноларига жойлашганимизнинг эртасигаёқ атрофи кўздан кечиришга ундади. Яқин-атрофда, лагерь майдониди бомба тушганлигини кўрсатувчи бирор из-белги кўзга чалинмасди. Бу ерга бизлардан анча илгари келган қирқ ёшлардаги шоп мўйлов қизил аскар бизнинг нимагадир қизиқсинаётганлигимизни кўриб: «Юринглар!» дея лагерьдан ташқарига бошлади. У бизларни ташқарига бошлаб чиқиб, чапга, аста пасайиб кетувчи сайхонлик томон эргаштирди. У қадамларини тезлатиб биздан 20—30 метр қадам узоқлашди-да, бир дам тўхтаб, ўнг кўлини олдинга узатганича ҳайкирди:

— Ана, бомбаларнинг тушган жойи!

Унга яқинлашиб, бир-бирига ёнма-ён икки-та улкан чуқурликни кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолдик. Улардан бири ниҳоятда катта ва чуқурлигидан тагига сув тўпланиб қолганди. Улкан дошқозон тахлит гир атрофи бир хил шаклда ўйилган бу чуқур-воронка олдида ўлкамизда илгари кўп ўчровчи қирқ газли ҳовузлар мисоли кичик ҳовузчалардек гап эди. Чуқурлар фугас бомбаларнинг изи эканлиги урушни кўрган кишилар учун жумбоқ эмасди.

— Лекин, бу бомбалар,— деди бизни бошлаб келган солдат украинча талаффузда,— Тельман қатл этилганидан кейин тушган.

Шуниси ҳам борки, бомбалар лагерьдан юз метрча нарида, очик майдонда ёрилганди. Шу сабабли улардан атрофдаги биноларга зарар текканлигига, бирор кимсанинг бурни қонаганлигига ишониш қийин эди.

Тельманнинг ҳалокати масаласига келсак, лагерь яқинига тушган бомбалар фашистларга ўз кирдикорларини, разилона ва ёвуз хатти-ҳаракатларини жаҳон афкор оммасининг нафрат-ғазабидан чўчиб тўқиган уйдирмалари учун қудай баҳона ўрнида хизмат қилганлиги турган гап эди. Чунки Тельман ҳалок бўлди, дейилган кунда иттифоқчиларимиз ўз самолётлари бу томонларга умуман учмаганлигини ўша вақтдаёқ эълон қилишганди.

Ҳақиқат эгилса ҳам синмаслигини фашистларнинг минг устамон ва айёрликлари ҳам инкор қила олмади: немис нацистлари 1933 йили қабиҳлик билан Германия империяси парламенти жойлашган бинога — Рейхстагга ўзлари ўт қўйиб, бу разилликларни коммунистлар шаънига тўнкашди, уларнинг доҳиясини турмага ташлашди. Тельман Бухенвальдда кўп бўлгани ҳам йўқ. Уни 1944 йилининг 17 августидан 18 августига ўтар кечаси Берлиндан Бухенвальдга келтиришди. Ўша машғум кечасиёқ унинг орқасидан бир неча ўқ узиб ҳалок этишгач, крематорийда куйдиришди. Эндилдикда бу мудҳиш жиноятни ўша вақтда крематорийда ўликларни ташиб юрган поляк тутқуни Мариян Загода ўз кўзи билан кўрганлиги адабиётлардан аён. Фашист одамжўрлари мунофиқона табиатларига содиқ равишда, Эрнст Тельман иттифоқчилар авиацияси ташлаган бомбаларнинг қурбони бўлди, дея овоза қилишди. Бу сохта ва тўқима гап ўн кун орта суриб — Тельман 28 августда (бомба тушган кун) ҳалок бўлди, деб тарқатилди.

Босқинчиларнинг мағлубияти аниқ бўлиб қолганида улар баттар кутуришди. Концлагерьдаги асирларни ёппасига қириб ташлаш



1945 йил 24 июнда Москвада — Қизил Майдонда ўтказилган Ғалаба пароди катнашчилари.

пайига тушишди. 1945 йил апрель ойининг биринчи ўн кунлигида Гиммлернинг кўрсатмасига мувофиқ Бухенвальд батамом йўқ қилиб ташланиши зарур эди. Бироқ, у ердаги тутқунларнинг яширин Интернационал комитети кўпдан бери қуроли кўзголонга зимдан тайёрланиб келарди: қўлбола гранаталар, яширин йиғилган ва ишлаб чиқилган қуроллар тахт қилиб қўйилганди. Совет, француз, чехословак, испан, италиян ва бошқа маҳбуслар сафидан ўйлаб жанговар гуруҳлар шай бўлиб, буйруқни интизорлик билан кутиб туринди. Эссечилар 1945 йилининг 11 апрелида лагерьдаги тутқунларни ер билан яқсон этишга қарор қилишди. Бундай ёвузликдан бохабар Бухенвальд Интернационал комитети фашистлар мўлжаллаган вақтдан бир неча соат илгари тутқунларни ҳарбий қуроли кўзголонга чорлади! Пухта уюштирилган кўзголон қисқа фурсат ичйда уч мингга яқин фашистларга бас келибгина қолмай, уларнинг адабини берди. Кўзголон натижасида йигирма мингдан ортиқ тутқунларнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Улар орасида 4380 совет граждандари, 2900 французлар, 3800 поляклар, 1240 венгерлар, 2105 чехословаклар, 1800 немислар, 622 бельгияликлар, 324 югославияликлар, 550 австрияликлар, 374 голландияликлар, 242 италиянлар ва бошқа юртлардан келтирилганлар бор эди!

Фашизм қўли билан яратилган реал дунё

дўзахи — Бухенвальддаги мудҳиш ҳодисаларни эслаш, тасаввур этиш ниҳоятда оғир бўлиб, вужудни сескантиради, қалбларда алам-изтироб оташини ёқади. Начора! Ҳозирги тинчлик, фаровонлик, бахтиёрлик кунларимизни чинакамига қадрлаш, шу йўлда курашган ва жонини қурбон қилганлар хотирасини эъзозлаш тирик-баркаёт кишиларнинг миннатдорлиги ифодасидир. Ўз навбатида, бу — хушёрликка, хушёрлик эса эзгулик гули бўлган тинчлик учун курашга чорлайди...

Уруш олопон-сопон бўлганига беш ойдан ошди. 1945 йилининг 25 октябри. Рутубатли куз ҳавоси қуёш тафтини ҳийла сўндирган. Армия сафидан уйга қайтиш фурсати етди. Демобилизация қилинганларни темир йўл станциясига олиб ўтиб, вагонларга жойлаштиришди. Ҳадемай поездимиз тинчлик қуши бўлиб она-юрт сари қанот қокди. Ропша-роса бир ой ўтгач, 25 ноябрнинг чоғгоҳида, қуёш нури илиқ-милик дамда Тошкент вокзалига кириб келдик.

Она-юрт жангчи фарзандларини кучоқ очиб кутиб олди. Оловли йиллар айрилигидан кейин она заминга илк қадам босиб, соғинч, қувонч ҳислари тўлқинлантирган қалблардан гугуриб отилган биринчи сўзлар:

— Салом, азизлар! Салом, жонажон шаҳар!.. — деган сўзлар бўлди.

Тошкент

# ДЎСТЛИК ҚУДРАТИ

Шу йил январь ойида Афғонистон Халқ Демократик партиясининг ташкил топганига йнгирма йил тўлиди. Шу шонли санага бағишланган таъналарда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмоҳўжаев бошчилигидаги КПСС делегацияси катнашди.

Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг Раиси Бабрак Кармал ўртоқ И. Б. Усмоҳўжаев бошчилигидаги КПСС делегациясини қабул қилди. Самимий ўртоқларча суҳбат вақтида иккала мамлакатнинг партиялари, ҳукуматлари ва халқлари ўртасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. СССРнинг АДРга сийсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ёрдами учун Б. Кармал дўст совет халқига Афғонистон халқининг чуқур миннатдорчилигини билдирди.

Маъмур мақолада афғон халқининг янги жамъат қуриш йўлидаги дастлабки муваффақиятлари, совет халқининг, жумладан, Ўзбек мутахассисларининг Афғонистон Демократик Республикаси экономикасини ривожлантириш учун кўрсатаётган беғараз ёрдамлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Афғонистон Демократик Республикаси социалистик давлатлар билан доимо ўзаро алоқада. Ҳозирги кунда Афғонистон Чехословакия, Польша, Болгария, Венгрия, Югославия, Куба, Монголия, Ҳиндистон, Туркия каби 70 га яқин давлатлар билан дипломатик муносабат ўрнатган. Бу ўзаро муносабат ва ҳамкорлик ҳар иккала томон учун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳамда сановат ва қишлоқ хўжалик самардорлигини оширишда муҳим роль ўйнамоқда. Бундай ҳамкорлик, асосан, Афғонистон Халқ Демократик партияси ташкил топганидан (1965) ҳуёсан, Савр инқилобидан (1978) кейин кенг ривож топди.

Совет-Афғон муносабати, дўстлиги Афғонистоннинг мустақилликка эришган пайтидан бошланган эди. СССР Афғонистон Республикасини биринчи бўлиб 1919 йил 27 мартдаёқ расмий таниди.

Совет — Афғон сийсий ва иқтисодий муносабатлари ўзаро дўстлик, қўшнчилик ва ҳамкорлик асосида давом эттирилмоқда. СССР Афғонистонга катта иқтисодий ёрдам кўрсатмоқда. Совет — Афғон ўзаро иқтисодий муносабатлари тенг ҳуқуқлилик асосига қурилган.

Ҳозирги даврда Совет — Афғон ҳамкорлигида асосан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва маданий ривожланишни таъминлаш масаласи муҳим ўрин тутди. Чунки, Афғонистонда қишлоқ хўжалиги ва маданий жиҳати ривожлантирмасдан давлат экономикасини нормал ҳолатга келтириш мумкин эмас эди.

Афғонистон территориясининг кўп қисми тоғлик зона ва қўриқ, сувсиз чўлдан иборат бўлганлиги учун қишлоқ хўжалик ишларини ривожлантиришда бирмунча қийинчиликлар мавжуд.

Афғонистонда қишлоқ хўжалигидаги суғориш иншоотлари 1950 йилларга қадар асосан кичик-кичик ариқлар, булоқлардан чиқаётган оз миқдордаги сув оқимларидан иборат эди, ҳоло. Катта дарёлар, масалан Кобил, Сурхоб, Кома каби сув оқимларидан фойдаланиш учун эса махсус сув иншоотлари қуриш талаб этиларди. Замоновий сув иншоотлари қуриш кейинги йнгирига йил мобайнида бирмунча йўлга қўйилди. Бу даврда Сурхоб, Дорунта, Наглу, Пули Хумри ГЭСлари қурилиб фойдаланишга топши-

рилди. Апрель инқилобидан сўнг Афғонистон Демократик Республикасида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида Жалолобод ирригация бирлашмаси ташкил этилди. Бирлашма Афғонистонда биринчи ташкил этилган давлат иншооти бўлиб, мамлакат экономикасини кўтаришда муҳим салмоққа эгадир. Уни ташкил этишда ҳам Совет Иттифоқининг иқтисодий ва техника ёрдами бўлди.

Жалолобод шаҳри Нонгархор округининг маркази ҳисобланади. Округ Лочмон, Кунар, Нонгархор вилоятларини ўз ичига олади. Бу зонанинг оби-ҳавоси Афғонистоннинг бошқа вилоятларидан тубдан фарқ қилган ҳолда иссиқ ва қуруқдир. Эзада ҳарорат 45—50 даражага етади. Нонгархор округида қишлоқ хўжалигида асосан галлачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик ва чорвачилик тармоқлари мавжуд. Шунингдек, маккажўхори, шол, пахта каби экинлар ҳам ўстирилади. Бундан ташқари, Нонгархор округи Афғонистонда апельсин, мандарин, лимон мевалари ҳамда грейфрут, норинч ва зайтун ёғи етиштириладиган муҳим район ҳисобланади.

Ҳозирги Жалолобод ирригация комплексидан ўндан ортиқ хўжалик ташкил этилган бўлиб, уларда 10 мингдан ортиқ афғон ишчи ва хизматчилари меҳнат қилмоқда. Бирлашма асосий тўрт механизацияланган давлат фермаси билан бирга ремонт-механика заводи, автокомбинат, ёрдамчи хўжалик, сановат ва қишлоқ хўжалигини қуриш корхонаси, ёғочсозлик фабрикаси, темир-бетон заводи ҳамда каналдан фойдаланиш бошқармаси каби ташкилотлари ўз ичига олади.

Жалолобод ирригация комплексининг асосий самарали корхоналаридан бири сановат ва қишлоқ хўжалигини қуриш бошқармасидир. Комплексада совет мутахассислари, Ўзбекистонлик инженер-техник ходимлари афғонистонлик кадрлар билан ёнма-ён фаол меҳнат қилмоқдалар. Ташкилотнинг бир йилда бажарган иши 60 миллион 50 миң афғонни ташкил этади. Бу эса планга нисбатан 120 процент демакдир. Утган бир йил ичиде совет мутахассисларининг лойиҳаси бўйича «Дўстлик» магазини, «Ходда» давлат фермасида мактаб, Сомархел посёлкасида ҳаммом, меҳмонхона каби маданий-маиший бинолар қурилиб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, «Ғозибод» ва 2-давлат фермасида қурилаётган бошланғич мактаб ва турар-жой бинолари фойдаланишга топширилиш арафасида.

Комплексе ёрдамчи хўжалиги қошида ёғочсозлик фабрикаси ҳам кенг ҳажмдаги ишларни амалга оширмоқда. Фабрика давлатга ҳар йили 140 миллион 51 миң афғон миқдориде даромад келтираётир.

Комплекснинг асосий базаси ҳисобланган Каналдан фойдаланиш бошқармаси ирригация-мелиорация ва сув иншоотларини қуриш, сув тақсимоти, канал ва зовурларни ремонт қилиш ишлари билан шуғулланади. Шунингдек, Каналдан фойдаланиш бошқармаси қошида мавжуд Нонгархор округини, Жалолобод шаҳари ва бошқа объектларни электрлаштириш, шу билан бирга телефонлаштириш тармоқлари ҳам мавжуд.

Сўнгги йилларда Жалолобод ирригация комплексиде чорвачиликка катта эътибор берилмоқда. Бошқармадаги «Ғозибод», «Ходда» сuttoвар фермаларининг ҳар бирида 550—600 бош қорамол боқилади. 2-фермасида эса 250 эркак бузоқлар гўшта боқилади. Уларнинг вазни 300—350 килограммга етгач сўйилиб, сотиш учун магизинга топширилади. Демак, бу борада ҳам

афғонистонлик дўстларга бизнинг тажрибамиз қўл келмоқда.

Совет мутахассисларининг ёрдами билан қорамолчилик фермалари ихтисослаштирилмоқда.

Комплекснинг муҳим ва дастлабки тармоқларидан бири Агротехнология лаборатория хизмати ҳисобланади. Лаборатория Ғозибод давлат фермаси территориясида 1968 йил ташкил топиб, фермада тўрт давлат хўжалиги ва иккита кўчатор жойлашган. Агротехнология ходимларининг асосий вазифаси минерал ва органик ўғитларни қўллаш усулларини ҳамда шўрланган ерларнинг сифатини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишидир. Ҳар йили қишлоқ хўжалик экинларини экиш мавсуми олдиан уруғлар лабораторияда текширилади, уларнинг сифати аниқланиб экиш нормаси белгиланади.

Жалолобод ирригация комплексининг асосий ташкил этиш базаси ҳисобланган тўртта механизацияланган давлат фермасида ҳосилдорлик йилдан-йилга ошмоқда. Масалан, 1984 йил галла етиштириш плани 186 процент бажарилди. Яъни ҳар гектар ердан 10 центнер ўрнига 18,6 центнер ҳосил олинди.

Маъмур фермаларда сабзавот ва полиз маҳсулотлари ҳам етиштирилмоқда. Жалолобод шаҳар аҳолисини шу хил маҳсулотлар билан асосан маъмур давлат фермалари таъминламоқда.

Қишлоқ хўжалик давлат фермаларининг ҳар бирида қишлоқ хўжалик машиналари парки ва автотракторлар мавжуд. Умуман, комплексдаги барча ташкилотлар замонавий қишлоқ хўжалик машиналари билан тўли таъминланган.


1984 йилда комплекс ҳамда консерва заводи қурилиб фойдаланишга топширилганлиги Нонгархор округи аҳолисини учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу завод ҳозир 12 миң тонна зайтун меваси ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини консерва қилиб тайёрлаб беради. Бу эса келгусида ҳар йили 50 миллион афғон соф даромад қилиш имконини беради.

— Комплексе ишга туширилгандан буюн, — деди Жалолобод ирригация комплексининг раиси Абдуллатиф Эҳлос, — жуда кўп ўзгаришлар, янги-янги механизацияланган қишлоқ хўжалик давлат фермаси, заводлар, фабрикалар, замонавий типдаги посёлкалар, маданий-маориф бинолари қурилади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (галлачилик, боғдорчилик, сабзавот) ҳосилдорлиги бизнинг шароитимизда биринчи марта мисли кўрилмаган даражада ошди. Шунинг самараси ўлароқ давлат экономикаси аста-секин нормал ҳолатга тушмоқда. Вунда Совет Иттифоқидан, жумладан, Ўзбекистондан келиб бизга беғараз ёрдам кўрсатаётган қишлоқ хўжалик мутахассисларининг ҳиссаси салмоқлидир. Масалан, сўнгги икки йил давомида Исоқ Музаевич Ҳасанов бошлиқ совет мутахассислари ёрдамида катта ўзгаришлар, ютуқларни қўлга киритдик.

Афғонистон Халқ Демократик партиясининг ташкил этилганидан буюн ўтган 20 йил давомида, айниқса, Апрель инқилобидан кейин халқ фаровонлигини кўтариш, саводсизликни тугатиш ва маданий ривожланиш сари интилишда муайян ютуқларга эришилди. Ҳозирги кунда Жалолобод шаҳрида медицина, агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаш каби факультетлар бўлган университет, бир неча техникумлар, лицей ва техника ўқув юрлариде кўплай



**Собир АБДУЛЛА,**  
Ўзбекистон ССР халқ шоири



# АЭРОБИКА



А. ЖУМАЕВ фотолари

# МАШҚЛАРИ

ёшлар ўқиб, турли мутахассисликларни эгалламоқдалар. Жалолобод ирригация комплекси қошида очилган қишлоқ хўжалик механизацияси билим юртида ҳар йили 250 нафардан ортиқ афғон ёшлари механизатор ва шоферлик гувоҳномасини олиб, давлат фермаларида ишламоқдалар.

Ўзаро дўстлик, маданий ва иқтисодий ҳамкорлик руҳи Жалолобод ирригация комплекси коллективига тобора чуқур сингиб бормоқда.

Комплексадаги совет мутахассислари — комплекснинг бош экономисти Ҳамиджон Фозилов, ёрдамчи хўжалик ва қурилиш бўлимининг бош инженери Алижон Турғунов, 2-фермасининг бош механиги Шариф Ҳотамов, инженер Райимжон Шербўтаев, Канадан фойдаланиш бошқармасининг бош инженери Содиқжон Нишонов, инженер Виктор Горусов ва бошқалар дўст афғон халқига қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ва маҳаллий халқдан кадрлар етиштиришда фаол ёрдам бермоқдалар. Бир-бирига дўст, биродарлик туйғуси комплекснинг турли миллат вакилларида ташкил топган коллектив руҳига сингиб кетган. Комплексадаги барча қорхоналарда махсус Дўстлик хоналари («Ўртоғи дўст») ташкил этилган. Мазкур хоналарда рус тили ва дари тилида чоп этилган дарсликлар, бадий китоблар, журнал ва газеталар, шунингдек, турли мавзуларга бағишланган стендлар ва плакатлар мавжуд.

— Биз совет мутахассислари, — дейди

бош мутахассисе, Жалолобод ирригация комплексининг бошлиғи Исоқ Ҳасанов, — Афғонистоннинг экономикасини ва қишлоқ хўжалигини тиклаш, шунингдек, афғон халқининг маданиятини ривожлантириш мақсадида келиб, ўз интернационал бурчимизни адо этмоқдамиз. Ҳозирги асосий вазифаларимиздан бири, барча соҳалар бўйича кадрлар тайёрлаш, афғон ёшларининг қишлоқ хўжалик, техника соҳалари бўйича билимини ошириш, ҳар бир ташкилотда ташкилий масалаларни ҳал этиш, иқтисодий экономикани ишлаб чиқиш ҳамда даромад самарадорлигини оширишдан иборатдир. Агрономлардан Рустам Шокаримов, гидротехниклар Чингиз Гулаҳмедов, Тўлқин Акрамов, Карим Мирзаев, ирригаторлар Алижон Содиқов, Шарифжон Ҳотамов, иқтисодчи Очил Турсунов, бош механик Илёс Мавлонов ва бошқа ўзбекистонлик мутахассислар дўст афғон халқига фоллик билан бегараз ёрдам кўрсатмоқдалар.

Умуман, Совет давлатининг Афғонистон Демократик Республикасига кўрсатаётган интернационал ёрдами туфайли икки мамлакат халқларининг дўстлиги янада мустаҳкамланмоқда. Апрель инқилобининг шонли 7 йиллиги муносабати билан Афғонистон Демократик Республикаси шаҳар ва қишлоқларида бўлиб ўтган тантаналарда Совет-Афғон дўстлигининг қудрати кенг намоён қилинди.

Зиёдулла ҲАМИДОВ,  
филология фанлари кандидати

## ЗАФАР ҚАСИДАСИ

Чалди зафар сигнални бош штаб,  
Сигнали бу олға босишга хитоб.  
Юрди зафар илгари тез — у нишоб,  
Бўлди фашист жони жазоларга боп,  
Ит қутуриб қолса ўлимдир жавоб.  
Ит қутураб охири ҳоли хароб,  
Кўршاپалак кунга берибдирми тоб,  
Бизда зафар, партиядир офтоб...

Илгарилаш бизга ҳунар, бизга фан,  
Чунки ҳамма бир дилу, бир жону тан.  
Сақланадир покиза бу кенг ватан,  
Ғолиб эрур армия, топмоқда шаън,  
Ким экан у иззатини билмаган,  
Гўр қазигай ўзига, кийгай кафан.  
Кўршاپалак кунга берибдирми тоб,  
Бизда зафар, партиядир офтоб...

Қудрати зўр армиямиз қўйди от,  
Ёвга ўлим, дўстга бағишлаб ҳаёт,  
Халқига озодлиғу, юртга нажот,  
Бизга зафар одату, қайтиш уят.  
Кўз тутадир кенг шу жаҳон, коинот,  
Биз кўрамыз, сен қани қўлни узат,  
Кўршاپалак кунга берибдирми тоб,  
Бизда зафар, партиядир офтоб.

Бошласа ким, бизга уруш, бизга жанг,  
Бўлғусидир ўзи разил, ўзи танг.  
Бизнинг ўсишларни кўролмай тажанг,  
Зарба еса дайди кучук ванг-ванг,  
Бизга тикил, ўз-ўзингга туп азанг,  
Бизга осил, майли ўлим истасанг.  
Кўршاپалак кунга берибдирми тоб,  
Бизда зафар, партиядир офтоб.

Бошни қилай элу ватанга ниёс,  
Халқим учун қанча ниёс қилсам оз,  
Ном чиқарай жангда курашларда боз,  
Армиядек ғолибу мен ишқибоз,  
Тилда қўшиқ, қўлда қурол билан соз,  
Сўнгра зафар тарихин олтинда ёс!  
Кўршاپалак кунга берибдирми тоб,  
Бизда зафар, партиядир офтоб.

Жангда ютиб, маррага жон элтамыз,  
Янги ҳаёт, янги жаҳон элтамыз,  
Хурлиги тенг номи — нишон элтамыз,  
Дарду бало ўрнига нон элтамыз.  
Байроғимиз қўлда омон элтамыз,  
Халқларга бахт, ёвга зиён элтамыз,  
Кўршاپалак кунга берибдирми тоб,  
Бизда зафар, партиядир офтоб.

1941 йил, 24 июнь,  
Ташкент

# СЎХЛИК МЕЛЬНИКОВ

Сўхлик Ҳашам Бердиевнинг ўгли Халил Ҳашамов ўзининг Улуг Ватан урушидаги жанговар фаолиятини Ленинград остоналарида бошлади. Фашистларга қарши артиллерия қисмларида жанг

қилган ўзбек йигитининг жасурлиги Халилнинг командири — капитан Иван Тихонович Мельниковга жуда маъқул тушади ва улар орасида ота-бола ўртасида бўладиган меҳр-оқибат туйғула-

ри қарор тошиб, мустақкамлана боради.

Оғир жанглarning бирида Мельников қаттиқ яраланади. Старшина Садовников ярдор командири медресабатга олиб бо-



риш вазифасини Халил Ҳашамовга топширади.

Жангчи командирини опичлаб, ўрмон томон бурилади. Нафас ростлаш учун ярдорни ерга қўйдиган бўлса, қайта кўтариб ололмаслигига қўзи етгач, Халил фақат дарахтларга суяниб ҳордик чиқаради. Медресабатга яқинлашиб, оқ халатли кишиларни кўргандан кейингина Халил ҳолисизланиб, ўзидан кетиб йиқилади.

Бир мuddат ҳушига келган Иван Мельников не машаққат билан ўзини бу ергача етказиб келган Халилни ўз ёнига чақириб, миннатдорчилигини изхор этади. Кечга яқин командир кўз юмади.

Катта сержант Халил Ҳашамовнинг жасорати «Жасурлиги учун» медали билан тақдирланади. Халилнинг ҳалок бўлган командири Мельников фамилиясини қабул қилиш ҳақидаги илтимоси ҳам инобатга олинади. Унга янги ҳужжат топширилади ва тўпчи Мельников қайта жанговар сафга туради.

Жанглardan бирида оғир яраланган Халил она-юртига жўнатилди.

Ҳозирги пайтда Халилнинг уч ўғли ва икки қизи, кўплаб набиралари Мельниковлар сулоласини давом эттирмоқда. Халил Мельниковнинг ўзи эса пенсияда бўлишига қарамай, ёш авлодни интернационал руҳда тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшаптир.

Суратда: Халил Мельников ўгли билан.  
Т. Ҳамроқулов фотоси

## Константин СИМОНОВ

\* \* \*

Қирқ биринчи йилнинг чарсиллаб турган Қаҳратон қишини биз унутсак, наҳот! Афсус, эндиликда чиқмоқда урфдан Унинг қадрини эслаб, қилиб турмоқ ёд.

Гоҳида ҳавонинг қовоқ уюши Туширар урушнинг захрини ёдимга. Қирқ биринчи йилнинг қаҳратон қиши Имон каби кириб келади менга.

Майли, хотирангиз кўзларини боғланг! Дўстлар фарқланажак, бари бир, сизда — Етиб қолганларга Тошкентда оғриб Ва қорли Москва бўсағасида.

«Баридан муҳими — тирик қолсанг бас, Чиксанг бас бу сўқир урушдан омон...» Бу бесубут ҳазил ҳаловат бермас, Хотирам тубида жаранглар ҳамон.

Менинг-ку таънам йўқ — кимлар қолди соғ, Кимларни у маҳал четлаб ўтди ўқ. Уша ақидани унутмам бироқ, Унутмоққа балки ҳуқуқим ҳам йўқ.

Олқиш, шараф билан бўлмади иши, Теран нигоҳ солди қалбларимизга, — Қирқ биринчи йилнинг қаҳратон қиши Олий мезон этиб берилган бизга.

Зийн қилмас эди балки бугун ҳам Утмиш-хотирани ёдлаб турмоқлик, — Уша чўнг мезоннинг талаби билан Юракларни тафтиш қилиб кўрмоқлик!

Мирпўлат МИРЗАЕВ таржимаси

## Амин УМАРИЙ

### ҒАЛАБАНИНГ ЎЗИ КЕЛМАЙДИ, ДЎСТИМ!

Ғалабанинг ўзи келмайди, дўстим, Жон олиб, жон бериб оласан уни. Тер тўкиб меҳнатда, қон ютиб жангда, Қалбингга ишқ каби соласан уни.

Ғалабанинг ўзи келмайди, дўстим, Хужумда шер бўлиб оласан уни. Темирни синдириб, ёв бошини узиб, Олмос шамшир бўлиб оласан уни.

Ғалаба — дунёда осойишталик... Ғалаба — фаровон ҳаёт демакдир. Қаноти қайрилган жафокашларга Ғалаба — қанот ва нажот демакдир.

Ғалаба — кўз ёшнинг тиниши демак, Ғалаба — абадий иқбол демакдир. Ғалаба — муқаддас Ватан деган сўз, Ғалаба — истиқбол, висол демакдир.

Ғалабанинг ўзи келмайди, дўстим, Сен оби-оташдан оласан уни. Улимни ағдариб, чекинмай ортга, Матонат, бардошдан оласан уни...

Сен ҳимоя қилган ҳар дарё, ҳар сой... Ииртқичнинг оёгини қилсин занжирбанд! Ҳар битта бўрини ўлдирганингда Соғ-омон қолади ўнлаб жигарбанд.

Озодлик номидан кўтардинг қилич: Қиличнинг дамини ҳеч босмасин занг. Ииртқичларни чопгин, чопмоқ савобдир, Онанг дуойи бад қилар, қирмасанг!

Немиснинг қонига найзангни бўяб, Уруш майдонида «голибман!» деб ёз, Шунда ифтихоринг, боланг бошида Вахт қўшигини қуйлаб этади парвоз.

Ғалабанинг ўзи келмайди, дўстим, Қон тўкиб, жон бериб оласан уни. Шараф минбарига чиқиб умрбод Жаҳоннинг созидан чаласан уни.



# ТИНЧЛИК ҚАЛҚОНИ

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА

Маълумки, бутун тарикқийпарвар инсоният Буюк Галабанинг 40 йиллигини кенг нишонламоқда. Шу Улуг Галаба йўлида, хозирги ва кейинги авлодларнинг тинч келажаги йўлида ҳаммадан кўп совет халқи фидокорлик қилди. Сўзсиз, социалистик Ватанимиз, совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари учун энг қийин ва масъулятли синов бу Улуг Ватан уруши бўлди. Шонли Совет Қуролли Кучларининг Ғарбда немис-фашизми ва Шарқда япон милитаризми устидан қозонган тарихий ғалабаси қатор Осие ва Европа мамлакатларида социалистик тузумнинг тантана қилишига, ер шарининг турли қитъаларида эса миллий озодлик ҳаракатининг кучайишига кўмаклашди.

Ана шу боисдан ҳам фашистлар Германияси ва милитаристик Япония устидан қозонилган ғалабанинг 40 йиллиги Ер юзиде тинчликни қадрловчи барча кишилар учун шонли йилдир. Лекин иккинчи жаҳон урушининг қора булдуллари ҳали тарқалмасдан қор дунёнинг реакцион кучлари социализм ва тинчликка қарши яна иғвогарлик режаларини туза бошладилар, мусибати уруш ва Улуг Галаба сабоқларини теда унутиб қўйган кимсалар яна янги «салб юриш»ларини кўмсаб қолдилар.

У. Черчиллнинг 1946 йилнинг 5 мартида Фултонда сўзлаган нутқи Совет Иттифоқига қарши «совуқ муносабатлар уруши»ни бошлаб берди. Социализм мамлакатларига қарши «салб юриш»ларини бошлашга қақриш бу нутқнинг асосий мазмунини ташкил қилди. Маълумки, «совуқ муносабатлар уруши»нинг асосий тиги Совет Иттифоқига қарши қаратилди. Совет мамлакатининг, унинг ички ва ташқи сиёсатини обрўсизлантириш мақсадида мисли қўрилмаган миқёсда гоъий ва идеологик кўпуровчилик ишларини кучайтириб юбориш социализм душманларининг давлат сиёсати даражасига кўтарилди, «коммунизмни улоқтириб ташлаш»ни мўлжалловчи доктриналар ишлаб чиқилди.

Вашингтон ва унинг шериклари социализмни қурол кучи билан енгиш режаларини ҳам туза бошладилар. Империализмнинг ҳарбий бузоқлар тузиш, милитаризмни беқийёс авж олдириш сиёсати худди ана шу мақсадга қаратилгандир. Умуман, милитаризм, ҳарбий куч-қудратга таяниш, куч ишлатиш империализмнинг эски касалидир. «Ҳамма нарсаи ҳарбий қудрат ҳал қилади!» — деган сафсата империализмнинг доимий бош шиори бўлиб келмоқда.

Империалистик доиралар социализм дунёсига қарши олиб бораётган «совуқ муносабатлар уруши» ва «психологик уруш»дан «қайноқ уруш»га ҳам ўтишдай қабиҳликдан тоймайдилар. 1949 йилнинг 4 апрелида Вашингтонда бевосита Оқ уйнинг ҳомийлигида агрессив Шимолий Атлантика пакти — НАТОнинг тузилганлиги социализм, демократия ва тинчлик душманларининг юқоридаги қора ниятлари йўлида қўйган навбатдаги хатарли ва калтис қадамлари эди. АҚШ бошчилигидаги империалистик давлатларнинг ушбу агрессив ҳарбий-сиёсий группировкаси Совет Иттифоқи ва унинг социалистик ҳамдўстлидаги иттифоқчиларига бевосита хавф-хатар туғдирди. Шу билан бирга НАТО блокнинг агрессив фаолияти яқиндагина жаҳон урушининг қоли ва суронли кунларини бошидан кечирган Европа қитъасини бир-бирига қарама-қарши турувчи ҳарбий-сиёсий группировкаларга бўлиниб кетишига сабабчи бўлди.

АҚШ ва НАТОнинг бошқа аъзолари

ўзларининг, Европанинг сиёсий иқлимини бузаётган ва қитъани ядро ҳалокати томон судраётган ҳарбийлаштириш сиёсатларини оқлаш учун XX асрнинг энг катта ёлғони — аслида бўлмаган «совет хавфи»ни, «Шарқдан келаётган хавф»ни ишга соқдилар. Бу, сўзсиз, эски афсона, империализмнинг сиёқаси чиққан эски қўшиғидир. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ улар Сулҳ қақидеги декрет билан тузилган социалистик давлатимизни қизил милитаризмда айблаган эдилар. 30- ва 40-йилларда ҳам, 60- ва 70-йилларда ҳам империалистик доиралар ўзларининг очикчасига урушга тайёргарлик кўриш, ҳарбийлаштириш сиёсатларини оқламоқчи бўлдилар. Агрессив НАТО блокнинг 36 йиллик фаолияти бунга тўлалигича мисол бўла олади. Шу йиллар ичиде улар милитаризмни ўзига асосий байроқ қилиб олди, ҳарбий бюджетларни тинмай ошириб борди, планета тинчлиги ва халқлар хавфсизлигини бузишга қаратилган қатор иғвогарликларга қўл урди. Масалан, НАТОнинг ҳарбий бюджети 1949 йилда 17 миллиард долларга тенг бўлган бўлса, бу рақам 1984 йилда 300 миллиард долларни ташкил қилди. Расмий Вашингтон тамомила ёвуз ҳарбий санаот қомпанининг измидан бормоқда. Мамлакат экономикасигина эмас, ҳатто аҳоли онги ҳам милитарлаштирилиб юборилмоқда.

АҚШ армияси атом бомбаси билан 1945 йилда қуроллантирилди. СССР бу қуролга 1949 йилда эга бўлди. Сувошти ракетаносецлари АҚШда 1956 йилда, Совет Иттифоқи Қуролли Кучларида эса 1962 йилда пайдо бўлди, ўртача масофага учуриладиган ракеталар ва атом артиллериясига ҳам олдин Америка ҳарбий бўлинмалари эга бўлди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Умуман, агрессив Шимолий Атлантика пактининг бутун фаолияти Совет Иттифоқига, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига, тинчлик ва хавфсизлик ишига қарши қаратилганлиги жаҳон жамоатчилигига сир эмас.

Ана шундай шароитда Совет Иттифоқи, унинг социалистик ҳамдўстликдаги иттифоқчилари социализм ғалабаларини ва ўз мамлакатларини бўлажак хуружлардан етарли даражада ҳимоя қилиш учун маълум жавоб чораларини кўришга мажбур бўлдилар. «Ҳар қандай революция, — деб тақидлаган эди В. И. Ленин, — ўзини ўзи ҳимоя қила олган тақдирдагина бирор нарсага арзийдиган революция бўла олади».

1955 йилнинг 14 май куниде социалистик Польшанинг пойтахти Варшавада тузилган қардош социалистик мамлакатларнинг ҳарбий-сиёсий иттифоқи худди ана шу мудофаа мақсадида юзага келди. Шуну алоҳида тақидлаш лозимки, Варшава Шартномаси НАТО блоки тузилганидан кейин 6 йил ўтгач юзага келди ва у НАТОнинг агрессив фаолиятига қарши тинчликсевар қардош социалистик давлатларнинг жавоби тариқасида туғилди.

Варшава Шартномаси фақат ва фақат мудофаа мақсадаларида тузилган иттифоқдир. Мазакур иттифоққа аъзо бўлган қардош социалистик мамлакатларнинг тинчликсевар ташқи сиёсати ва Варшава Шартномаси ташкилотининг илгари сурган тинчлик ташаббуслари бунга мисолдир. Совет Иттифоқи ҳам, Варшава Шартномасининг бошқа аъзолари ҳам ҳамжиҳатликда нш юришиб, Европа ва бутун дунёда тинчликни сақлаб қолиш ишига ниҳоятда катта ҳисса қўшмоқдалар. «Совет Иттифоқи, — деб айтди ўртоқ

А. А. Громико сиёсий обзорчилар билан қилган суҳбатиде, — Ғарб мамлакатлари ва АҚШ олдида ўз номидан ва иттифоқчиларимиз номидан гапирмоқда. Визининг принципиал сиёсатимиз ягонадир. Бу эса сиёсатимизга куч бағишлайди. Биз бу масалаларни Варшава Шартномасининг Сиёсий Маслаҳат Комитети, бошқа органлари кенгашларида вақти-вақти биле муҳокама қилиб турибмиз. Бу — биргаликдаги сиёсатдир. Биз ҳам ўз номимиздан, ҳам уларнинг номидан иш тутаямиз, уларнинг хавфсизлиги манфаатлари ҳам худди Совет Иттифоқининг хавфсизлиги манфаатлари каби тўла-тўқис муҳофазе қилиниши керак, деб ҳисоблаймиз».

Маълумки, кейинги йилларда империалистик доиралар янги жаҳон уруши хавфини кучайтириб юбормоқдалар, ўзга давлатларнинг ички ишларига қўпол равишда аралашиб, ер шарининг турли районларида ҳарбий иғвогарликлар чиқариш, нима қилиб бўлса ҳам социалистик давлатлар устидан бир томонлама ҳарбий устуликни қўлга киритишга интилиш улар танлаб олган асосий йўл бўлиб қолмоқда. 1983 йилнинг кузидан бошлаб Ғарбий Германия, Англия ва Италия ерларига Американинг Першинг — 2 ва қанотли ракеталарнинг келтирилиши бошланганлиги ана шу мудҳиш йўлнинг хавфи сўкмоқдалар.

Ана шу шароитда КПСС ва Совет ҳукумати, қардош социалистик давлатларнинг партия ва ҳукуматлари тинчлик учун астойдил кураш олиб бориш билан бирга, ўз мамлакатлари мудофаасини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. «Биз, — деб айтди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев 1985 йил 11 мартда КПСС Марказий Комитети Пленумида сўзлаган нутқиде, — ленинча тинчлик ва тинч-тотув яшаш йўлидан қатъият билан борамиз. Совет Иттифоқи ҳолис ниятга ҳамшиша ҳолис ният билан, ишончча ишонч билан жавоб берэди. Аммо биз Ватанимизнинг ва унинг иттифоқчиларининг манфаатларидан ҳеч қачон воқ кечмаслигимизни ҳамма билиб қўйиши керак».

Шундай экан, Варшава Шартномаси, социализм мамлакатларининг бирлиги ва жиёлиги бутун социалистик ҳамдўстлик давлатлари хавфсизлигининг, уларнинг чегаралари бузилмалиги ва мустаҳкамлигининг ишончли гаровидир. Варшава Шартномаси ташкилоти қардош социалистик мамлакатларнинг сиёсий соҳадаги ҳамжиҳатлигининг ҳам энг муҳим қуролидир.

Қардош социалистик мамлакатларнинг ҳарбий-сиёсий иттифоқи бўлган Варшава Шартномаси социализм, демократия ва тинчлик кучларининг энг катта ва тарихий ютуғидир. Шунинг учун ҳам ушбу иттифоқнинг 30 йиллиги қардош социалистик мамлакатларда ҳам, бутун дунёда ҳам катта тарихий сана сифатида кенг нишонланмоқда.

Социалистик Польша пойтахти номини олган иттифоқ — Варшава Шартномаси тузилганидан бери бутун ўтган давр мобайнида социализм ва тинчликни ҳимоя этиш ишига содоқат билан хизмат қилиб келмоқда. Социалистик интернационализм, тўла тенг ҳуқуқлилик ва синфий бирдамлик принципларига асосланган бу қудратли иттифоқ бундан буюн ҳам ўзининг тарихий вазифасини муваффақиятли адо этаверади.

Талъат СОЛИБЕВ

# Лаҳоз

Маматкул ХАЗРАТҚУЛОВ

ХИКОЯ

**К**ЕЛДИЁР поезд деразасидан ташқарига қараб хаёл суриб ётар экан, ўттиз йил бурунги қуролдоши билан учрашганини ўйлар эди. «Аслида ўша кунни тушим ҳам бекорга эмас экан-да. Тушда ҳам бир хилсат бор ўзи. Унинг устига, устозни учратганим яхши бўлди-да. Шу киши баҳона бўлиб, умид узган дўстимни топдим. Энг муҳими, лафзимнинг устидан чиқдим. Яна қанақа пайтда — ўқ ёмғирлари остида берилган сўзни, айтилган лафзни бажаролмай ҳаётдан ўтсам, кўзим очик кетарди. Раҳмат сизга, муҳтарам устоз! Ахир шунча йил сувдай оқиб кетди-ку. Бўлмаса, ўттиз йил бадалда икки кун бекор бўлдимми? Э-ҳе, неча кунлар бекордан бекор ҳавога учди, арзимаган майда-чуйда ишлар билан куймаланиб ўтган вақтлар озмиди? Яхшининг шарофати деб шунни айтадилар-да. Минг бор кулдук сизга, ҳурматли устоз! Бир марта ҳаётимни сақлаб қолган бўлсангиз, иккинчи марта одамлигини, йиғитлик лафзини, шаънини сақлаб қолдингиз!»

Устози билан учрашув манзаралари кўз олдида жонланди... Келдиёр Анхор ёқалаб юрди. «Майсалар бўзболанинг мўйловидек сабза уриб қолибди». Кейин Қизил майдон томонга ўтди. Сўнг ҳув наридаги фаворга қараб кетди. Фаворадан отилаётган нуқра пуфакчалар, сув чанглари юзига тегиб хуш ёқарди. Скамейкага бориб ўтирди. Енгил нафас олга, атрофни кузатди. Шохи ерга қараб ўсган тутчалар кўм-кўк, хёбонлар кўм-кўк. Ваҳор ўз себини ёйган.

Номаълум солдат қабрига гул қўяётган келин-куёв унинг ҳаёлини бўлди. Уларга ҳаваси келди. Лекин номаълум солдат қабри яна урушни эсига солди. «Номаълум солдат... Улар орасида меҳнат жўрам — Содиқ ҳам бор... Бу қабрга келган хар бир одам ўзи билган солдатни назарда тутиб, унинг хотирасига таъзим қилади. Мен учун бу қабр — Содиқнинг қабри... Шошма-шошма... Нималар деб вадляраясан ўзи? Содиқнинг қабри дейишга нима ҳақинг бор? Ахир, унинг трик ўлигидан хабаринг йўқ-ку. Сўраб боришга оғир кунларда сўз берган эдинг. Бордингми? Йўқ! Эҳтимол, у ҳаётдир?! Аниқ билмай туриб биронинг қабри ҳақида ўйлаш... Яна ким — фронтдош дўстинг-а. Шунчалик калтафаҳммисан, Келдиёр?!»

Ўзининг ҳаёлидан ўзи уялиб кетди. Шу пайт ҳаво илиқ бўлса-да, шяпа ва плащ кийган портфелли киши Келдиёрнинг диққатини торти. Унинг юриши таниш туюлди, кимгадир ўхшати. Шяпали киши акирроқ келганда, Келдиёр профессор Ғуломовни таниди. Танидию ўрнидан туриб унга пешвоз юрди.

— Ассалому алайкум, устоз! Профессор тўхтади.

— Ие, Келдиёр?! Бу ерларда нима қилиб юрибсан? Қачон келдинг?

— Шундай айлиниб юрибман. Малака ошириш курсига келувдим.

Профессор портфелини скамейкага қўйди, сўнг ўзи ҳам ўтирди.

— Қани, бундай ўтир-чи? Оббо сен-эй, малака оширишга келдим, дегин. Малаканг камайиб қоптими?

— Шундай бўп қолди, устоз. Хар кун эртадан кечгача дарс, сира вақт йўқ. Бирор кун ўтмоқчи эдим.

Ғуломов кинояли кулди.  
— Вақт йўқ, дегин. Кўриб турибмиш вақтинг йўқлигини...

Иккаласи баравар кулишди.

— Хўш, ўзингиз нима қилиб юрибсиз?

Профессор шяпасини олиб, сийрак оппоқ сочларини қўли билан орқасига тарари. Бироз ўй суриб қолди-да, кейин:

— Мана бу ерда, — рўпарадаги бинога ишора қилди, — ишим бор эди. Бир киши бир масалада ёрдам бераман, деб ваъда қилувди. Ҳозир кирсам: «Иложий йўқ, қўлимдан келмайди», дейди. — У ажин босган кенг пешонасини силаб, Келдиёрга термулди. — Қўлидан келмас экан, ваъда бериб нима қилади-а? Олдин яхши ўйлаб, уддасидан чиқишига кўзи етса ваъда бермадингми? Қани лафз? Мен бу ишинг битмаганидан хафа эмасман, ўша одамнинг лафсизлигидан, мендай кекса бир кишини овра қилганидан ранжидим. Шундан кўнглим ўксиди.

Келдиёр нигоҳини бир нуктага қадаб, хаёл суриб қолди. Негадир унинг пешонаси тиришди, қовчаклари уюлди. Ғуломов унинг елкасига қўлини ташлади.

— Пиёда йўлга тушиб тўғри қилган эканман. Мана, сени учратдим, дардимни тўкиб солдим, кўнглим бироз бўшади. Сенга ўхшаган мард, лафзи халол йиғитларни кўрсам...

Профессорнинг гапи чала қолди. Келдиёр бирдан галати бир вазоҳат, ўксиниш, ёлвориб билан Ғуломовга термулди. Унинг кўзларида ёш қалқди.

— Илитмос, мени қийнаманг...

Профессор ҳанг-манг бўлиб қолди. Негадир у билан илк бор учрашгани ёдига келди.

Ушанда Келдиёр институтда сиртдан ўқир эди. Егзи сессия кунлари бирдан қорини чангаллаб, «вой-вой» лаб қолди. Ҳамхоналари дарров «тез ёрдам» чақириб, касалхонага олиб боришди. Кўричаги ёрилиб кетган, агар яна бироз фурсат ўтса, оқибати хунук бўлиши мумкин экан. Ғуломов беморни операция столига ётқи-зишни буюрди-да, ўзи ишга киришди. Мураккаб операциядан кейин Келдиёрнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Шунга ҳам йиғирма йилдан ошибди. Бу орада улар ота-боладек кадрдон бўлиб кетишди.

— Сенга... сенга нима қилди? Нега сени қийнайман? Ахир, сен билан неча йиллик кадрдонмиз, уйингда неча марта бўлганман. Нимадан қийналасан? Айт, очингини...

— Устоз, мен сизнинг олдингизда гуноҳқорман. Мени кечиринг...

Ғуломовнинг баттар ҳайрати ошди.

— Гапимга ишонинг, мен умримда ёлгон гапирмаганман. Очингини айтаман. Бир одамдан менинг ҳам бир лафз қарзим бор. Еш кетяпти, умр ўтяпти, аммо ўша лафзини бажаролганим йўқ. Сизнинг лафсизликдан хафа бўлиб гапирганингиз менинг юрагимда қўлиб ётган дардини қўзғаб юборди.

— Кўнглингда қаттиқ теккан бўлсам, мени кечир, Келдиёр. Мен сенигиз бундай дардинг борлигини билганим йўқ.

— Йўқ, устоз, яхши бўлди қайтаган. Ўзи юрагим сикилиб турувди. Фронтдош бир дўстим бор эди. Ҳозир номаълум солдат қабри ёнида ўшани эслагандим. У билан охириги марта қирқ учинчи йилнинг кузида хайрлашган эдик.

— Нима, у халок бўлганми?

— Ҳамма гап шунда-да, аниқ билмайман. Унга берган лафзимни ҳозиргача бажаролмай келаман. Хар доим эсимга тушса, азоб чекаман...

1943 йилнинг кузи. Навбатдаги ҳужум олдиндан жангчиларга бироз дам беришди. Келдиёр билан Содиқ тамаки ўраб чекиб, гаплашиб ўтирарди.

— Менга қара, Келдиёр, — деди Содиқ, — Мана, яна жангга қиряпмиз. Ким қолади, ким ўлади — буни ҳеч ким билмайди. Лекин сенга бир гапим бор. Уруш тугаб, эсон-омон уйимизга қайтсам, бизникага бир келасан.

Келдиёр албатта боришга ваъда берди. Уларнинг гапи охирига етмасдан бир дайди ўқ Содиқнинг чап елкасига келиб тегди. Энди лабига қистирмоқчи бўлган тамакисини учиб кетди. Шу заҳоти уларнинг ёнгинасида бомба портлади.

— Кўзимни очсам, госпиталда ётибман, — деб сўзида давом этди Келдиёр. — Саккиз жойимдан ярадор бўлган эканман. Ун кун деганда кўзимни очибман. Уч ой ётдим. Оёқка турганимдан сўнг уйга жавоб беришди. Фронтга яроқсиз бўлиб қолибман...

Келдиёрнинг гапидан сўнг оғир сукунат чўкди.

— Содиқнинг адреси аниқми-ди? — деб сўради профессор жимликни бузиб.

— Учта сўз ёдимда қолган: Содиқ, Ховос, Ҳанифа.

Ғуломов пешонасини силаб ўйга толди.

— Ҳанифаси ким бўлди экан? — Қайлиги, — деди Келдиёр ўйчан.

Яна сукунат. Хар ким ўз хаёли билан банд.

— Хар ҳолда, — деди профессор, — сўраб боришинг керак эди. Балки ўртоғинг ҳаётдир, қариндош-уруғлар бекордир. Ушандай кунда берилган ваъдани бажариш ҳам қарз, ҳам фарз. Орадан шунча йил ўттибди, наҳотки, икки-уч кунга вақт тополмаган бўлсанг?!

— Ховосга келиб, бир-икки суриштириб кўрдим. Аммо қайси район, қайси қишлоқдан эканлигини билмасдим. Қишлоқма-қишлоқ излашга вақт топмадим.

— Қунт қилса, вақт топилади.

Сен хафа бўлмагину, Келдиёр, кўнчинга ўзимизнинг хафасаласизлигимизни, эътиборсизлигимизни вақт йўқ, деган баҳона билан ниқоблаймиз. Бу яхши эмас! Ҳолбуки, қанча-қанча вақтимиз беҳудага сарфланган. Олди-қочди ки-ноларга термулиб ўтканган кунларимизга ичимиз ачимайди. Бироқ касал ётган ота-онамиздан ёки бирон яқин дўстимиздан хабар олишга фурсат тополмаймиз. Стадионга бориб, футбол томоша қилишга имконимиз бор, аммо кадрдон оғайнимизни байрам билан кутлашга ёхуд таниш-билиш, қариндош-уруғларимизнинг яхши-ёмон кунинда ёнида ярим соат мадад бўлиб туришга иложимиз йўқ! Яна вақт-вақт дейимиз. Яхшики, вақт деган нарсанинг тили-забони йўқ, акс ҳолда ҳаммамизнинг ёқамиздан оларди.

Профессор рўмолчаси билан юзларини, бўйинини артди. Кейин Келдиёрга юзланди. — Ўзи бу дунёда нима учун яшаб юрми-ми?! Бир-биримизнинг яхши-ёмон кунимизда мадад бўлмасам... Қани айт-чи, Келдиёр, ана сен ва сенга ўхшаган кишилар нима учун жангга қирдинлар? Нима учун миллион-миллион одам қурбон бўлди? Сенсиз кишилар нега ноғирон бўлиб қайти-лар урушдан? Нима учун? Ахир шу одамлар учун, уларнинг бахти, келажаги учун эмасми? Ана шу бахт, келажақ учун меҳроқибат ҳам керак-ку! Нега энди шулар ҳақида ўйламайми?! «Ўйимиз тинч, бола-чакамиз омон бўлса — бас, бошқа билан ишим йўқ». Ҳозир кўпчилик ана шу ақидага бориб қолган... — Ғуломов оғир, чуқур нафас олди, хўрсинди. — Одамзотнинг табиати қизиқ экан-да, ўзи, боши ёстиқка тегса инсофли, диёнатли бўлиб қолади. Ота-онаси, қариндош-уруғи, ёри-биродари эсига тушади. Соғ юганида эса, ҳеч кимнинг кераги йўқ...

— Мени кечиринг...

— Йўқ, Келдиёр, аксинча мен узр сурашм керак. Дардларини, бу аччиқ гапларни сенга айтиб, юрагингдаги эски ярангни тирнаб нима қилардим... Аммо сенга, сенга ўхшаганларга айтмасам, кимга айтаман. Қолаверса,

мендан хафа бўлмагину, сендек инсофли, диёнатли, оқибатли одам ҳам дўста, айтилган сўзига, ўз лафзига эътиборсиз бўлса — бошқалардан нимани кутиш мумкин?! — Профессор шляпасини кийиб, аста ўрнидан турди. — Менга қара, Келдиёр, ҳозир мен билан бирга юрасан. Урлим ишдан келгач, сени воқалла олиб чиқиб, Ховосга борадиган поездга кузатиб қўяди. Бориб дўстингни суриштир... Ҳаёт бўлса ҳаётлигини, бўлмаса йўқлигини аниқла. Шунча йил виждон азобида юрнингнинг ҳам етар...

...Поезд Ховосга сахар чоғи етиб келди. Келдиёр тонг отишини воқалла кутди. Атроф ёришиб, одам одамни танийдиган бўлганда, у йўлга тушди. Нонушта қилмоқ ниятида автобус бекатидаги чойхонага бурилди. Чойхонада ҳеч ким йўқ, чойхоначи — қирқ ёшлардаги киши эски журналини варақлаб ўтирибди.

Келдиёр бир чойнак чой, битта нон, бир липоқчада парварда олди-да, исикроқ деб ўйлабди, самоварга яқин сўрига чиқиб ўтирди. Эриммай чойни уч марта қайтарди. Исик чой танасига хуш ёкди. Кўз остидан чойхоначиға разм солди. «Шундан сўра-саммикан? Одатда чойхоначилар кўп нарсани билади...» Келдиёрнинг ўйи охирига етмай, чойхоначи гап ташлади:

— Сўраганинг айби йўқ, меҳмон, йўл бўлсин?

Келдиёр бўш пиёлани хонтахтага қўйиб, чойхоначиға юзланди.

— Бораётган жойини ўзим ҳам яхши билмайман. Бир одамни излаб кетяпман.

Келдиёрнинг қотма юзи, кўзларининг ўткир боқиши, новча гавдаси чойхоначиға кимнидир эслатди.

— Ким экан у одам? Қаердан, қайси қишлоқдан? Оти нима?

— Ҳамма гап шунда-да. Қайси қишлоқдан эканини билмайманда. У билан учрашмаганимизга ўттиз йилдан ошди...

Чойхоначи бутун вужудини кўзу қулоқча айлантди, Келдиёрга термулар, унинг сўзларини тинглар эди. Бу ҳам етмагандек, бир чойнак чой дамлаб, унинг ёнига келиб ўтирди.

— Урушда бирга жанг қилганимиз, — деб сўзида давом этди Келдиёр. — Ушанда бир-биримизни излаб топамиз, деб сўз берган эдик.

— У одам тирикми, ишқилиб?

— Шуниси номаълум-да, икковимиз бомбанинг тагида қолиб кетганимиз, у менинг, мен унинг ўлик-тириклигини билмаймиз. Ҳаёт бўлса топарман, бўлмаса қариндош-уруғларини кўрарман, деган умид билан келяпман.

— Шошманг, — деди чойхоначи Келдиёрнинг сўзини бўлиб, — сиз Самарқанддан эмасмисиз? — Ҳа, самарқандликман. Хўш, нима эди?

— Отингиз нима? — деди чойхоначи ҳаяжон билан. У гапирган сари Келдиёрга яқинроқ сурилар, унга бутун вужуди билан термулар эди.

— Отим Келдиёр. — Келдиёр ака! Менинг акажоним! — чойхоначи шундай деб Келдиёрни маҳкам кучоқлаб олди. Бу гапдан Келдиёр ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Нималар деяпсиз, ука? Тўшунтириброк гапирсангиз-чи, бундай.

Чойхоначи ҳамон Келдиёрни кучоғидан қўйиб юбормасди: — Менинг акам! Қадрдоним. Мен сизни танидим, бизникида акам билан бирга тушган расмингиз бор. Қирқ учинчи йилда, урушда, — деди.

Келдиёрнинг кўзи ярқ этиб очилгандай, миясини қуршаб олган турли-туман фикрлар қуёш нурида йўқолган соялардек бир зумда ҳар тарафга тарқалиб кетгандай бўлди. Шошиб, ҳовлиқиб, антики савол бера бошлади:

— Урушда? Қирқ учинчи йилда? Қаерда, қайси шаҳарда, билмайсизми? Акангизнинг оти нима? Янгангизники-чи?

— Ҳа, урушда, қирқ учинчи йилда. Акамнинг оти Содиқ. Янгамнинг исми Ҳанифа...

— Содиқ! — Келдиёр ҳам беихтиёр бақриб юборди. — Наҳотки, ўша бўлса? Ҳаётми у?

— Ҳаёт, тирик! — деди чойхоначи.

— Қаерда акангиз? Нима иш қилади? Солиғи яхшими?

Чойхоначи Келдиёрни ташқарига бошлаб чиқди-да, ўратепа томондаги тоққа ишора қилди.

— Ҳув анави тоғни кўряпсизми? Визинг қишлоқ ўша ерда. Акам магазинчи. У сиз ҳақингизда бот-бот гапирди. Очғини акам сизни... ўлиб кетган, тирик бўлса албатта келарди, деб юради.

— Қишлоқларингнинг оти нима?

— Найман. Келдиёр ҳаяжонланганидан гапиролмас эди:

— Менга йўлни кўрсатинг, қайси автобус боради?

Чойхоначи «ҳозир» дедю, кўздан йўқолди. Орадан ўн минутлар ўтгач, бир машинага мишиб келди.

— Утиринг, Келдиёр ака, шу машина сизни акамнинг олдига элтиб қўяди, — деди. — Аксига олиб бугун шеригим йўқ, бўлмаса ўзим бирга бориб, акамдан суюнчи олардим...

«Волга» бир соатлар чамаси юрди. Тоғ этагидаги қишлоққа кириб тўхтади.

— Ҳув тепаликдаги магазинни кўряпсизми, — деди ҳайдовчи қапишиб турган оқ уйни кўрсатди. — Ана ўша магазин. Содиқ ака шунинг мудири. Эшиги очик, демак шу ерда.

Келдиёр ёлғизоёқ йўлдан юкориға кўтарилиб бораётган экан, ўйларди: «Содиқ ҳалиям ўша-ўша котмамикан? Мени танирмикан?» Содиқнинг ҳар гапда «сабил, сабил» дейиши эсига тушиб, кулгиси кистади. «Ўтгиз йил... Э-хе, танимаса кераг-ов... Индамай тураман, бордию танимаса бир хазил қилай-чи, ҳалиям ўшандай жаҳли тезмикин ёки қариб қуйилганмикан?»

У шу аёллар билан магазинга кириб борди. Пештахта ортида ҳар елкасига иккитадан тўртта одам бемалол ўтирадиган даражада баҳайбат бир сотувчи учтўрт харидор билан муомила қилар эди. Келдиёр уни диққат билан кузатди. Уша, қол-қора қошлари, қақноқ қўй кўзлари, дўнг пешонаси ўша-ўша, ўктам, узиб-узиб гапириши ҳам ўша. Фақат чап қўли елкасидан йўқ.

«Демак, ўшанда қўлидан айрилган экан-да... Келдиёр беихтиёр ўзига ўзи разм солди. Қотмадан келган, оёғида энгил, учли туфли, эғнида плапч, бошида шляпа, бўйнидаги галестуги муштдай қилиб тутилган. Ўзига ўзининг кулгиси кистади: «Битта хасса бўлса — тамом, қар қандай профессор ҳам йўлда қолиб кетади».

У бироз индамай магазинни кузатди. Харидорлар қақиб кетгунча сабр қилди. Ичидан келатган кучли бир ҳайқирини ва минлик билан қайтариб турар, катта ирода билан ўзини қўлга олиб, бегона кишидек тутар эди. Ҳамма чиқиб кетиб, сотувчи ёлғиз қолгач, деди:

— Менга битта «Тройной» одекалон беринг.

— Одекалон йўқ эди-ку, — деди сотувчи афсус оҳангиди.

— Нега йўқ бўлади? — деди Келдиёр ўзини вазини тутиб. — Одамларга керакли нарсани келтириб қўйсангиз бўлайдимиз?

— Келтирамиз, аммо ҳозир йўқ, тамом бўлиб қолувди.

Келдиёр қандай қилиб унинг жигига тегиш йўлини қидира бошлади.

— Одамларнинг гамини ейдиган одамга ўхшамайсиз. Харидорнинг ҳақини уриб қолаверганидан қарғиш тегиб, бир қўлнингиздан айрилибсиз.

Сотувчи Келдиёрга жаҳл билан ўқрайди.

— Менга қаранг, меҳмон, мақсад нима ўзи? Очқироқ гапиринг? Лекин менинг қўлим билан ишин-

гиз бўлмасин. Сиз ҳали ёшсиз, уруш нима эканини билмайсиз, сизларни деб менга ўхшаганлар қўл-оёғидан ажраган.

Бу гап Келдиёрнинг кулгисини қистатди. «Ҳали ёшсиз эмиш. Аслида ўзи мендан икки ёш кичик». Фронт йўлларида бир-биридан ёш суриштиргани Келдиёрнинг эсида.

— Биз ёш болаю, сиз катта одам, уруш кўрган, бизни деб қўлидан ажралган бўлиб қолдингизми? Вой жўрам-эй, — Келдиёр пештахта узра сотувчиға яқинроқ қўзилди. — Менга қара, эй жўрам...

Келдиёрнинг гапи оғзида қолди. Ҳалиги гавдали одам пештахтанинг устидан қандай сакраётди — Келдиёрнинг на кўзи илғади, на ақли бовар қилди. Киприк қоққунча фурсатда ўзини баҳайбат бир кучоқ оғушида кўрди. Сотувчи — Содиқ ёлғиз қўли билан Келдиёрни маҳкам кучоқлаб олган, хўнграб йиғлар эди. Бир зумда магазин одамга тўлди. Ҳамма ҳайрон, гап нимадалигини айтишга Содиқ имкон бермасди.

Содиқ Келдиёрни кучоғидан бўшатиб, кўзларида ёш билан унга термулди.

— Наҳотки, бу сен бўлсанг? Наҳотки, Келдиёрсан? Қўзларимга ишонгим келмайди. Ушанда адресингни сўраб олмаганимдан афсус чекиб юрардим.

— Мен ҳам адресингни тўлиқ билмаганим учун бир-икки келиб тополмай кетгандим. Охири қатъий аҳд қилиб, йўлга чиқдим. Сўраб-сўраб Маккани топган экан, — деди Келдиёр...

Содиқнинг уйи магазинга яқин экан. Уйга кириб, ҳол-аҳвол сўрашгач, оппоқ соқолли нуроний қария келди. Ҳамма гурр этиб жойидан турди.

— Эсингиздан, отам тўғрисини кўп гапирардим, — деди Содиқ Келдиёрга отасини таништирар экан. — Тўқсондан ошдилар. — Кейин у отасининг ёнига келиб сўради:

— Ога, қассоб: «Кўйини сўяйми, тананими?» — деб сўрапти, нима дейсиз?

Отaxonнинг юзлари тиришиб, афти асабий тус олди. Жаҳл билан оппоқ соқолни силди:

— Ҳе, ўғлим-а, ҳалиям болагинг қолмапти-да. Узинг-ку, урушдан қайтганидан бери озингдан Келдиёр тушмайди. «Агар Келдиёр жўрамни топсам, бир қўй, бир тана сўяман», деб оғзингга гап олган эдинг. Эсингдан чиқдимми? Лафз битта бўлади, ўғлим. Э, тавба, булар қачон одам бўлади-я... Жўрангиз шунақа, болам, — деди чол Келдиёрга қараб.


Зиёфат, меҳмондорчилик бошланиб кетди...

Эрталабгача Келдиёрнинг уйкуси келмади. Поезднинг бир маромда «тақа-туқ, тақа-туқ» этган овозига қулоқ солиб, ўтган бир ҳафта ҳақида хаёл суриб бораётган эди. «Тўғри профессорни кўриб бориш керак. Содиқни топганимни айтсам хурсанд бўлади. Топсам топганимни, йўкса — йўқлигини икки-уч кунда хабар бераман, деган эдим. Везовта бўлиб, ҳавотир олиб ўтирган-дир...»

Поезд шитоб билан олдинга интиларди...



Расмини Н. Иброҳимов чизган.



**ЧАРХИЙ,**  
Ўзбекистон ССР халқ шоири

## ЭЙ, НУРЛИ ВАТАН

Эй, нурли Ватан, шўх баҳор, ёзларинг бор,  
Езингда пишар — неъмат хўб созларинг бор,  
Ким қўйса кадам, хурмату эъзозларинг бор,  
Гулдан тўшалур элга поёндозларинг бор,  
Чунки, азамат халқингу шаввоzларинг бор.

Даргоҳинг улуг, доврўгинг — оламга десам оз,  
Хар бир сифатинг зикри эрур бир-бирдан соз.  
Илҳоминг ила қалбим этар кўк сари парвоз,  
Санъатда зариф, фанда рашид, халқига жонбоз,  
Хар илму фунун авжида мумтоzларинг бор.

Қалб тўйгулари меҳр булогингда етишди,  
Сув ичди, тузинг тотди, қучогингда етишди,  
Хар дурур жавоҳир бари тоғингда етишди,  
Жон лаззат олур меваки боғингда етишди,  
Богбону миришкор, чавандозларинг бор.

Ҳиммат камарин боғлабон ишни басар этган,  
Чўлларни қувиб, шўрини зеру забар этган,  
Олтин яратиб, ўзини соҳиб зафар этган,  
Ихлос ила бир донани минг-минг гуҳар этган,  
Майдонда пўлат отли чавандозларинг бор.

Фаҳринг ила ҳар қалб ҳаво айласа арзир,  
Хуснинга боқиб нашъу намо айласа арзир,  
Сендан дилу жон касби зиё айласа арзир,  
Булбул каби бу Чархий наво айласа арзир,  
Эй, нурли Ватан, шўх баҳор, ёзларинг бор.

## БАҲОР

Табиат оламидан элга жон нисор баҳор,  
Шунинг-чун оламу одам дегай: «Баҳор, баҳор».  
Ҳаво зилолу шифобахш, лолазор — баҳор,  
Ёсиб шамоли ўтар кеча, хар наҳор, баҳор,  
Кўнгилга манзараси ҳар нафас мадор, баҳор,

Шифоли ўтлар ила тоғу чўл ясанган чоғ,  
Баҳори қўй-қўзилар, ўтлар унда эчки-улоқ.  
Безанди лола билан сабазор яшил ўтлоқ,  
Яшар бу ўлкада ҳар бир ҳаёт, қулиб порлоқ,  
Чаманда гул очилиб, кирда чорвадор баҳор.

Башар ҳаётида энг мўътабар баён кўклам,  
Вужуд бўлса бу ер, бу вужудга жон кўклам,  
Тўлар кишига қувонч, келса ҳар қачон кўклам,  
Қуёш юзини очиб, бўлди меҳрибон кўклам,  
Шарафли меҳнат ила доим барқарор баҳор.

Езарда ғолиб элим қудратин қалам тинмай,  
Кўнгилингн тўлқини дарё каби тошар сиғмай.  
Тутарда соқи букун Май шарофатидан май,  
Қувон, эй Чархий, кўриб фаслларни пайдар-пай,  
Келур қатор-қатор ёз, келур қатор баҳор.

## ЭЙ КҮНГИЛ

Эй кўнгил, ихтиёр қилсанг-чи!  
Қиссаи гулузор қилсанг-чи!  
Ҳимматинг сад — ҳазор қилсанг-чи!  
Токи жонга мадор қилсанг-чи!

Нега бир гул фидоси қилмишсен,  
Боладак бир қадахда тўлмишсен.  
Ешлик жомидан тўжилмишсен  
Қайтадан барқарор қилсанг-чи!

Шоми ҳижрон кетар, наҳор келар,  
Ер келар — ёр билан мадор келар,  
Қиш кетиб, ёз билан баҳор келар,  
Қишни ҳам лолазор қилсанг-чи!

Тилагим — бахти безаволи учун,  
Талабим қадр ила камоли учун.  
Мен-ку бир мунтаазир висоли учун,  
Уни ҳам интизор қилсанг-чи!

Қолдириб яхшилар ширин ўйини,  
Элга таркатмайин ҳасад бўйини,  
Ҳасад этган рақибларим ўйини,  
Ғам билан тор-мор қилсанг-чи!

Гарчи сочим оқарди қор янглиғ,  
Лек кўнгилим ҳамон баҳор янглиғ,  
Қархёй, гул тутарди ёр янглиғ,  
Камтаринлик шиор қилсанг-чи!

1977



# ҚУШИҚЛАР ҚАНОТИДА

Уйноки ва завқбахш ғазаллари билан, тағдор ва тўғдор ҳажвиёти билан, умрининг охирига қадар Қўқондаги Муқимий уй-музейнинг чароғбони бўлишдек фаолияти билан элимиз эъзози ва хурматини қозонган мавлоно Чархий асримиз билан тенгдош ажойиб нуктадон шоир эди. Умр бўйи ёруғлик кўрмай, ғаддор замоннинг зулми ва исканжаси остида нурли келажакни кўмсаб ўтган Махмур ва Гулҳаний, Муқимий ва Фурқат каби устозларининг орзу-армонлари ҳаққи Аскарари Чархий бугунги турмушимиз нашъу-намосини сиккидилдан тараннум этди.

Шоир Чархий Қўқон шаҳрининг Сарбаҳодир маҳалласида, оддий касиб оиласида таваллуд топди. Отаси Ҳамроали фарзандининг қобидиятини пайкаб, унинг шоир бўлиб етишувини орзу қилди. Онаси Муслимабиб эса ўз даврининг иқтидорли аёлларидан бўлиб, ўғлига шеър машқида яқиндан кўмаклашди. Бўлажак шоир ўсмирлик йилларидаёқ Ҳофиз Шерозий, Саъдий, Бедил, Алшар Навоий ижодиёти билан

қизиқиб танишди, Мирзойи Хўқандий раҳнамолигида шеърятда камолот сари интила борди. Абдуллажон Муҳаммадиев, Мискин, Замирий Таҳаййир, Дўстмуҳаммад Фироқий, Ҳамдий каби шоирлар билан мулоқот ва шеър баҳсларида қатнашди. Чархийнинг илк ғазаллари арузнинг ўйноки баҳрларида, равон услубда ёзилгани учун ҳам эл орасида тез тарқалди.

Шоир Чархий буюк инқилоб туфайли ижтимоий ҳаётда рўй бераётган улкан ўзгаришларни тез англади ва йигирма ёшдаёқ:

Ҳаҳон осойиши жумҳурият  
деган замондандир, —

дея янги турмушни муборакбод этди, «шоир олимга халқ хурмати бисёр» замоннинг қайр-қимматини улуглади, кеча билан бугунни қиёслаб, замонамизга шукроналар ўқиди. Муқимийнинг машхур «Саёҳатнома»сида зикр этилган шаҳар ва қишлоқларни кезиб, бу ерларнинг табиати ҳам, одамлари ҳам бекиёс даражада ўзгариб кетганлигини самимий мисраларда қуйлади.

Чархий лирик шоир сифатида Ватанини, Коммунистик партияни улуглади, бахт ва муҳаббатни тараннум этди, ҳажвияси билан шоҳи сўзанага чипта ямоқдай қовушмай турган иллатларни аямасдан фош этди. Унинг лирикасида қандайдир сониялар ичда киши қалбида зухур топган ажиб кечинма ва тўйгуларни бутун гўзаллиги билан мужассам этадиган:

Бир зумда кўздан учди, гўё фалакни  
кучди,  
Б гул уни яширди, ёки ҳаволаб  
ўтди, —

каби мисралар талайгина. Шоир шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар ҳисларининг мукамал ифодаси билан дилларни ром этади, қалбларга завқ бағишлайди. «Гулзор топ», «Дерман», «Гул даста-даста», «Келди баҳор байрами», «Муҳаббатнома», «Дилдори шўх», «Топилмас» каби ўнлаб куй басталанган ғазаллар шулар жумласидандир.

Ўз-ўзинга, касби-корингга баҳо бермакни қўй,  
Зарни мисдин ажратур устод бир  
заргар керак, —

деган шоир Чархий ижодкорлик тақдирининг заҳмату завқини чуқур идрок этди. Шоирнинг «Алихўжа ва Хўжаали», «Аччиқ ва ширин» тўпламлари, «Ўзбек шоирлари кутубхонаси» сериясида чоп этилган китоби, «Девон»и, «Зебо Қўқон» тўпламига кирган кўпгина ғазаллари фикримизнинг далилидир.

Чархий таъби нозик, диди баланд, хушсифат хаттот ҳам эди. Сулаймонкул Рожийнинг «Зарбулмасал»и, Ҳамзанин «Пуштигуд» тўплами, Муқимийнинг йигирмага яқин мактуби, Нодиранин кўпгина ғазаллари хаттот Чархий томонидан кўчирилган бўлиб, турли адабий музейларга қўйилган.

Ўзбекистон ССР халқ шоири Чархий ўзининг нажиб ижоди билан миннатдор элита хизмат қилишда давом этаётган, унинг қўшиқлари ўлкамиз бўйлаб ҳар кун янграётган, зотан, шоирнинг умри унинг шеърятда яшайверди.

Баҳодир АМИНОВ



Жангчи ёзувчи Вали Ғафуровнинг номи «Вафодор» романи, «Сўнги пушаймон» кассиси ва ҳарбий ватанпарварлик мавзусида ёзилган қатор ҳикоялари билан китобхонларга таниш. Яқинда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат наشريёти таниқли адибнинг «Ботирга ўлим йўк» кассисини чоп этди. Асар ҳужжатли бўлиб, унда янгийўллик ўқитувчи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Абдулла Қурбоновнинг Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган жасорати, мардликлари тасвирланади.

Қиссани она-Ватанимизга, жонажон халқимизга бўлган ҳеқисиз муҳаббат, ҳаёт-мамот урушида мардлик намуналарини кўрсатган совет солдатлари ўртасидаги меҳр-оқибат тараннум этилади. Асар Буюк Ғалабаининг 40 йиллиги олдида ўзбек китобхонларига муносиб совға бўлди.

## ЖАСОРАТ МАДҲИ



### Чемпион энди маълум бўлади

СССРнинг шахмат бўйича 52-чемпионати гоат қизгин ва шиддатли бўлди. Уч шахматчи — гроссмейстер Виктор Ғавриков, мастер Михаил Гуревич ва халқаро мастер Александр Чернин биринчи ва учинчи ўринларни бўлишиб олдилар. Бирваракайига уч голиб! Энди 52-чемпионатнинг бу уч голиби ўртасида алоҳида мусобақа ўтказилади ва мамлакат чемпиони аниқланади.

Чемпионатда мастерлар гроссмейстерларга нисбатан қучлилик қилдилар, деб айтиш мумкин. Улар гроссмейстерлар билан ўйналган партияларнинг 18 тасини ўз фойдаларига ҳал этдилар, 10 тасини бой бердилар, 36 тасини дуранг натижа билан якунладилар. Мусобақада иштирок этган тўрт мастernинг икитаси фахрли учликдан жой олди. Аммо, таъкидлаш керакки, бу ғалабалар мурасиз «жанг»ларда қозонилди.

Чемпионатда ўйналган 190 партиянинг қирқтасида оқлар, ўттиз икитасида қоралар ғалаба қозонди, яъни натижавийлик ҳисоби 38 процентни ташкил этди.

Республикамиз вакили халқаро гроссмейстер Георгий Аъзамов 7-ўринни эгаллади. Афесуски, у бу гал жаҳон чемпионлигига даввогарларни аниқловчи саралаш мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини кўлга кирита олмади. Лекин, шунга қарамай, халқаро гроссмейстер, чемпионатнинг бош ҳақами В. Багиров ҳаққоний таъкидлаганидек, «Георгий Аъзамов ўзининг энг яхши фасилатлари — иродаси ва жанговарлигини намойиш қила олди. У мусобақа қатнашчиларидан энг кўп куч

сарфлади — 60 соату 36 минут давомида саҳнада «жанг» қилди. Шу вақт ичида 992 марта дона сурди!»

Ҳеч, шубҳасиз, бу нуфузли мусобақада Ефим Геллер каби ўзи кекса бўлса ҳам, руҳан навқирон асл шахмат санъаткорининг иштирок этгани нур устига нур бўлди. Шу билан бирга, В. Купрейчик, К. Лернер, С. Лпутяя, Е. Свешников сингари шахмат билимдонларининг қатнашуви ҳам чемпионатда жанговарлик ва жозоба бахш этди. Қўрадаги партия бу фикрнинг далили бўла олади.

Е. Геллер — А. Петросян

Сицилианча ҳимоя  
1. e4 c5 2. Кf3 d6 3. d4 cd 4. К:d4 Кf6 5. Кc3 а6 6. Сe2 e5 7. Кb3 Сe7 8. 0—0—0 9. Лe1 Сe6 10. Сf1 Кbd7 11. Кd5 Кb6 12. c4 Лe8 13. Кd2 Кfd7 14. К:e7+ Ф:e7 15. b3 Кc5 16. Кb1 f5 17. ef c5 18. Кc3 Лcd8 19. Сe3 Кbd7 20. b4 Кe6 21. Кb5 Фf7 22. Фf3 Лde8 23. Лad1 Кb8 24. b5 Кd7 25. Кc3 e4 26. Фg3 Кe5 27. Л:d6 Кd3 28. Лd1 Лd8 29. К:e4 С:e4 30. С:d3 Л:d6 31. Ф:d6 Лd8 32. С:e4 Л:d6 33. Л:f6 Фf6 34. g3 Кpf8 35. Сd5 Фa1+ +36. Кpg2 Кc7 37. Лd8 +  
Қоралар таслим бўлди.

52-чемпионатнинг натижаларини таҳлил этаётган мутахассислар биринчи ва охириги ўринларни эгаллаган шахматчилар тўплаган очколар ўртасидаги фарқ у қадарли кўп эмаслигини таъкидламоқдалар. Бу, иштирокчиларнинг маҳорат даражалари бир-бирига яқинлигини кўрсатади, албатта. Айни пайтда, ушбу ҳолат курашининг беаёвлигидан, заррача хатога йўл қўйиш мумкин эмаслигидан, иштирокчилар шахмат кашфиётларидан теран хабардорлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, олдинда ишқибозларни янги, беаёв шахмат «жанг»лари — 52-чемпионатнинг ўзига хос давоми кутмоқда. В. Ғавриков, М. Гуревич, А. Чернин ўртасидаги матч-турнирда мамлакатимизнинг шахмат бўйича чемпиони маълум бўлади.

М. ШЕРҚҮЛОВ

## Шифобахш неъматлар

### ҚОРАҚАНД

Ўлкамиздаги кўпдан-кўп ҳосиятли ўсимликлар орасида қорақанд (қора зирк) ўзининг шифобахшлиги ҳамда зираворлиги билан ажралиб туради. Қорақанднинг саломатлик учун фойдали неъмат эканлиги милодга қадар ҳам маълум эди. Оссурия шоҳи Ашшурбанипалнинг шахсий қироятхонасида сақланувчи, бундан 2670 йил муқаддам сопол тахтачаларга ёзилган китобларга қараганда, қорақанд «қонни покисаловчи» омил сифатида таъриф этилади. Қорақанднинг шифобахш хусусиятларидан қадимий Миср, Ҳиндистон табиблари тадбиркорлик билан фойдаланар эдилар.

Буюк табиб Абу Али ибн Сино қорақандни қанқок қондирувчи, иситма хуружидан ҳоли қилувчи, юракка қувват берувчи ҳамда жигар хасталикларига даво бўлувчи восита сифатида тавсия қилган.

Қорақанд мевалари халқ табobati амалиётида бир қатор хасталиклари даволашда фойдаланилади. Жумладан, қорақанд одамнинг асаб фаолияти сустлашганда, ошқозон-чак касалликларда, жигар хасталикларидан, хафаконда даволоччи омил сифатида фойдаланиш билан бирга ҳаротни паясийтирувчи, иштаха уйғутувчи, ялғиланишга қарши восита бўлиб хизмат қилади.

Халқ табобатида қорақанд илдиридан тайёрланган қайнатма (пўстлоқ ажратилган) безгак ва бод азиятлари даво ҳисобланади. Қорақанд илдири қайнатмаси баъзан «қийми зирк» деб аталиб, уни суялтириб оғиз бўшагининг ялғиланиши ва бошқа касалликларда чайиш лозим қурилади. Қорачой-черкесларнинг халқ медицинасида қорақанд илдирининг қайнатмаси ошқозон касалликлари, баъзилар, ревматизм, зотилжалм ва ўпка сика касалликларига даво ҳисобланади. Қорақанд гулларидан тайёрланган қайнатма эса юрак касалликлари ҳамда безгакка ёрдам берувчи дори ҳисобланади.

Қорақанд барглрининг сувли дамламалари безгак асорати бўлган талок шинишида ҳамда жигар касалликларидан нафли бўлса, мевалари бош

оғриги, бемаврид қон кетишида, уйқусизликнинг олдини олиш, ташналикни бошиш учун ҳам тавсия этилади.

Илимий медицинада ҳам қорақанднинг ҳосиятларидан фойдаланиб келимоқда. Қорақанд асосида тайёрланган дори-дармонлар ўт пуфагининг шамоллани билан боғлиқ бўлган касалликларда, ўт пуфагида тош ҳосил бўлганда оғриқларга энгиллик берувчи омил сифатида фойдаланилади. Медицина амалиётида қорақанд барглари асосида тайёрланган спиртли настойка қон тўхтатувчи, ўт ажралишини уйғунлаштирувчи, томир уршишни тезлаштирувчи восита ҳисобланади.

Италиядик шифокорларнинг берган маълумотларига қараганда, қорақанд асосида олинган препаратлар, шу жумладан, меваларнинг ўзи ҳам безгак асорати — талокнинг шинига ижобий таъсир қилса, Ҳиндистон шифокорларининг фикрига кўра, қорақанддан олинган препаратлар ришта касаллигидан қутулишга ёрдам қилиб, ёмон жароҳат (пенднискял азва)нинг авж олишини тўхтатади.

Шуни айтиш керакки, медицина амалиётида хавфли ўсмавлари даволашда иплатилувчи здренко йғма дорисининг асосини қорақанд илдири ташкил қилади.

Қорақанднинг ҳосиятларини пазандчиликда етиш қийин. Ўзбек санъатчилигида қорақанд мевалари татимли зиравор сифатида кенг қўламда фойдаланилади, меваларидан қийми, мурбаболар тайёрланади. Ўсимликнинг ўзи асалчи бўлиб, унинг гулларидан йиғилган асал ниҳоятда шифобахш ва муаттарлиги билан ажралиб туради. Ўсимликнинг пўстлоқларидан заъфарон-сарик бўёк олинади.

Қорақанднинг бунчалик серхосият бўлишига сабаб, унинг таркибидан мавжуд шифобахш моддалардир. Жумладан, қорақанд меваси таркибидан С витамини кўп, иссон организм учун фойдали бўлган органик кислоталар, қанд, минерал тузлар ва бошқа ҳаётбахш моддалар учрайди.

Бизнинг республикамизда зиркнинг 7 тури учрайди. Қорақанд, қашқар зирки, берген, қизил зирк, тугма зирк шулар жумласидан.

Зирklar серхосият ўсимлик бўлиши билан бирга, хушманзарарлиги билан ҳам ажралиб туради. Бахорда уларнинг мурғак новдалари, яшил барглари, тиллоранг гуллари ўзгача дилраболикни кашф этади. Ўсимликнинг мевалари етилиш жараёнида қизил, тўқ бинафша рангга қиради ва рангдор «исирғалар» то кеч кузгача яшнаб, кишининг эътиборини тортади.

Олимларимизнинг берган маълумотларига қараганда, зиркни маданий равишда экиб кўпайтириш мумкин. Одатда, зирк уруғларидан кўпайтирилади. Уруғларини тезроқ улайтириш учун баҳоргача уни намли қумда сақлаб, кейин эқлади. Зиркнинг айрим турлари илдирибачкиларидан паршиш қилиш йўли билан кўпайтирилади. Кузатишлар шунини кўрсатадики, зирк ўсимлиги тупроққа ва намликка нисбатан талабчан бўлмай, совуққа анчагина бардошли ўсимликдир.

Маннон НАБИЕВ,  
доришунос



Қорақанд ўсимлиги



## ҲАЖВИЙ ҚАТРАЛАР

Ғулом ИСМОИЛОВ

### СОБИҚ АФЛОТУН

Собиқ Афлотунлик кўрки на даркор,  
Ишда ёнмай қўйса энди у саркор?..  
Кўкдан ўчиб тушган метеоритнинг  
Оддий харсангтошдан қандай фарқи бор?

### ТЎҚИМФИКР ҚАЛАМКАШ

Не деб бўлур қаламкаш тўқимфикр ёмонга —  
Бемаъни, расво шеърин ағдартса юз забонга?!  
«Шухрат» учун ўз юрти камлик қилур шекилли,  
Аҳмоқлигин ёймоқда энди бутун жаҳонга.

### ҚАССОБ МАСЛАҲАТИ

Қофиябоз китобдан қассобнинг ақли шошир,  
Дейди:  
— Э, сувдан ҳалво қорингми? Балли, ношир!  
Муаллифинг-да бирга инсофни мендан ўрган:  
Сўз чарвига устихон ўраб, пилонни ошир.

### ҒАРАЗГУЙ

У дилкўр дўконин нақши сассиқ қуртли ҳасад бўлмиш.  
Харидор топмагач, игво бозори хўп касод бўлмиш.  
Шу-чун ўз гўштини чайнаб қаро ул серкурум дилдан,  
Ғараз микроби зулмидин бутун умри фасод бўлмиш.

### ТЕКИНХЎРЛАР КЕТМАДИ...

Гоҳида: «Ту» лару, «ЯК» ила «ИЛ» лар  
Текинхўр зотларни ортиб гизиллар.  
Эҳ! Учкич уларни Марсга даф этмай,  
Ерга қўнишидан кўнглим сизиллар!..

Самарқанд

## МАСЛАҲАТ НЕЧА ПУЛ?

Ишдан келаётиб, иттифоқо,  
бирга ўкиган синфдошимни учра-  
тиб қолдим. Аввалига уни тани-  
мадим, кейин унинг бир оёғини  
кийшайтириб бошишни кўриб,  
дарҳол синфдошим Талашбой  
эканлигини эсладим. У энди жуда  
савлатли, сочларига оқ оралаб,  
улурғифат бўлиб кетган эди. Та-  
лашбой мен билан қуюқ сўраша  
кетди.

— Қалай, дўстим, фан кандида-  
ти бўлгандирсан? — У жавоб бе-  
ришимни кутмай, саволларни қа-  
лаштира кетди. — Нега пиёда  
юрисан? Машинанг қаерда?  
Қайси министрликда ишлаяпсан?  
Ойига қанча туширасан?..

Аммо дўстим менинг ўрта мак-  
табда оддий ўқитувчи эканли-  
гимни эшитиб, ўзини бошқачароқ  
тутди:

— Ботиркул, сенга нима бўлди,  
мактабда аъло ўқирдинг, отнинг  
кашқаси эдинг-ку?

Мен елкамни учириб: «Касби-  
миз шу-да», деб ишора қилдим.  
Талашбой қимматбахо сигаретини  
лабига кистириб, тутатди,  
кейин оғзидан паға-паға тутун  
чиқариб сайраб кетди:

— Яшашни билиш керак, Бо-  
тирбойвачча! Мана, хотинчамиз  
фан кандидати, даста-даста пул  
олади, қайнотам бўлса, қатта бир  
базани сўраб ётибди!

У бир зум уст-бошимга кўз

югуртириб чиқиб илжайди:

— Жа пальтонг зўр-ку, ўки-  
тувчилар бунақасини кийишмай-  
ди. Бунинг бозор нархи 500 сўм!

Мен хайрон бўлиб, пальто-  
нинг барларига қарадим:

— Буни бозордан эмас, бултур  
командировкага борганимда, ўша  
ердаги магазиндан олган эдим, —  
дедим. Талашбой менга ишонқи-  
рамай қаради-да, мийғида кулиб  
деди:

— Ия, ўша ерда молнинг яхши-  
си бўлар экан-да. Қалпоғинг ҳам  
ондатра экан, қўлда 250 сўм  
туради...

Бундай қулоқ солиб турсам,  
собиқ синфдошим ҳамма наранни  
пулга қақадиган бўлиб кетбди.  
Уйда 8 минг сўмлик китоби,  
тагида «Жигули» си, 100 минг  
турадиган ҳовлиси, 3 минглик  
магнитофони ва ҳоказолари бор-  
миш. Менга ҳам шундай бу-  
юмларни олиб қўйишимни, бо-  
шимга «иш» тушганда, бир ку-  
шимга яраб қолишини айтиб  
маслаҳат берди. Мен ўзимни ту-  
тиб туролмай, гап билан уни ўйиб  
олдим:


— Хўш, дўстим, маслаҳатинг  
неча пул туради, нархини тўлаб  
қўяй. Бўлмаса, кейинги гал кўри-  
шиб қолганимизда, устим юпун-  
роқ кўринса, гапирмай юрарсан.  
Яна шунча вақтинг кетди, балки  
сенинчга вақт ҳам пулди...



— Электр пулини тўлаш учун тўрт соатдан бери кутамиз, уят  
эмасми?

— Ток бўлмаса, нима қилай! Чироқ ёқиб ўтирибмиз.

## САБЗАВОТ ДЎКОНИ



— Агрономлик дипломи билан  
саримсоқ сотиб ўтиргани уялмай-  
санми, Бўғирсоқбек?  
— Унинг ҳам агроном бўла-  
риб такси хайдапсан-ку, ўчар-  
али!



— Уртоқжон, сийнабанд олмоқчи эдинг?

— Девдай йигит сотувчи экан, сўрагани уяламан.

А. Ғуломов чизган расмлар.

## Диплом хуржунда

Иигитали Мамадалиев совғасалом олиб, остановкада машина кутаётган эди, ёнига такси келиб тўхтади. Иигитали машинага ўтириб, шофёр томон энгашди:

— Аэропортга.  
Такси шофёри машина кўзгусида кўринган сиймони таниди шекилли, кетига кескин ўгирилиб хаяжон билан: «Иигитали!» деб юборди. Иигитали ҳам шофёрни таниди:

— Ҳалимжон!  
Собиқ курсдошлар самимий сўрашиб кетишди.

— Қадамларига ҳасанот, дўстим, қачон келдингиз? — деб сўради Ҳалимжон лаб-лунжини йириштиролмай.

— Бир-икки кун бўлиб қолди.  
— Қанақа хизматлар билан сўраймиз?

— Активлар йирилишига келган эдим.

— Ҳали ҳам агрономлик қилаётгандирсиз-да-а?

— Албатта, — деди Иигитали фахр билан, — ўзалари-чи?

Ҳалимжон тилла тишларини ялтиратиб кулди:

— Эй, дўстим, ҳар кимнинг йўли ҳар хил бўлар экан, масалан, мен ўз бахтимга тезроқ етиш учун шофёрликни танладим.

— Баракалла! — деди Иигитали киноя билан. — Мўмай ақча учун агрономлик дипломини правага алмаштирибсиз-да? Агар ўз вақтида институтдаги жойини банд қилмаганингизда ўша жойга бирор меҳнатқашнинг ўйил-қизи кириб ўқир, агроном бўлиб чиқар эди.

Ҳалимжон индамади-да, чиқиллаб айланаётган сўчечкага кўз кирини ташлаб, тезликни оширди.

## Худбин


Турки совуқ киши чивик билан кўп қаватли бино ҳовлисида ўйнаб юрган болаларни тиркиратиб қуваётган эди, бир аёл унга хитоб қилди:

— Кўшни, уялмайсизми, болалар майдончасига гараж қуриб олдингиз, бояқишлар қаерда ўйнайди?

Турки совуқ бармогини бигиз қилиб ўшқирди:

— Катта кўчага чиқиб ўйнайверинин!

Абдулла ИСОМИДИНОВ



## КРОССВОРД

Энига: 4. Ўзбекистон халқ шоири. 7. Иттифоқдош республика. 10. Бошқоқли галла экини. 13. Миллий таом. 15. Автомобилнинг бошқариш дастаси. 17. Адабий жанр. 18. Денгиз жонивори чаноғидан тайёрланадиган товланувчи модда. 20. Новдалари ерга эгилиб ўсадиган дарахт. 23. Балиқ тури. 24. Ўзбек халқ достони. 25. Москва областидаги тўқимачилар шаҳри. 29. Иттифоқдош республика пойтахти. 31. Арманистондаги шаҳар. 32. Бадий тўқимачилик буюми. 33. Баргидан дори-дармон тайёрланадиган кўп йиллик ўт. 35. Африкадаги дарё. 37. Хўл мева. 38. Улуғ рус олими, радио ихтирочиси. 41. Қаҳрамон шаҳар. 43. Жайдари шолӣ нави.

Бўйига: 1. Қишлоқ хўжалиги анжومي. 2. Сабзавот. 3. Прозаик асар тури. 5. Техника экини. 6. Тожикистондаги гигант нурхона. 8. Жанубий Осиё ўрмонларида яшовчи тўти тури. 9. Вокс мусобақасидаги ҳолат. 11. Мевадан тайёрланадиган ширинлик. 12. Доимий яшил хушбўй дарахт. 14. Ўзбекистонда етиштирилган от зоти. 16. Ўзбек шоири номи билан аталувчи Фарғона водийсидаги машҳур қишлоқ. 19. Винокорлик материали. 20. Халқ оғзаки ижоди жанри. 21. Субтропик мева. 22. Ноёб тоғ жонивори. 26. Ўзбек классик шоири. 27. Қашқадарё областидаги район. 28. Ер шарининг шимолий қисмидаги ўрмон зонаси. 30. Атоқли рус совет ёзувчиси. 34. Таниқли поляк композитори. 36. Клавишли музыка асбоби. 39. Чех ҳажвчи ёзувчиси. 40. Музикали саҳна санъати тури. 42. Ов ити.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

## 4-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 5. Романовский. 8. Дурадгор. 9. «Зевархон». 12. Робот. 14. Малина. 18. Пулкан. 19. Трактор. 20. Сейсмограф. 21. Уймакорлик. 24. Ундалма. 25. Волков. 27. Тарлон. 29. Ажрик. 32. Лишайник. 33. Оратория. 34. Номозшомғул.

Бўйига: 1. Плодлив. 2. Обигари. 3. Жазоир. 4. Асбест. 6. Дурбин. 7. Компла. 10. Обаки. 11. Баскетбол. 13. Мангишлоқ. 15. Антонов. 16. Атиргул. 17. Трамвай. 18. Пискент. 22. Наср. 23. Украина. 25. Графит. 28. Қайроқи. 29. Аязов. 30. Қурама. 31. Матбуот.

## МУҚОВАДА

Биринчи бет. Суратда: (чапдан) Совет Иттифоқи Қаҳрамони Абдусаттор Эшонқулов, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Роза Иброҳимова, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Уруш ветеранлари Совет комитети Тошкент секцияси раиси, полковник Бонс Эргашев, собиқ разведкачи, пенсионер Олим Ортиқов, ЎзССР савдо министри ёрдамчиси, истеъфодаги майор Владимир Исаев, собиқ разведкачи Владимир Ефимков. В. Мосия фотоси

Иккинчи бет: 1945 йил, Май. Рехстаг устида Ғалаба байроғи.

Учинчи бет: Совет Иттифоқи Қаҳрамони, генерал Собир Рахимов фронтда.

(ЎзТАГ фотохроникаси архивдан)

Тўртинчи бет: КПСС XXVII съездини муносиб кутиб оламиз!

Н. Галиев чизган плакат

## Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: С. АЗИМОВ, В. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ (бош расм), М. МҮЙДИНОВ, А. САИДУМАРОВ, С. ШЕРМУҲАМедов, А. ҚАЮМОВ, М. ҚУШМОҚОВ (масъул секретарь), И. ҲАЙДАРОВ, О. ҲҲСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Х. ҲУСИДДИНХҲҲАЕВ, К. ЯШИН.

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — II, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 333520; бош редактор ўринбосари — 333590; масъул секретарь — 325833; ижтимоий-сиёсий бўлим — 333602; адабиёт ва санъат бўлими — 333659; фан ва маданият ҳамда расмоллар бўлими — 325832.

Босмаҳонага туширилди 22.03.85 й. Босишга руҳсат этилди 24.04.85 й. Р-05878. Қоғоз 70×108/8. Вотив усулда босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5.6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 212142. Бувуртма 354. Нашр А-113.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси. 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси. 26.

Редакцияга келган бир босма тобоқчача бўлган материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон» дан олинди, деб кўрсатилши шарт.



ИЛҲОМБАХШ  
МЕҲНАТИМИЗ СЕНГА-  
ЖОНАЖОН ПАРТИЯМ!

КПСС XXVII СЪЕЗДИНИ  
МУНОСИБ  
КУТИБ ОЛАМИЗ!

